

**ЖОРЖ САМЮЭЛ КЛЕЙСОН**

**Молиявий мұваффақияттнинг  
қадимий сирлари**

**ВАВИЛОНЛИК  
ЭНГ БОЙ ОДАМ**

**THE RICHEST  
MAN IN BABYLON**

**САМЫЙ БОГАТЫЙ  
ЧЕЛОВЕК В ВАВИЛОНЕ**

**«Насаф» нашриёти  
2010**

**Ҳозиргача ўзбек китобхонларини машхур Дейл Карнеги, Жим Ронларининг ҳаётнинг аччиқ сабоқларидан ибратли дарс берувчи илҳомбажш асарлари билан ҳормай таништириб келаётган ёзувчи ва таржимон Хайрулла Қосимов навбатдаги янги муаллиф Жорж Клэйсон билан таништиради.**

**Кўданингиздаги китоб шунчаки маълумот учун ўқиб ҳўйишга ёзилган деб ўйласангиз мутлақо янгаширасиз.**

**Қашшоқлик нима? Ночор яшашнинг айбдори ким? Пудни топниш жуда қийин, уни билиб сарфлаш ҳаммасидан ҳам қийин, дегаң ҳалқ ҳикматини ҳандай тушинасиз?**

**Фаровонлийка эришишининг порлоқ йўли борми ?!**

**Асар юқоридаги саволларга жавоб берар экан, сабр, ҳушёр, матонат ва журъат, ҳалоллик каби фазилатлар инсоннинг юзини ҳеч қачон ерга қаратмаслигини бидиб оласиз.**

**Такризчи:**

**Абдулбоки Раҳмонов**

**Масъул муҳаррир:**

**Муяссар Охунова**

**Мутаржим:**

**Хайрулла Қосимов**

**Нашрга тайёровчи:**

**Акмал Нажмиддинов**

**ISBN 978-9943-18-049-9**

**© «Насаф» нашриёти,  
Акмал Нажмиддинов, 2010.**

## МУАЛЛИФ СЎЗБОШИСИ

**Миллат равнақи фуқаролар фаровонлиги даражаси билан ўлчанади.**

Қўлингиздаги рисолада ҳар бир шахснинг мақсадга эришиши йўлидаги имконият дараҷалари кўрсатиб ўтилади.

Муваффақият - бу фаол ҳаракат ва маҳорат туфайли қўлга киритилади. Унинг қалити мақсад моҳиятини тўла ва тўғри англаб олишадир.

Фаолиятимиздаги мантиқ фикрлашимиздаги мантиқдан устун бўлмайди. Фикрлашимиз даражаси қай нуқтагача ета олса, ақлимиз ўлчами ҳам ундан ўтиб кетмайди.

Ушбу китоб орқали сизга ҳавола этилаётган таклиф - тавсиялар қашшоқликдан халос бўлишнинг молиявий қонунларини ўзлаштириб олишда кўмак беради. Чунки шу асосларни ўрнатиб олгач, маблағ жамғариш, сақлаш ва ундан даромад олишни билишда пулнинг сирорларидан вokiф бўлиш зарурияти равшанлашади.

Навбатдаги бобларда эса бизнинг кунларимизгача энг аҳамиятли масала молиявий қонунлар ва унинг дастлабки ватани қадим Вавилония - шарқликлар ифодаси бўйича кўхна Бобилгача олиб боради.

Ушбу китоб муаллифининг ягона орзузи ва тилаги молиявий фаровонлик босқичларини

қадамма-қадам забт этаётган миллионлаб ўз ўкувчиларининг том маънода миллионерларга айланишларини умид қиласиди.

Асарда олға сурилган иқтисодий- молиявий лойиҳалар минг-минглаб ишбилармоналар, тоҷирлар, тадқиқотчилар синовидан ўтган ишончли тажрибалар ҳосиласидир.

Антик дунёning энг гуллаб яшнаган, ривожланган давлати Вавилон ҳақида жуда кўплаб тарихий хужжат ва ҳақиқатлар, ривоятлар ҳайратомуз тарзда бизнинг кунларимизга етиб келган. Унинг ҳалқи қашшоқликни мағлуб қилиб, фаровон келажак яратиш қонун-қоидаларини каашф эта олганлар. Улар пулнинг қадр-қимматини, моҳиятини молиявий темир қонунларини билган ҳолда, айни вақтда, бугун биз нимага интилаётганимизни, айниқса, қамбағалчиликдан нажот топиш йўлларини кўрсатиб кетган.

**Жорж Самюэл Клейсон**

## **ВАВИЛОННИНГ ЭНГ БОЙ ОДАМИ**

**\* ПУЛ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИН-ЛОВЧИ МЕЗОНДИР.**

**\* ПУЛ ҲАЁТДАГИ БАРЧА ШОДЛИКЛАРГА ЕТКАЗУВЧИ КУЧЛИ ВОСИТА.**

**\* ПУЛ ЎЗ ҚАДР-ҚИММАТИНИ АНГЛАГАН, САҚЛАШ ВА ЖАМҒАРИШНИНГ ЭНГ ОДДИЙ ҚОНУНЛАРИГА РИОЯ ҚИЛГАН КИШИЛАРНИ СЕВАДИ.**

**\* БУТУН ДУНЁ КАПИТАЛИ БУГУНГИ КУНИМИЗДА ҲАМ ОЛТИ МИНГ ЙИЛ МУҚАДДАМ ВАВИЛОНДА МАВЖУД БЎЛГАН МОЛИЯВИЙ ҚОНУНЛАР АСОСИДА БОШҚАРИЛАДИ.**

## **БОЙЛИККА ИНТИЛГАН ОДАМ**

Аравасоз Бензир ҳовлисини ўраб турган пастгина панжарага ўтириб ўзининг ночор уйи ва қарийб битказилган арава турган устахонасига хомуш тикилиб ўтиради.

Уйининг очиқ эшигидан ҳар замонда хотини қараб қўярди. Унинг нигоҳлари уйда тирикчилик учун ҳеч вақо қолмаганигини, ишга киришиш фурсати етганлигини эслатиб туради.

Аммо қимирламасди. Евфрат водийсига хос қуёшнинг жазирамаси аёвсиз куйдиради. Қошлари устида оқаётган майда тер томчилари юзидан пастга оқади. Уйининг орқа томонида подшоҳ қасрини ўраб турган баланд деворлар қад кўтарган, мовий осмон безакли Бел ибодатхонасини ёритиб туради. Бу баҳайбат бино сояси Бензирнинг ғарибона кулбаси ҳамда бошқа кўпчилик уйларга ҳам тушиб туради.

Ха, Вавилонда улуғворлик ва ночорлик, бойлик ва шафқатсиз қашшоқлик қоришиб, тартибсиз шаҳарнинг маҳобатли деворлари остида жам бўлган. У орқасига ўгирилиб қарашга ҳаракат қилганда кўча савдогарлари ва қашшоқларни четга сиқишириб, бир-бирига йўл бермай бораётган араваларни кўрган бўларди. Бундай пайтда шоҳ хизматида сув ташувчи кулларнинг узундан узун сафига йўл бериш учун четдан аравани ҳайдашга мажбур эдилар. Ҳар бир қул осма бояларни сугориш учун сув тўлди-

рилган оғир мешларни күтариб борарди.

Бензир шаҳардаги тинимсиз ҳаракатларни эшиитмас ва уларга эътибор ҳам бермасди. Таниш лира (қадимги чолғу тури) садосидан у ўзига келиб, қаршисида кайфияти чоғ, яқин дўсти, созанда Кобби турганини кўрди.

– Сенга Аллоҳнинг беҳисоб қарами бўлсин, менинг азиз дўстим,- деди Кобби, билишимча, шундоқ ҳам сенга аллақачон яхшилик қилиб қўйишганга ўхшайди, баҳтингта шерик бўлиб биргаликда қувонишга ижозат эт. Мен ҳатто уни сен билан баҳам кўришни истардим. Илтимос, менга бугунги байрам кунининг ниҳояси-гача атига икки шекел пул бериб турсанг. Мен уларни ҳамёнингдан йўқ бўлиб қолганини сезишингдан ҳам олдинроқ қайтараман.

– Агар менда икки шекел бўлганида ҳам,- қоворини солиб жавоб қилди Бензир, уларни ҳеч кимга, ҳатто сендай яқин дўстимга ҳам беролмасдим. Чунки улар менинг бор-йўқ бойлигим бўларди! Бойликни эса ҳеч кимга, ҳатто энг яқин дўстларга ҳам беришмайди.

– Нималар деяпсан,- қичқирди созанда,- ҳамёнингда битта ҳам шекл йўқлигига қарамай қотиб ўтирибсанми? Аравани нега битказмаяпсан? Иштаҳангни нима билан қондирмоқчи-сан? Ўзингга ўхшамаяпсан, дўстим. Файратинг қаерда қолди? Сени нимадир ранжитдими?

– Ҳа, нимасини айтай,- қўшилди Бензир,- ҳаммаси ўша бемаъни тушдан бошланди: "ичи тангалари тўла чиройли қизил ҳамён белбоғим-

дан осилиб туарди. Унда шекеллар ҳам бор эди. Мен уларни боқибекемлик билан тиламчиларга улашардим. Кумуш тангаларни эса хотинимга тақинчоқ ва ўзимга совғалар сотиб олишга сарфлардим. Унутилмас хурсандчилик ва мамнунлик туйғуси күнглимга ўрнашиб олди! Сен мендаги ўзгаришни күриб илгариги меҳнаткаш дўстингни танимаган бўлардинг. Хотинимни айтмайсанми - унинг чехрасида битта ҳам ажин йўқ, бахтдан юзидан нур тараларди. У яна мен қачонлардир севиб қолган қувноқ қизга айланниб қолган эди.

– Чиндан ҳам ёқимли туш, Бензир, – лекин нега энди қалбингда уйғонган шундай ажойиб ҳиссиёт сени ғам-қайғуга ботган "ҳайкалга" айлантириб қўйди?

– Шошилмасдан, қолганини эшитсангчи?! Уйғонганимдан кейин ҳамёним бўм-бўш эканлиги эсимга тушиб, мени қаттиқ норозилик чулғаб олди. Бу муаммони ҳал этишда менга ёрдам бер. Ахир денгизчилар тили билан айтганда, биз сен билан бир кемада кетяпмиз. Ёшлигимиздан илм излаб руҳонийларга қатнадик. Биргаликда вақтихушлик қилдик. Йиллар давомида дўстлигимиз фақатгина мустаҳкамланиб борди. Биз ўзимиздан ва ҳаётимиздан мамнун эдик. Меҳнат қилиб пул топиш бизга ҳузур бахш этарди, маошимизни эса эмин-эркин сарфлардик. Охирги пайтларда биз озмунча пул ишлаб топганимиз йўқ, лекин бойлик қанчалик хурсандчилик олиб келишини била туриб ҳам, у ҳакда

фақат орзу қилишдан нарига ўтмаяпмиз. Эй-воҳ! Энди товукмиялардан фарқимиз йўқ эканда? Ваҳоланки, атрофимизда бойлик оз эмас, лекин булардан шахсан бизга қандай наф? Мана қара, шунча узок мاشаққатли йилардан кейин ҳам сен, менинг энг яқин дўстим, ёнимга бўш ҳамён билан келиб, мендан қандайдир бир арзимас бир-икки шекел қарзга беримни сўраяпсан. Хўш, мен бунга нима деб жавоб бердим? "Мана менинг ҳамёним, мен ундаги борини бажонидил сен билан баҳам кўраман" дедимми? Йўқ, бунинг ўрнига мен ҳамёним худди сеникига ўхшаб бўм-бўш эканлигини тан олдим. Нега шундай? Нима учун бизда овқатга ҳам, кийим-кечакка ҳам етарли олтин ва кумушлар йўқ? Энди ўғилларимиз ҳақида ўйлаб кўр,- давом этди Бензир,- ахир уларнинг пешонасига ҳам худди оталаринидай тақдир битилган эмасми? Наҳотки улар ва уларнинг фарзандлари, кейинчалик эса фарзандларининг оиласлари ҳам бирорларнинг дабдабали ҳаёти ҳамда бойлиги қуршовида фақат эчки сути ва бўтқа билан қаноатланиб яшашига тўғри келади?

- Шунча пайтдан бери сен билан дўст бўлишимга қарамай, бирор марта ҳам сендан бундай гапларни эшиitmaganдим, Бензир,- деди бироз ўйланиб қолган Кобби.

Бензир гапида давом этди: - Шу пайтгача бундай фикр ҳеч қачон миямга ҳам келмаган. Тонг саҳардан кечгача жон куйдириб ишладим,

энг ажайиб араваларни ясадим ва қачонлардир Маъбуллар қилган меҳнатларимни муносиб баҳолаб, менга фаровон ҳаёт ато этишларига умид қилдим. Лекин оқибатда бундай бўлиб чиқмади. Мен кутиш бефойда эканлигини тушуниб етдим. Шунинг учун қалбим қайфуга ботган. Мен бой бўлишни истайман, ерларим ва подаларим, чиройли кийимларим ва ҳамёним тўла пул бўлишини истайман. Бунинг учун устахонамда бор ғайратимни сарфлаб, тинимсиз ишлашга тайёрман, лекин шу билан бирга қилган меҳнатим муносиб тақдирланишини истайман. Бошқалардан нимамиз кам? Саволимни яна такрорлайман! Нима учун биз фаровон ҳаёт кечираётган инсонларга насиб қилган хурсандчиликларнинг ҳеч бўлмагандага озгинасидан бўлса ҳам баҳра ололмаймиз?

– Бу саволингга жавоб беролмайман,- хитоб қилди Кобби.- Менинг ҳаётим ҳам сеникидан ортиқ эмас. Лирадан келадиган даромад тез сарф бўлаяпти. Оилам оч қолмаслиги учун пулни ўйлаб ишлатишинга ва тежашимга тўғри келяпти. Менинг ҳам қалбим тўрида саклаб юрган ниятим бор,- қани энди катта лирага эга бўлсан, унинг жарангида шунака оҳанглар яратардим -ки, аъзойи баданинг жимиirlаб кетарди. Бунақа асбоб билан яратилган ушбу сеҳрли куй ҳатто подшоҳни ҳам ҳайратга соглан бўларди.

– Сен бундай лира соҳиби бўлишга муносибсан. Бутун Вавилонияда ҳеч ким уни сендан

яхшироқ чалолмайди. Бошқа ҳеч ким нафақат подшоҳни, ҳатто Маъбудларни ҳам ҳайратда қолдирадиган даражада уни майин куйлата олмайди. Лекин биз, ҳудди подшоҳнинг қулларидек қашшоқ бўла туриб, бундай орзуни амалга ошира олмадик? Шовқинни эшитяпсанми? Улар келишяпти, - деб Бензир дарё томонидан шаҳарнинг тор кўчалари бўйлаб тепага узун саф тортиб бораётган, ярим яланғоч, юзларидан тер томчилаётган сув ташувчи қулларга ишора қилди.

Куллар ҳар бир қаторда бештадан бўлиб, сув тўлдирилган оғир чарм мешларнинг оғирлигидан икки букилиб боришарди.

- Олдинда бошлаб бораётган қулга қара, қандай келишган-а? - дея Кобби сафнинг бошида юксиз, бир текис қадам ташлаб бораётган забардаст полвонга ишора қилди.

- Ҳойнаҳой, у ўз юртида буюк одам бўлган бўлса керак?

- Улар орасида ажойиб меҳнаткаш, ҳалол эркаклар кўп,- гапига қўшилди Бензир,- ҳудди сен билан мендек. Узун бўйли, малла соч шимолликлар, хуш табиатли жанубли қора танлилар, қўшни мамлакатдан пакана сариқ танлилар. Буларнинг ҳаммаси кун сайин, йил сайин дарёлардан осма боғларга ва осма боғлардан яна ортга тинмай қатнашарди. Бахтга эришишга ҳеч қандай умид йўқ. Уларнинг овқатлари - бўтқа, тўшаклари эса - сомондан ясалган бўйра. Бу бечораларга менинг раҳмим келади, Кобби!

Мен ҳам уларга ачинаман. Лекин сен барibir, мени, биз озод инсонлар бўлсак ҳам, қисматимиз фарқи уларнидан унчалик катта эмаслигига ишонтироқчи бўляпсан.

– Гапинг тўғри, Кобби, бундай хаёллар менга тинчлик бермаяпти. Ахир биз йилдан- йилга қулларча ҳаёт кечиришни истамаймиз-ку. Шунга қарамасдан, одинда ҳаётнинг яхшиланишига ҳеч қандай умид бўлмаса ҳам ишлаш, ишлаш, ишлаш керак!

– Эҳтимол, бошқаларга маълум бўлган бой бўлиш сирларини билмасмиз? - сўради Кобби

– Ҳа, сен ҳақдирсан. Бунда қандайдир бир сир бор ва бу сирни фақатгина шу ишнинг усталири билиб олиши мумкин, - деди Бензир.

– Бугун,- гап бошлиди Кобби,- мен эски ошнамиз Арқадни учратдим, у ўзининг олтин аравасида кетаётганди. Лекин, шуниси аҳамиятлики, у шаҳарнинг бошқа зодагонларига ўхшаб мендай фақир инсон билан ўзини катта тутгани йўқ. Аксинча, у кўчадагиларнинг ҳаммасига кўринарли қилиб қўл беришиб дўстона саломлашди.

– Айтишларича, у Вавилониянинг энг бой одами эмиш,- фўлдиради Бензир.

– Ҳа, чиндан ҳам бой-ки, ҳатто подшоҳнинг ўзи ҳам, хазинани тўлдириш ҳақида гап кетганида унга мурожаат қиласди, - жавоб қилди Кобби.

– Ҳа, - гапни бўлди Бензир,- мабодо Арқадни тунда учратиб қолсам, унинг тўла ҳамёнини

тунаш истагидан ўзимни тия олмай қоламан, деб қўрқаман.

– Кўйсангчи, шунаقا расво гапни!- таъна қилди унга Кобби, - кишининг бойлиги ҳамёниning қалинлиги билан ўлчанмайди. Тўла ҳамён ҳам агарда уни тўлдириб туродиган манба бўлмаса, тезда бўшаб қолади. Арқаднинг ҳар қанча сарф - харажат қилишга қарамасдан ҳамёнини ҳамиша тўлдириб туродиган даромад бор.

– Даромад,- мана гап нимада! - хитоб қилди Бензир. -Менга шундай ишончли даромад манбаи керак-ки, мен ҳозиргидай панжара остида ўтиришим ёки узоқ мамлакатлар бўйлаб саёҳатда бўлишимдан қатъий назар, у доимо ҳамёнимга пул келтириб туриши керак. Арқад ҳойнаҳой даромад манбанини топиш йўлини билади. Нима деб ўйлайсан, у менинг бетараф фикрларимга аниқлик кирита олармикан?

– Менимча, у ўзининг ўғли Номазирга ўргатган,- жавоб берди Кобби, - ахир айтишларича, отасининг ҳеч қандай ёрдамисиз, шаҳарнинг энг бадавлат одамларидан бирига айланган шу эмасми?

– Кобби, сен менга ажойиб ғоя бердинг, - Бензирнинг кўзларида ўт чакнади. - Ахир дўстдан доно маслаҳат сўрасам, мендан ҳеч нарса кетмайди- ку, ҳар ҳолда Арқад менга бегона бўлиб қолмаган. Қолаверса, бизнинг ҳамёнларимиз чумчукнинг уясидай бўм- бўш бўлиб қолганлиги ҳеч ҳам фожиа эмас. Бу нарса бизни тўхтат-

маслиги керак. Сенинг атрофинг бойликка тўла бўлган пайтда қашшоқ бўлиб қолиш уят. Биз бой бўлишни истаймиз. Яхшиси юр, Арқаднинг ёнига бориб, ундан ва топган мол-дунёси ҳақида сўзлаб беришини сўраймиз.

– Сўзларинг ажойиб, Бензир! Улар мени ҳам ўйлантириб кўйди. Назаримда, мен нима учун ҳалигача бойлик мазасини татиб кўрмаганлигимиз сабабини англай бошлаяпман. Менимча, биз ҳеч қачон ахтармаганмиз ҳам. Сен сабртоқат билан араваларингни йўниб бу ишга бор кучинингни сарфладинг ва ниҳоятда ўз ишингниг ҳақиқий устасига айландинг. Мен эса иложим борича яхши куйчи бўлишга ҳаракат қилдим ва бунга эришдим ҳам.

Ҳа, биз ўзимизни бахшида қилган ишларимизда муваффақиятга эришдик. Мана ниҳоят, кўзларимиз очилиб - олдимизда худди ёруғ нур чараклагандай бўлди. У онгимизни равшанлаштириди ва биз ўзимизни бундан ҳам ортиқроғига муносиб эканлигимизни тушуниб етдик. Ҳаёт сирларини янгидан англашимиз бизга истакларимизни муносиб тарзда амалга оширишимизга ёрдам беради. Кел, бу ишга ёшликтан бирга ўсган дўстларимизни ҳам таклиф этамиз, доно одамнинг гапларини эшитиш уларга ҳам асқотиши мумкин.

– Бензир, ҳамиша дўстларинг ҳақида ғамхўрлик қиласан. Шунинг учун ҳам дўстларинг кўп. Майли, сен айтганча бўлақолсин, бугунок Арқаднинг олдиги борамиз.

## ВАВИЛОННИНГ ЭНГ САРВАТДОР ОДАМИ

Бир вақтлар қўҳна Вавилонда Арқад исмли жуда сарватдор (бой-бадавлат) одам яшаб ўтган бўлиб, унинг бойлиги тилларда достон бўлган. У сахийлик билан ҳам машҳур бўлиб, жуда катта хайрия ишлари билан шуғулланган. У оила бошлиғи сифатида ҳам жуда саховатли инсон эди. Ҳамиша тўкин- сочинликда яшаган... Шунга қарамасдан, йилдан- йилга унинг даромадлари сарф- харажатларидан анча юқори бўлган.

Унинг ёшлиқдан бирга ўсган бир неча дўстлари бўлган. Кунлардан бир кун улар Арқаднинг олдига келиб шундай дейишган:

– Сен, Арқад, бизлардан кўра омадлироқсан. Бизлар кун кўриш учун курашиб юрган бир пайтда, сен юртимиздаги энг бадавлат одамга айландинг. Сен ҳоҳдаганингча энг чиройли кийимларни кийиб, энг тансиқ таомлардан лаззатлана оласан, биз эса кийим кийишда ва оиласизни боқишида бор нарсаларни ўзига қувонамиз. Ахир бир вақтлари мавқеимиз ўзаро teng бўлган. Бир муаллимдан таълим олиб бир хил ўйинларни ўйнаган бўлсак ҳам, на ўқишида, на ўйинда сен биздан устун бўлмагансан. Қолаверса, кейинчалик ҳам, узоқ йиллар давомида сен ҳам бизларга ўхшаб жуда ҳурматли фуқаро бўлиб келдинг. Агар ўйлаб қарасак, сен ҳечам бизлардан кўпроқ ишламадинг. Унда айтчи, инжиқ тақдир ҳаётнинг барча қувончлари ни

бериш учун, айнан сени танлаб, худди шундай бахтга лойик бўлган биздек одамларни нега четлаб ўтган?

Шунда Арқад уларга жавоб берди:

- Дўстларим, сизлар ёшлик пайтларимиздан буён ўтган йиллар давомида зўрга кун кўришдан нарига ўтмаган бўлсангиз, демак сизлар ё фаровон ҳаёт қуриш қонунларини ўрганимагансиз, ё шунчаки, уларга амал қилмагансиз, холос. Такдир ҳақиқатан ҳам инжик. У доимий бахтни ҳеч кимга шунчаки ато этмайди. Аксинча, у ўз меҳнати билан пул топмаган ҳар бир кимсага фақат муҳтожлик олиб келади. Йикқанларини бир зумда сарфлаб қўядиган "бойвачча"ларни уларнинг ўзларини қондиришга қодир бўлмаган иштаҳа ва истаклари билан юзма-юз қолдиради. Қандайdir кутилмаган сабаблар билан инжик тақдирнинг назарига тушганлар эса зиқна бўлиб қолишади ва бойлиklärини сарфлаб қўйишдан қўрқиб унинг устида қалтираб ўтиришади. Чунки ўзларида бойликни қайтадан тўплашга қобилият йўқлигини билишади. Улар талончилардан ҳам қўрқищади, натижада эса ўзларини бежуда умр ва манфур қашшоқликка гирифтор қилишади. Кўлларига бойлик ўз-ўзидан келадиган ва уни кўпайтириб, бахтиёр яшаб юрган одамлар жуда оз, мен улар ҳақида фақат мишишлар орқали эшитганман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: эҳтимол танишларингиз орасида тўсатдан меросга эга бўлганлар бордир. Уларга нисбатан менинг гапларим

қанчалик ҳақиқатлиги тўғрисида холоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

Арқаднинг дўстлари меросга эга бўлган ўзтанишларини эслаб, унинг ҳақ эканлигини тан олишади. Арқаддан қандай қилиб у шундай фаровонликка эришганлигини тушунтириб беришини илтимос қилишди. Шунда у сўзида давом этди:

– Ёшлигимда мен дунёга назар ташлаб, одамга баҳт ва ҳузур-ҳаловатдан баҳраманд бўлишга имкон беришни тушундим. Бойлик - бу куч. Бойлик ёрдамида кўп нарсага эришиш мумкин: уйингни ҳашаматли қилиб жиҳозлаш, узоқ денгизлар, чет элмарга саёҳат қилиш, ҳатто ҳақдорлар йўлида ҳашамдор ибодатхоналар қуриб, қалбингга қувонч ва мамнунлик бағишлайдиган яна кўп ишларни қилиш мумкин.

Буни тушуниб етганимдан сўнг мен дунёвий хурсандчиликларнинг бир қисмига эга бўлиш учун курашишга қарор қилдим. Мен бошқалар ҳаётдан лаззатланиб яшаётган бир пайтда уларга ҳасад билан четда қараб турмадим. Юпун кийимни бинойидек, деб қаноат қилмадим. Мени камбағаллик қисмати қониктирмади. Ҳа, мен ҳаёт ўзи сайлаган одамлар учун ташкил қилган байрамнинг тўла ҳуқуқли меҳмони бўлишга қарор қилдим. Эсларингда бўлса, бир камбағал савдогарнинг катта оиласида ўсган мендек ўғилга мерос қолишидан ҳеч қандай умид йўқ эди. Аммо, сизлар тўғри таъкидлаб ўтганингиздек, алоҳида истеъдод ва донолик

соҳиби бўлмай туриб, ўзим орзу қи́лган нарса-  
ларнинг барчасига эришиш учун вақт ва би-  
лим керак деган қарорга келдим.

Вақт масаласига келсак, у ҳар биримизда  
етарлидан ҳам ортиқ. Сизлар бугунги вақтга-  
ча, шунчаки, ўз бойлигингизни ишлаб топишга  
сарфлаш мумкин бўлган қимматли дақиқалар-  
ни қўлдан бой бергансиз, холос. Шу билан бир-  
га, сизлар ҳақли равишда фурурланингиз  
мумкин бўлган ўз оиласарингиздан бошқа ҳеч  
нарсангиз билан мақтана олмасликларингизни  
тан олмайсизлар.

Энди ўқиб-ўрганиш масаласига келсак, ахир  
доно муаллимимиз ўрганиш ва эслаб қолиш, ёки  
ўзинг учун номаълум бўлган нарсаларни каашф  
қилишга уриниб ақлингни чархлаш мумкин, деб  
айтмаганмиди?!

Ана шунинг учун ҳам мен қандай қилиб бой-  
лик тўплаш мумкинлигини тушуниб етишга  
қарор қилдим. Билиб олганимдан сўнг эса, буни  
ўз олдимга вазифа қилиб белгилаб, уни муваффақиятли ҳал қилдим. Чунки донолик ҳам, токи  
сен офтоб нурларида чўмилиб юрар экансан,  
ҳаётдан лаззатланишда эмасми? Ахир, вақти  
келиб қоронгуликка киргач, ғам-ғуссани татиб  
кўришга улгурасанку!

Мен шаҳар магистратида ўзимга иш топиб,  
ҳаттотлик қила бошладим ва ҳар куни лойдан  
ясалган тахтачаларга матн битиб ўтирадиган  
бўлдим. Мен ҳафта сайин, ой сайин меҳнат қи-  
сам ҳам ишлаб топганларим ҳаддан ташқари

оз эди. Улар еб-ичишга ва арзимас кийим-кечакка зўрға етар эди. Шунга қарамай бой бўлиш ҳақидаги қароримни амалга оширишдаги қатъиятлик мени тарк этмади.

Ва ниҳоят, кунлардан бир кун магистратга савдогарларни қўллаб-қувватловчи Алгамиш келиб "Тўққизинчи қонун"дан нусха кўчиришга буюртма берди. Магистр менга шундай деди: "Бу хужжат икки кундан кейин қўлимда бўлиши керак. Агар топшириқ вақтида бажарилса, сен икки бронза тангага эга бўласан".

Мен астойдил ишласам-да, лекин, қонун узундан-узоқ эди. Алгамиш қайтиб келганида, топшириғи бажарилмаганди. У разабга минди. Мен Алгамишга бундай дедим:

– Алгамиш, сиз жуда бой одамсиз. Агар сиз бой бўлиш сирларини айтиб берсангиз, қўлёзма тонг отгунча тайёр бўлади. У мийифида кулди: "Сен жуда эгчил чиқиб қолдинг-ку, хумпар. Майли, буни ўзаро битим деб ҳисоблаймиз".

Мен кечаси билан ишладим. Тонгда келганида қўлёзма тайёр эди.

– Сен битимнинг ўзингга таалукли бўлган қисмини бажардинг, – деди у юмшоқлик билан, – шунинг учун мен ҳам ўзимга тегишлисини бажаришга тайёрман. Мен сенга фақат ўзинг билмоқчи бўлган нарсаларингни гапириб бердим, чунки қарий бошладим, қариялар эса эзма бўлишади.

Аммо ёшлар қари одамлар олдига маслаҳат сўраб келганларида, улар йиллар давомида си-

новдан ўтган доноликни ўргата бошлашади. Лекин тўғрисини айтсам, ёшлар кўпинча қаријалардаги доноликнинг бари ўтмишга доир, шунинг учун келажак учун ушбу маслаҳатлар ярамайди, деб ўйлашади. Лекин сен эсингда тут: бугун чараклаб турган қуёш - отанг туғилганида ҳам чараклаб турган ўша қуёшнинг ўзидир. Худди шу қуёшнинг ўзи сенинг уруғингдаги охирги аждодинг қоронгуликка равона бўлган кунда ҳам туради.

- Ёшликдаги ўй-хаёллар, - давом этди Алгамиш, - бу осмонда учиб юриб уни ўз шуъласи билан ёритиб ўтадиган ёрқин кометаларга, қаријалар донолиги эса - осмон гумбазида ўз ўрнини ҳеч қачон ўзгартирмайдиган абадий юлдузларга ўхшайди. Шунинг учун ҳам денгизчи уларга қараб ўз йўналишини ҳамиша аниқлай олиши мумкин. Лекин сўзларимни яхшилаб эслаб қол, акс ҳолда, мен сенга очадиган ҳақиқатни тушуна олмай, тунги меҳнатинг беҳуда кетади.

Кейин у менга ўзининг қалин қошлари остидан тикилиб қараб йўғон ва қатъиятли овози билан: "Мен бойликка олиб борадиган йўлни ишлаб топган пулимнинг бир қисмини ўзимга қолдиришга қарор қилганимдан кейин кашф этдим. Сен ҳам буни эслаб қол!" - деди ва яна ўзининг ўткир нигоҳи билан менга тикилиб туриб узоқ сукут саклаб қолди.

- Бор-йўғи шуми? - ҳайрон бўлиб сўрадим мен, - Ахир мен нимаики ишлаб топган бўлсам, бари меники-ку, шундай эмасми?

– Ҳечам ундаи эмас, - жавоб берди Алгамиш,  
- Масалан, тикувчига ҳақ тўлайсанми? Ахир  
Вавилонда пул сарфламасдан туриб яшаб бўла-  
дими? Ўтган ойда ишлаб топган пулларингдан  
ўзингга нима қолди? Ўтган йилдаги даромадин-  
гдан-чи? Эҳ, аҳмок! Сен ўзингдан бошқа ҳам-  
мага ҳақ тўлайсан. Ақлсиз, сен бошқалар учун  
ишлайсан. Бу худди қул бўлиб, овқат ва кийим  
учун хўжайинга хизмат қилгандай гап. Лекин  
сен ишлаб топганларингни ўндан бир қисмини  
ўзингга қолдирсанг, ўн йилда қанча пул йифи-  
лади, ҳисоблаб кўр-чи!

Менинг математикадаги билимларим панд  
бермай мен шундай жавоб бердим: " Бир йил-  
да ишлаб топганимчалик".

– Сен фақат қисман ҳақсан, - Эътиroz бил-  
дирди Алгамиш.

Четга эҳтиётлаб олиб қўйган ҳар бир тилла  
сенинг қулингга айланади ва фойдангга ишлай  
бошлайди. Ушбу тилла тангалар орқали ишлаб  
топилган ҳар бир сарик чака ҳам сенга даро-  
мад келтира бошлайди. Агар сен бой одамга ай-  
лансанг, ҳам барча жамғарғанларинг ҳамиша  
фойдангга ишлаб туриши керак. Фақат шун-  
дагина сен ўз бойликларингни кўпайтира ола-  
сан. Эҳтимол, мени алдаяпти, деб ўйлаётгандир-  
сан. Эҳтимол, буни ҳечам ўз ишинг учун муно-  
сиб тўлов деб ҳисобламассан, - давом этди у,-  
лекин менинг ҳақиқатимни тушунишга ақлинг  
етса, мен сенга ваъда берганимдан кўра минг  
карра кўпроқ тўлаганимга амин бўласан.

Сен ишлаб топган пулларнинг бир қисми шахсан ўзингга тегишли. Бу улуш, қанчалик даражада арзимас бўлмасин, топган пулларнинг ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Биринчи навбатда ўз ҳақингни шахсан ўзингга тўла. Овқатга ҳам, хайрия-садақа қилишга ҳам етадиган маблағдан ортиб қолган пулингни тикувчи ва этикдўзга сарфла.

Бойлик ҳам, худди дарахтдек, зифирча уруғдан ўсиб чиқади. Сен четга олиб қўйган ўша биринчи сариқ чақанг, вақти келганда бойлигинг дарахти сифатида ўсиб чиқадиган уруғ бўлиб сенга хизмат қиласди. Ушбу дарахтни доимиий жамғармаларинг билан озиқлантириб, суғориб, қанчалик яхши парвариш қилсанг, ундаги япроқларинг шивирлашидан шунчалик тез лаззатлана бошлайсан.

Бу гапни айтиб бўлгач, Алгамиш ўз қўлёзмаларини олиб кетиб қолди. Мен унинг айтганлари устида жуда кўп ўйладим ва улар оқилона эканлигига амин бўлдим. Шунинг учун бу гапларнинг кучини амалда синаб кўришга қарор қилдим.

Эндиликда, маошимни олганимда, ишлаб топганларимдан ҳар бир ўнинчи тангани четта-пароқ жойга беркитиб қўядиган бўлдим. Энг қизиги шундаки, бундай қилганимдан мен қашшоқ бўлиб қолганим ҳам йўқ. Сарф-харатларга камроқ пул қолаётганини эса сезмадим.

Тўғрисини айтсам, Финикия ерларидан кемаларда олиб келинаётган туялар ва пештах-

таларга қўйилган нарсалардан биронтасини сотиб олиш истаги тез- тез кўнглимга васваса солиб турарди. Лекин мен донолик билан ўзимни тиярдим.

Орадан ўн икки ой ўтгач, Алгамиш яна олдимга келиб:

– Қани айт-чи, ўғлим, йил давомида ишлаб топганларингнинг ўндан бир қисмини ўзингга тўлаяпсанми?- деб сўради.

Мен мағрурлик билан жавоб бердим: - Ҳа, устоз, тўлаяпман.

– Бу яхши,- деди у юзи ёришиб, - хўш, бу пулларни нима қиласан?

Мен бу пулларни узоқ юртларга кетаётган ва менга Тирдан қимматбаҳо тошлар олиб келиб беришни ваъда қилган қурувчи уста Азмурга бериб юбордим. У қайтиб келганидан кейин биз уларни қиммат баҳода сотиб, даромадни бўлишамиз.

– Ҳар қандай аҳмоқ ҳам бирор ишни ўрганиши учун тажриба орттириши кераклиги тўғри,- разаби қайнаб, деди у, – Лекин қандай қилиб сен қимматбаҳо тошларни танлашни тош терувчи устага ишондинг? Нима, юлдузлар тўғрисида сўраш учун новвойнинг олдига борармидинг? Йўқ, менимча, бунинг учун сен мунажжим олдига борардинг, агар калланг жойида бўлса, албатта.

– "Ўғлим, сен ўз бойлигинг дарахтини чопиб ташлабсан. Сени жамғармаларингни кули кўкка совурилибди. Нимаям дердим, энди бо-

шқасини эк. Яна бир марта уриниб күр. Кейинги сафар қимматбаҳо тошлар масаласида сенга маслаҳат керак бўлиб қолса, уларнинг фарқига борадиган бирон бир бошқа одамга мурожаат қил. Агар қўйлар тўғрисида бирон нарса билишни истасанг, чўпоннинг олдига бор.

– Маслаҳат - текинга бериладиган ягона нарса. Лекин шуни ёдда тутгинки, фақат эътиборга лойиқ бўлган маслаҳатларнигина қабул қил. Ўзини жамғармалари масаласида бу ишдан умуман бехабар бўлган одам билан маслаҳатлашган кимса ўз нодонлиги туфайли худди шу жамғармалари билан ҳақ тўлашга маҳкум!" Шу гапларни айтиб, Алгамиш кетиб қолди.

Ҳаммаси худди айтгандагидек бўлиб чиқди. Чунки ярамас финикияликлар, Азмурга қимматбаҳо тошлар ўрнига ялтироқ шишаҷаларни тиқишириб юборибди.

Алгамиш ўргатгандек, мен яна ҳар бир ўнинчи чақани четга олиб кўя бошладим. Эндиликда бу иш мен учун одатга айланиб, ҳеч ҳам оғирлик қилмай қўйди.

Орадан яна ўн икки ой ўтди. Алгамиш қайтиб келиб яна менга мурожаат қилди: - Хўш, сен билан охирги учрашувимиздан буён қандай ўзгаришлар рўй берди?

– Мен вижданан ўзимга ҳақ тўлаб келаяпман, – жавоб бердим, – ва ўз жамғармаларимни темир сотиб олиш учун қалқон ясаш устаси Аггирга ишониб топширдим. Ҳар тўрт ойда у менга улушимни йиғиб беради.

– Бу яхши. Хўш, сен ўз улушингни нима қиляпсан?

Ўзимни асал, ажойиб шароб ва хушбўй нознеъматлар билан меҳмон қилиб байрам уюштиряпман. Бундан ташқари, ўзимга янги чопон сотиб олдим. Энди эса миниб юриш учун битта эшак сотиб олмоқчиман.

Бунга жавобан Алгамиш кулиб юборди: "Ахир сен жамғармаларинг дунёга келтирган болаларини еб юборибсан-ку! Қандай қилиб улар сенинг фойдангга ишлаши мумкин?! Қандай қилиб уларниң болалари ўзига ўхшаганларни туғиши мумкин?! Аввал сен олтин қуллар армиясига эга бўлиб олишинг ва факат шундан кейингина ўзинг учун bemalol дабдабали зиёфатлар уюштиришинг мумкин".

Шу гапларни айтиб яна ғойиб бўлди.

Уни икки йил кўрмадим. Бир куни у яна менникига келди.

Алгамиш менга шундай деди: - Арқад, сен ўзинг орзу қилган бойликка эриша олдингми?

– Ҳозирча йўқ, лекин тузуккина жамғармаларим бор ва улар менга даромад келтира бошлиди.

– Сен ҳозир ҳам илгариgidек қурувчилаr маслаҳатидан фойдаланяпсанми?

– Фишт теришда улар менга яхши маслаҳат беришяпти,- бўш келмадим мен.

– Арқад,- давом этди Алгамиш,- сен сабоқни яхши ўзлаштирдинг. Аввал сен ишлаб то-паётган маблағингдан кўра сал камроқ маб-

лағга яшашни ўргандинг. Шунинг учун сен сақлаш ва идора қилишни яхши ўргандинг. Шунинг учун сен масъулиятли лавозимни эгаллашга тўла-тўкис тайёрсан. Мен қарияпман. Ўфилларим фақат пул сарфлашни билишади, лекин уни қандай топиш мумкинлиги тўғрисида ҳатто тасаввурлари ҳам йўқ. Менинг жудаям катта мулким бор. Кўрқаманки, уни бошқаришга энди кучим етмайди. Агар сен Ниппурга бориб менинг мулкимни бошқаришга рози бўлсанг, мен сени ўзимга ҳамкор қилиб олган бўлардим ва сен менинг бойликларимдан ўз улушингга эга бўлардинг. Бунга нима дейсан?

Шундай қилиб, мен Алгамишнинг таклифи га розилик билдириб, Ниппурга жўнадим. Унинг катта мулкини бошқаришга киришиб кетдим. Менинг нафсониятим кучли бўлганлиги ва бунинг устига муваффакиятнинг учта қонунини яхши ўзлаштирганлигим сабабли, унинг мулкидан келадиган даромадларни кескин оширишга муваффақ бўлдим. Натижада, мен ҳам бундай ишдан ўзимга катта бойлик орттирдим. Алгамишнинг руҳи Арши аълога кўтарилиб кетгандан кейин, у васият қилганидек, қонуний равишда мероснинг бир қисмига эга бўлдим.

Арқад шу ҳикоясини тутатганидан кейин, дўстларидан бири шундай деди:

– Алгамиш сенга мерос қолдирганлиги ҳақиқатан ҳам омадинг юришганлигидан да-лолат беради.

– Аслида, омадим юришганининг сабаби, менда бойиш истаги у билан учрашишдан ҳам аввал пайдо бўлганлигидадир. Ахир ўз даромадларимнинг ўндан бир қисмини жамғариб юрган ўша тўрт йил давомида мен белгиланган мақсадга эришишга қодир эканлигимни исботламадимми? Қолаверса, моҳир балиқчининг одатларини ўрганиб, ҳар қандай обиҳавода ҳам тўрни қаерга ташлаш кераклигини билгани учун "у омадли балиқчи", деб атایсизларми?

Омад - бу ҳар қандай шароитда ҳам ундан вактида фойдаланиб қолишига тайёр бўлмаган одамга фурсат сарфлаб ўтирмайдиган қудратли имконият.

– Сен биринчи йили йифқан жамғармаларнинг баридан айрилиб қолганингда ҳам ўзингни йўқотиб қўймадинг. Бу сенинг жуда кучли ирода соҳиби эканлигиндан далолат беради. Аслида сен мутлақо бошқачасан, - деб гапга қўшилди дўстларидан яна бири.

– Кучли ирода?!- эътиroz билдириди Арқад. - Бемаънилик! Наҳотки кучли ирода одамга тужа ҳам кўтара олмайдиган ва энг кучли буқа ҳам ўрнидан кўзғата олмайдиган юкни кўтаришга ёрдам бериши мумкин, деб ўйласанг?! Кучли ирода - бу сен ўзинг учун белгилаб қўйган вазифани қандай бўлмасин бажаришга қатъий қарор қилишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Агар мен ўз олдимга бирон-бир вазифани қўядиган бўлсанм, у қанчалик даражада мураккаб бўлиб

күринишидан қатъий назар, мен уни бажариш им керак. Акс ҳолда, қандай қилиб менде жиддий ишга қўл уриш учун ўзимга ишонч пайдо бўлиши мумкин?

Мисол учун, мен ўзимга "Юз кун давомида кўприкдан ўта туриб ҳар куни йўлдаги бир тошни олиб дарёга ташлайман" деб айтсам, мен бу ишни албатта бажараман. Агар еттинчи кунга келиб мен ўз олдимга қўйган вазифани унугиб қўйсам, "Эртага иккита тош ташлайман, - нима фарқи бор" деган гаплар билан ўзимни овунтириб ўтирмайман. Бунинг ўрнига мен орқага қайтаман-да ўтказиб юборилган тошни ташлайман. Йигирманчи кунга келиб эса мен: "Арқад, бу бемаъни иш. Нимага энди ҳар куни, албатта, битта тош ташлаш керак? Бирданига бутун бир уюмни ташлаб юборақол!" деб айтмайман ҳам, қилмайман ҳам. Мен ўз олдимга вазифа қўйдимми, демак, уни албатта бажаришим керак. Айнан шунинг учун ҳам, ўз гарданимга қийин ёки бажариб бўлмайдиган вазифаларни олмайман. Чунки менинг хотиржамлигим мен учун ҳаддан ташқари қадрлидир.

Шунда сухбатга дўстлардан яна бири қўшилиб деди:

- Арқад, сен айтиб берган нарсалар ҳақиқатан ҳам ростлигига гумоним йўқ. Сенинг гапларинг ҳам оқилона, ҳам ҳаётий тажрибага бой. Бундан келиб чиқадики, шундай оддий қоидаларга амал қилиш билан ҳар қандай одам ҳам бой бўлиб кетиши мумкин экан-да?

- Бойлик фақат одамнинг ғайрати билан яратилади, - жавоб қилди Арқад. - Агар бой ўзига сарой қураётган бўлса, сизнингча унинг сарфлайдиган олтинлари зое кетадими?.. Йўқ, олтинг нинг бир қисмини уста олади, бир қисмини - ишчи, бир қисмини деворларни безайдиган рассом... Натижада, сарой қурилишида қатнашаётган ҳар бир одам шу олтинлардан ўз улушини олади. Куриб битказилганидан кейин-чи, ушбу сарой маълум бир қийматга эга бўлмайдими, ахир? Сарой жойлашган ернинг ўзи-чи, унинг қиймати ўз-ўзидан ошмайдими? Худди шунга ўхшаб, сарой атрофидаги ерларнинг қиймати ҳам ошмайдими?

Бойлик жуда антиқа тарзда ўсади. Ҳеч ким унинг чегараларини олдиндан айтиб беришга қодир эмас.

Айтмоқчи, финикияликлар саҳродан иборат қирғоқларда баҳайбат шаҳарларни савдодан топган олтинлари ҳисобига қуришган.

- Унда, бизлар ҳам бойиб кетишимииз учун қандай маслаҳат берардинг? - сўради дўстларидан бири. - Йиллар ўтиб кетди, ёшимиз ҳам навқирон эмас, лекин, барибир, зарурат чиқиб қолса ишлатишга асраб қўйган ҳеч вақомиз йўқ.

- Мен сизларга, Алгамишнинг доно маслаҳатларидан фойдаланинг дейман. Унинг юқоридаги сўzlари доим кўз олдингизда турадиган бўлгунича такрорлайверинг.

Бу фоя бутун вужудингизни эгаллаб олсин. Барча ўй-фикрларингиз унга йўналтирилган

бўлсин. Кейин эса, даромадларингизнинг қанча микдорини жамғариш учун олиб қўйишингиз мумкинлигини белгилаб олинг. Жамғармангиз даромаднинг ўндан бир қисмидан кам бўлмаслигига ҳаракат қилинг ва шу заҳоти уларни четга олиб қўйинг. Тез орада сиз фақат ўзингизнинг ҳақингиз бўлган хазинанинг эгасига айланиш туйғуси нақадар буюк туйғу эканлигини тушуниб етасиз. Жамғармаларингиз кўпайган сайин, бу туйғу фақат мустаҳкамлануб боради ва сиз учун жуда катта рағбатлантирувчи кучга айланади. Сизнинг ҳаётингиз янги, қувончли туйғу билан тўлади. Сиз янада кўпроқ пул ишлаб топишга имкон берадиган куч ва файратга тўлиб бораётганингизни ҳис қиласиз.

Кейин эса ўз хазинангизни сизнинг фойдангизга ишлашига мажбур қилинг. Уни ўз қулингизга айлантиринг. Улар болаласин ва болалири ҳам сизнинг фойдангизга ишлайдиган бўлсин.

Келажагингизга даромадни таъминлаб қўйинг. Қариган одамларга бир назар ташланг, унутмангки, орадан йиллар ўтиб, сиз ҳам уларнинг сафига қўшиласиз. Шунинг учун ўз пулларингизни, токи улардан ажралиб қолмай десангиз, эҳтиёткорлик билан ишга солинг. Сармоялардан юқори фоизли даромадларни ваъда қиласиган судхўрларнинг оғиз кўпиртиришлари - соддадил одамларни алдаб ўзига жалб этиб, охир-оқибатда уларни хонавайронлик қисмати-

га гирифтор қиласынан шириң ёлғондан бошқа ҳеч нарса эмас. Асло судхўрларга яқинлашманг. Унинг ҳар қандай кўринишлари, мол-мулкни гаровга қўйиш ҳам ташвишдан ўзга нарса эмас.

Оилангиз муҳтожликда яшамаслигини таъминланг, чунки Оллоҳ бизни ўз ҳузурига қачон ғақириб олишини билмаймиз. Бу мақсад учун ҳам ўз жамғармаларингизни йифиб боринг. Узокни кўзлайдиган одамлар бундай вазиятларни ҳам назардан четда қолдирмайдилар.

Маслаҳатни доно одамлар билан қилинг. Ёрдамни ҳамиша пул билан муомала қиласынан одамлардан ахтаринг. Токи улар Азмурнинг маслаҳатига ишониб, мен йўл қўйган хатога ўхшаш вазиятлардан сизни сақлаб қолишидаган бўлсин. Даромадингиз оз бўлса ҳам, лекин бехатар ва ҳалол бўлсин.

Токи тирик экансиз, ҳаётдан лаззатланинг. Ҳаддан ташқари чиранманг ва сарф-харажатнинг оқилона микдоридан кўпроғини тежашга ҳаракат қиласынг. Агар даромадларингизнинг ўндан бир қисмини жамғариб туриб ҳам, қулай шароитда яшаб юрган бўлсангиз, шу микдорда тўхтанг. Даромадга қараб буромад қилинг, лекин пулни сарфлашдан ҳам қўрқманг. Ҳаёт жуда бой ва унинг неъматларини эъзозланг!

Дўстлари унга миннатдорчилик билдириб, қайтиб кетишиди. Айримлари эса шунчаки, индамай кетаётган эди, чунки уларда тасаввур қилиш қобилияти унчалик бой эмас, Арқад айтган гапларнинг маъносини етарли англашмаган-

ди. Кимларнингдир бу сұхбатдан ҳафсаласи пир бўлиб, мийигида кулиб "шундай бадавлат одам ўзининг омади юришмаган дўстларига моддий ёрдам бериши керак эди", деб ўйлашарди.

Улардан баъзиларининг эса кўзлари чақнаб турарди. Чунки улар Алгамишнинг вақти-вақти билан ҳатто - Арқад олдига беҳудага келиб кетмаётганлигини англашарди. Алгамиш қашшоқ Арқаднинг қоронгуликдан ёруғлик томон йўл очиб бораётганлигини кузатарди. Ёруғликка чиқиб олган заҳоти эса, ўзига тайёрланган жойни эгаллаб олди. Чунки ҳаётда ҳеч ким ўз ўрнини, токи масъулият юкини муносиб даражада кўтариб юришга тайёр эмас экан, шунчаки эгаллашга қодир эмас.

Арқад айтган сўзлар маъносини тўғри тушуниб етганлар кейинчалик ҳам унинг ёнига қайта-қайта бориб туришди. У дўстларини очиқ кўнгил билан кутиб оларди. Арқад катта ҳаётий тажрибага эга бўлган одамларга хос бўлганидек, уларга қимматли маслаҳатлар берарди. Ўзининг доно фикрларини улар билан баҳам кўрарди. Уларнинг жамғармаси нафақат йўқолиб кетмаслиги, балки қўшимча даромадлар ҳам келтириши учун фойдали сармоялар қилишларига ёрдам берди.

Алгамиш Арқадга, Арқад эса дўстларига очиб берган ҳақиқатни тушуниб етган кун одамларнинг такдирида мўъжизакор бурилиш ясалган кун бўлди: "Ўзинг ишлаб топган гулларнинг бир қисми ҳақли равишда сеникидир".

## БОЙИШНИНГ БЕШТА ҚОНУНИ

– Мабодо олдингизга бир қоп олтин ва ёнига бебаҳо ҳикматлар битилган лавҳ қўйишганида, қай бирини олардингиз?

Оқшом рутубатида янайм қорайиб кўринаётган ҳамроҳларининг юзларига гўё нур юкурди.

– Олтин! Албатта олтинни олардик! - йигирма етти кишининг жўр овози эшишилди. Кекса Коли бобо, сирли кулимсиради.

– Тўхтанглар! - Ҳаммани тинчланишга дазват этиб, у қўлини кўтарди. - Дайди итларнинг тунда увиллашига қулоқ тутинг-а. Улар очликдан фингшияптилар. Тасаввур қилинг, итларга тўйгунича овқат бердингиз... Қорни қалпайгач, яна тонг отишию яна овқат ейиш кераклигини унуган итлар, бир-бири билан уришади ёки дучкелган жойларда санқиб юрадилар. Одамларда ҳам шу аҳвол. Уларга олтин ёки доно маслаҳатдан бирини танлаш имконини беринг-а, "маслаҳатингни пишириб е", - дея, одамизот олтинни жон деб сарфлайди. Вакт ўтиб олтин соб бўлгач эса, улар бармоқларини тишлишади. Олтин, - унинг қонунларини биладиган ва унга амал қиласиган кишилар учун яратилган.

Коли бобо, оқ кўйлаги этаги билан озғин оёқларини ўраб олди, чунки, кечки совуқ-изфирин қўзғалганди.

– Сизлар узок сафаримизда менга сидқидидан астойдил, хизмат қиласигаринг, туяларим-

га қарадиларинг, жазирамаларда жонимни ва молимни ҳимоя қилиб, қароқчиларга қарши мардона жанг қилдиларинг. Миннатдорчилигим эвазига, мен сизларга бойишнинг бешта қонунини айтиб бераман. Бунақасини ҳали эшитмагансизлар, гапларимга дикқат билан қулоқ осинг, айтганларимга, яхши амал қилсангизлар тез орада сизлар ҳам бой-бадавлат кишиларга айланасизлар.

У жимиб қолди. Вавилоннинг мусаффо осмонида, сайёҳлар боши узра беҳисоб юлдузлар чараклаб турарди. Одамларнинг орасида, сахро бўронларидан ҳимоя қилувчи миноралар қораси кўринади. Тим остига тўп-тўп моллар тахланиб, устига мол терилари ёпилган. Нарирокда қумликка чўк тушган бир тўда тую маза қилиб кавш қайтаряпти.

– Сен бизга, шундоқ ҳам жуда кўп қизиқ воқеаларни сўзлаб бердинг, ҳурматли Колибобо, – деди ҳаммол(юк кўтарувчи)лар бошлиғи, – Сенинг доно маслаҳатларинг, сен билан сафаримиз ниҳоясига етганидан сўнг ҳам, бизга ёрдам беришингта ишонаман.

– Мен сизларга, узоқ юртлардаги саргузаштларимни ҳикоя қилдим. Аммо ҳозир, Аркаддек ўта бой ва ақлли инсоннинг донолиги ҳақида сўзламоқчиман.

– Биз, Аркад ҳақида эшитганмиз, – деди ҳаммоллар бошлиғи, – айтишларича, у, Вавилонда яшаган инсонларнинг энг бадавлати бўлган экан.

– Тұғри, Аркад ҳаммадан ҳам бой эди, чунки у, бойишининг қонун- қоидаларини биларди. Энди мен, Аркаднинг буюк донолигини сўзлаб бераман. Ўзим эса, бу ҳақда, ёшлигимда Аркаднинг ўғли Номазирдан эшитганман.

Кунлардан бир куни, ҳўжайиним икковимиз, молларимизни Номазирнинг саройига тушириб, бой ўзига ёққан гиламларни чертиб-чертиб танлаб олгунича, тун бўйи ўша ерда қолиб кетганимиз. Ниҳоят, Номазирнинг кўнгли тўлиб, хариди тугагач, у бизни ўз дастурхонига, муздек шаробдан тотишга таклиф қилди.

Ўшанда Номазир, отаси Аркаднинг буюк донолигидан сўзловди, энди эса, мен сизларга айтиб бераман.

Вавилонда, ўзингиз биласизлар, бой кишиларнинг ўғиллари меросга эга бўлишларини кутиб, ота-оналари билан бирга яшашади. Аркад, бу одатни ёқтирмасди. Шунинг учун Номазир вояга етганида, унга қаратат мурожат этади:

"Ўғлим, сен ҳозироқ менинг бойликларимга эга бўлишингни истайман. Бироқ, сен олдин, бойликни бошқара олишга уқувинг борлигини исботлашинг зарур. Шу боис, азиз фарзандим, сафарга отлан ва олтин топа олиш қобилятингни намоён қил, одамларнинг ҳурматини қозон. Аввало, ёшлигимда ўзим мосуво бўлган икки имконият бераман. Биринчиси, мендан бир халта тилла оласан. Агар улардан ақл билан фойдалансанг, тиллалар сенинг келажакдаги му-

ваффакиятинг гаровига айланади. Иккинчиси: сенга доно маслаҳатлар битилган лавҳ совға қиласман, яъниким, лавҳга, бойишнинг бешта қонуни ёзилган. Агар ўгитларга қатъий амал қилсанг, олтиналарни сақлаб қолишдан ташқари, уларни кўпайтириб ҳам оласан. Ўн йилдан сўнг ҳузуримга қайтиб келиб, барча қилган ишларинг ҳақида ҳисбот берасан. Мен уларни лойик деб топсам, сен меросга эга бўласан".

Шундай қилиб Номазир, бир халта тилла, шойи матога авайлаб ўралган тахтача, ва қулни олиб отга минганича йўлга чиқибди.

Орадан ўн йил ўтиб, келишганидек, Номазир отасининг уйига қайтди. Отаси унинг шарафига, дўсту-ёрон ва қариндош-урувларни чақириб, катта зиёфат уюштириди. Еб-ичиб бўлишгач, Аркад хотини билан улкан залнинг тўридан жой олишди. Номазир эса, бошидан ўтганларини сўзлаб бериш учун ота-онасининг рўпарасига келиб турди.

Оқшом эди. Хира ёруғ улкан хонанинг шипи ёғли чироқлардан чиқаётган исга тўла. Оқ кийимли қуллар улкан банан япроқларидан ясалган елпифичларда тутунларни ҳайдашмоқда. Рўй бераетган воқеа жуда дабдабали эди. Номазирнинг хотини, икки ўғли ва ошна-офайнилари ҳикоя эшитиш мақсадида орқага тўшалган гиламларга ўтиришди.

– Азиз отажон! – чексиз ҳурмат ила гап бошлиди Номазир, – мен сизнинг донолигинги олдида тиз чўкаман. Ўн йил олдин, балоғат бўсаға-

сида турганимда, бойлигингизга текинтомоқ меросхўр бўлиб, ялло қилиб юриш ўрнига, сиз мени сафарга чиқишга, ҳайтда ўз ўрнимни топишга унданган эдингиз. Олтинларингиздан фойдаланиш ҳукуқини бердингиз, доно масла-ҳатларингизни аямадингиз. Аммо тиллалар... о, отажон! Тан оламан, улар билан жуда қийналдим. Фўрлигим боис, тиллалар менинг киссамда туришни хоҳламай, гўё ёш овчи чўчитиб юборган ёввойи қушлардек қочиб кетишиди.

Аркад сирли жилмайди:- "Давом эт ўғлим, барча икир-чикирларигача айт".

- Мен, ўз қобилятимни синаб кўриш мақсадида Ниневияга- энди-энди ривожланиб бораётган шаҳарга йўл олдим. Ўша томонга кетаётган савдо карвонига қўшилиб, анча-мунча дўстлар ҳам ортирдим. Ҳамроҳларим, карвондаги икки тадбиркор ўсмирлар ҳақида, оғзиляридан бол томиб гапиришиди. Дарров улар билан танишдим. Икковининг оппоқ тулпорлари ҳамманинг отларидан ўта гўзаллиги билан ажралиб туришидан ташқари, шамолдан ҳам тез эдилар. Сафаримиз давомида икки жўра менга бир сирни очишиди: айтишларича, Ниневияда яшовчи бир бойнинг оти, ҳали бирор марта пойгода енгилмаган экан. Бундан кибрланиб кетган бой, бутун Вавилон подшоҳлигига ўзининг тулпорига етадигани топилмаслигини эълон қилиб, пойга уюштираётган ва унга жуда катта микдорда олтин тикибди. Янги дўстларим, икковининг учқур оқ тулпорлари ниневиялик бой-

ваччанинг эшаксифат отини осонгина енга олишини мақтаниб, менга илтифот кўрсатиши: яъни уларга шерик бўлишимни таклиф қилиши. Мен ҳам, жон деб рози бўлиб, мусобақада қатнашдим...

– Оҳ, отажон, бизнинг отимиз шармандаларча енгилди. Ўзим эса, деярли ҳамма олтинларимдан айрилдим (ҳикоя шу жойига етганида, Аркад ҳоҳолаб кулиб юборди). Кейин маълум бўлишича, буларнинг ҳаммаси, уста товламачиларнинг иши экан... Иккитаси, доимо савдо карvonларига қўшилиб олиб, саёҳат қилиб юришар, менга ўхшаган гўл лакмаларни излаб топиб, тузокқа илинтиришар экан. Ниневиялик бой ҳам, уларнинг шериги бўлиб, кейин муттаҳамлар, ўлжани учга бўлишар экан.. Бу қаллоблик, менга ҳаёт ўргатган биринчи дарс бўлди.

Аммо тез орада, унданда аччикроқ, иккинчи саборни олдим. Карвонда, яна бир ёш йигит билан ҳам танишган эдим.. Бадавлат оиланинг фарзанди бўлган йигитча ҳам, Ниневияга- худди менга ўхшаб, ҳаётда ўз ўрнини топиш мақсадида йўл олган эди. Шаҳарга кириб келган кунимизнинг эртасига, танишим, менга янгилик айтиб қолди: Меросхўри йўқ давлатманд бир киши вафот этибди, энди унинг мол-мулкини, арzon-гаров сотиб олиш имкони бор экан. Дўстим менга, тенг ҳукуқлик шерик бўлишини таклиф қилди, бироқ, ўзи олдин Вавилонга бориб, тилла олиб қайтиши керак эди. Даромадли ишни қўлдан бой бермаслик учун, у менинг тиллаларимдан фойдаланиш-

ни маслаҳат берди, ўз олтин улушкини, кейинроқ қўшишини ваъда берди.

Орадан ойлар ўтсада, шеригим Вавилонга боришини хаёлига келтирмас, бунинг устига, ўзининг ношуд тожир ва ялқовлигини намоён этди. Охир-окибат сабрим соб бўлиб, уни ҳайдаб юбордим.

Бу вактга келиб, ишлар чаппасидан кетган, омборхонада яроқсиз моллар қолган, янги, сифатли мол сотиб олишга эса, тиллалар тутаб бўлганди. Қолган-қутган моллару, савдо растами ни бир яхудийга арzon- гаровга сотиб юбордим.

– Отажон, кейин ҳаётимда оғир кунлар бошланди. Мен тинимсиз юмуш ахтарардим, лекин на бир ҳунарим борлиги на пул ишлаб топишга укувим йўқлигидан, ҳеч қаерда ўринаша олмадим. Мен отларимни, кейин хизматкоримни сотиб юбордим. Кейин, емак ва тунашга жой топиш учун ортиқча кийимларим ҳам сотилди. Аммо йўқчилик, кундан-кун ёқамдан маҳкамроқ бўға бошлаган эди.

Мана шундай мушкул дамларда, ўз обрў-этиборига эга инсон бўлиб етишишимга ишониб, мени узоқ ўлкаларга сафарга юборганингиз эсимга тушди, отажон. Ахир, сизнинг ишончингизни оқдашим керак эди-да!

Номазирнинг онаси, бошини қуи солиб, юзини кафтларида беркитганича, пиқ-пиқ йиғларди... Номазир бир лаҳза жим қолди.

– Шунда, шойига ўралган, бойишининг бешта қонуни ёзилган тахтачани, беркитган жойим-

дан олдим. Унга битилган доно маслаҳатларни ўқиб чиқиб англадимки, - агар шу ишни эртароқ қилганимда, тиллаларим йўқолмас экан, отажон. Ҳар бир қонунни ёдлаб олиб, мабодо омад менга кулиб бокса, ёшлик гўрлиги эмас, етуклик тажрибаси менга дастурил-амал бўлишига қатъий ишондим.

Шу оқшом хонадонимизда тўпланган ёр-биродарларнинг фойдаси учун, отам менга ўн йил аввал ёзиб берган оқил маслаҳатларини ўқиб бераман:

## БОЙИШ ҚОНУНЛАРИ

\* *Ишлаб топган бойлигининг ўндан бир қисмини, ўзининг ва оиласининг келажаги учун қайгуриб, бир четга олиб қўядиган кишига тилланинг ўзи интилади.*

\* *Тилла, уни оқилона режаларга дастмоя қилган ақлли кишиларга наф келтиради.*

\* *Тилла, ҳимояга муҳтож, шу боис эҳтиёткорликни ва тажрибали тадбиркорларнинг маслаҳатини маъқул кўради.*

\* *Ишибилармон, - аммо, ўзи тушунмайдиган соҳаларга ишлашга мажбурлашини тилла ёқтирмайди.*

\* *Осон бойишдек ҳом-хаёл режалару етиб бўлмас ҳавасларга бойлигини сарфлаган кишидан, тилла қочади. (Тилла деганда, бу ерда сармоя, умуман, пулни назарда тутилади-таржимон)*

Мана шу, юқорида айтганларим, отам ёзган бойишнинг бешта қонунидир. Қонунлар ҳар қандай олтиналардан ҳам қимматли эканига амин бўлдимки, бу ҳақда ҳам ўрни келганда сўзлаб бераман.

Номазир отасига қаради: "Укувсизлигим ва тажрибасизлигим, мени қандай хўрлик ва қашшоқликка солганини айтдим. Аммо, ҳар қандай қийинчилик ҳам, бир кун келиб тугайди. Мен, шаҳарнинг ташқи дарвозасини қураётган кулларга назоратчи бўлиб ишга жойлашганимдан сўнг, мушкулликлар тугади.

Бойишнинг биринчи қонунини ўрганиб олганим ҳолда, ҳар бир ишлаб топган пулларимдан бир чақалаб йиға бошладим. Имконият туғилиши биланоқ, чақаларимга кумуш танга қўшардим. Бу амалиёт жуда секин ва машаққатли кечарди, чунки тўлақонли ҳаёт кечиришни хоҳлардим-да! Топган пулларимни тежаб-тергаб сарфлардим, ўн йилдан сўнг отамнинг олдига, бир халта тилла билан қайтишга қатъий қарор қилган эдим.

Бир куни, мен танишиб олган назоратчилардан бири: "Сен, ёш бўла туриб, пулларингни деярли сарф қилмаяпсан-а, бир қисмини йифяпсанми?- деб, сўраб қолди. -Ҳа,- дедим мен. - Аҳмоқлигим туфайли, отам берган пуллардан мосуво бўлдим. Энди, энг катта орзум, роса кўп тилла йифиб, юзимни ёруғ қилиш".

- О, мақсадинг улуғ, экан. Йикқан пулларингни ишга солиб, яна кўпроқ тилла топиш мумкинлигини биласанми?

– Э, ғүрлигимдан, отамнинг тиллалари мени ташлаб кетди. Яна ўшанақа воқеа қайтарилиб, чув тушиб қолишдан қўрқаман.

– Агар менга ишонсанг, пулларингни ишга солиб, даромад олиш йўларини ўргатаман, -деди у.- Бир йилдан сўнг, шаҳарнинг ташки деворини қуриш ишлари тугайди, кейин, ҳар бир кириш постга шаҳарнинг душмандан ҳимоя қила оловчи, бронзадан ясалган дарвозалар ўрнатилади. Ниневияда бу дарвозаларни қуриш учун металл етишмайди. Режам оддийгина: биз, бир неча кишилар, тиллаларимизни қўшиб, узоқда жойлашган мис ва қалай конига маҳсус карвон бўлиб борамиз, кейин, шаҳарга унинг дарвозалари учун метал олиб келамиз. Подшоҳ дарвозалар тайёрлашга буйруқ берганда, факат биз металл топиб бера оламиз, ҳукмдор, металл учун катта ҳақ тўлайди. Мабодо, подшоҳимиз, биздан металл сотиб олишни ҳоҳламаса, барибир молимизни бозорда катта фойдасига сотишимиш мумкин, деб ишонтирди.

Бу таклифда мен учинчи қонун:- тажрибали тадбиркорнинг маслаҳатидан фойдаланиш имконини кўрдим ва унга амал қилиб, ютқазмадим. Тужжорий амалиётимиз муваффакиятли чиқиб, менинг камтарона жамғармам анча бойиди.

Кейин мен, ўша гурӯҳ таркибида бошқа манфаатли режа-тадбирларда ҳам қатнашдим. Менинг шерикларим, қайси соҳага пул тикишса, фойда олишни биладиган, уста тадбиркор-

лар эканлар. Пул тиккан киши зиёнга ботмай, имкон борича катта фойда олиши учун улар ҳар бир иш бошлишдан аввал, пишиқ-пухтә режа ишлаб чиқишарди. Фўрлигим боис, ўзим йўл кўйган шубҳали пойга ўйинлари ва олди-сотди амалиётларига, бу одамлар асло йўл қўймас эдилар, улар ҳар қандай товламачиликни дарров фош қиласардилар.

Шу одамлар билан, мен ўз маблағимни хавфсиз ва фойдали ишларга тикишни ўргандим. Йиллар ўтиб, бойлигим тез суръатда ўсиб борди. Ўзим, бошда йўқотган тиллаларимни қайта тиклабгина қолмай, уларни анча кўпайтириб ҳам олдим.

Ўн йиллик ҳаётимда-омад мендан юз ўғирганида ва кулиб боққанида ҳам, маشاққатлар чекиб тажриба ортирганимда ҳам, - отам ёзиб берган бойишнинг бешта қонуни, ҳеч қачон панд бермади. Бу қонунларни билмаган кишиларнинг қўлига тилла камдан-кам тушади, аммо, тез сарф бўлиб кетади. Аммо, кимда-ким шу қонунларга қатъий амал қиласа, тилла, унинг кулига айланади.

Номазир гапиришдан тўхтаб, четроқда турган кулга ишора қиласди. Гулом қўлида бирданига учта оғир чарм халта кўтарганича, соҳибининг ёнига келди. Улардан бирини Номазир отасининг оёқлари остига-полга қўйиб, падарига мурожаат этди:

~ Сиз, бир халта Вавилон тилласини берган эдингиз. Мен, оғирлиги тенг бўлган бир халта

Ниневия тилласини қайтаряпман. Менимча, бу тенг айирбошлаш эканини, ҳамма күриб туриди.

Яна менга, доно маслаҳатларингиз битилган тахтача берган эдингиз, унинг ўрнига сизга, икки халта тилла қайтаряпман. Шу сўзларни айтиб, Номазир қулнинг кўлидан, қолган иккита халтани олиб, биринчи халтанинг ёнига кўйдида тиз чўкиб, ота-онасининг оёқларини бўса қилди.

-Бу билан мен, сизнинг доно маслаҳатларингизни, тилладан ҳам аъло кўришимни исботламоқчиман. Доно панд-насиҳатларни тилла билан ўлчаб бўлармиди? Тадбиркорликда донолик, - тажриба бўлмаса, тилла тез ғойиб бўлади. Дошишманд, оқил кишиларда эса, тилла кўпайгандан-кўпаяди. Буни, мана шу уч халта тиллалар исботлаб туриди.

Сизнинг оқил маслаҳатларингиз туфайлигина, бой ва хурматли кишига айланганимни, ҳузурингизда туриб айтиш менга қанчалар қувонч баҳш этаётганини билсангиз эди, отажон!

Арқад қўлини ўғлининг бошига кўйди: "Сен, ҳамма сабоқларни яхши ўзлаштириб олибсан.- Оллоҳга шукур! Ўз бойлигимни ишониб топшира оладиган ўғлим борлигидан, мен ўта баҳтиёрман!"

Коли бобо ҳикоясини тугатиб, эшитувчиларга синовчан назар ташлади.

- Биз учун, Номазирнинг тарихи қандай аҳамиятга эга? - сўради у. - Қай бирингиз, отан-

гиз ёки қайнотангизнинг олдига бориб, мол-мулк ва маблафингизни оқиллик билан бошқараётганингиз ҳақида ҳисобот бера оласиз? Агар сиз, уларга "мен узоқ сафар қилдим, кўп нарсаларни билдим ва кўп пул ишлаб топдиму аммо, таассуфлар бўлсинки, ёнимдаги тиллалар жуда оз, маблағимнинг бир қисмини ақл-хуш билан сарфладим, бир қисми, ўйин-кулгуга сарфланди, лекин тиллаларнинг каттагина миқдорини, аҳмоқлигим туфайли йўқотдим", - десангиз отангиз ёки қайнотангиз нима деб ўйлашади?

Агар шу пайтгача, факат тақдир-қисматнинг хоҳишига кўра кимдир бой-бадавлат, кимдир эса камбараж-қашшоқ бўлади - деб ўйлаётган бўлсангиз, қаттиқ адашасиз.

Бойишнинг бешта қонунини билган ва унга қатъий амал қилган инсонгина, давлатманд бўлади.

Ёшлигимдан шу қонунларни билиб олиб, тўхтовсиз амал қилиб келаётганим учун, мен омадли савдогарга айландим. Ҳамиша ёдингизда сақланг. Тез келган бойлик, тез кетади. Эгасига қувонч бахш этувчи давлат, аста-секин, мукаммал билим ва оғир, машаққатли меҳнат орқали йифилади. Ўзгалар кучи, маблағи, бойлиги ҳисобига тўплаган, қўлга киритган дастмоялар ҳеч қачон кишига моддий ва руҳий ҳаловат бағишиламайди. Алдамчи, товламачилар, бир кун ит азобида ўлиб кетишади.

Пул ишлаб топиш, ақлли, меҳнаткаш киши учун роҳатбахш машғулотнинг ўзиdir. Бироқ

топилган мабларни асраб қола олиш, уни кўпайтириш қобилияти, ҳаммага ҳам насиб қилмagan.

Беш қонуннинг ҳар бири, чуқур маънога эга. Уларнинг замиридаги заковатни кўра олганим учун, мен беш қонунни ёддан биламан. Мен ҳозир айтадиган сўзларни такрор бўлса-да яхшилаб уқиб олинг, токи яна қайтаришимга тўғри келмасин.

### **Бойишининг биринчи қонуни :**

*Ишлаб топган маблагнинг ўндан бир қисмини, ўзининг ва оиласининг келажаги учун қайгуриб бир четга олиб қўядиган кишига тилланинг ўзи интилади.*

Кимда-ким ишлаб топганининг ўндан бир қисмини, доимо бир четга йифиб борса ва тўплаган маблағини, манфаатли тадбиркорлик режаларига дастмоя қилса, йифаётган бойлиги астасекин катталаша боради. Кейин, бойлик соҳиби нариги дунёга кетганида ҳам, оиласи, шу маблағ ҳисобига қийналмай кун кечиради. Бу қонун тилла - ҳудди шунаقا хусусиятга эга кишиларга интилишини тасдиқлайди. Мен, буни ўз ҳаётим мисолида исботлашим мумкин. Қанча кўп тилла йиғсам, улар менга ишлаб, кўпайиб бораверди. Мен, топганларимни ўндан бир қисмини йиғиб бориб, ишга солган тиллаларим, менга янада кўп тиллаларни етаклаб келди, - айни мана шугина биринчи қонуннинг асл маъносидир.

### **Бойишининг иккинчи қонуни:**

*Тилла уни оқилона режаларга дастмоя қилған ақлли кишиларга наф келтиради.*

Аслида тилла, - бебаҳо ишчи. Имконият туғилиши биланоқ, кўпайишга, янада кўпроқ миқдорга етишга ҳаракат қиласди. Топганининг ўндан бирини йига олган киши учун, манфаатли режаларга тилласини дастмоя қилиш имконияти туғилади. Йиллар ўтган сайин даромад ҳам кўпайиб бораверади.

### **Бойишининг учинчи қонуни:**

*Тилла ҳимояга муҳтож, шу боис эҳтиёткорликни ва тажрибали тадбиркорларнинг маслаҳатини маъқул кўради.*

Тилла, эҳтиёткор, хушёр соҳибига интилганидек, таралла-бедод, ҳисоб-китобни, меҳнат қадрини билмаган кишилардан қочади. Ўз маблағини, наф келтирувчи режаларда ишлатиш мақсадида, доно маслаҳатларга қулоқ осган кишининг бойлиги сакланиб қолишидан ташқари, анча кўпаяди ҳам.

### **Бойишининг тўртинчи қонуни:**

*Ишибилармон - ўзи тушунмайдиган соҳаларда ишлашга мажбурлашини, тилла ёқтирмайди.*

Тилласи бўлсаю лекин уларни соғ фойда берувчи қайси соҳага киритишни билмайдиган кишилар қийин аҳволда қоладилар ва шошгандаридан ўз туйғуларига ишониб, танлашда адашишлари мумкин. Бу эса тилланинг қўлдан кетиши демакдир. Бойлигидан мосуво бўлишни хоҳламаган киши, тажрибали, оқил тадбиркор-

ларнинг маслаҳатига қулоқ тутади. Доно маслаҳатларга амал қилмай, ўз билганларича иш тутувчилар -яъни, ўзбилармонлар ҳаммани адаштиради, қийин аҳволга солиб қўяди.

### **Бойишнинг бешинчи қонуни:**

*Осон бойишдек хом-хаёл режалару етиб бўйлмас ҳавасларига бойлигини сарфлаган кишидан мутлақо тилла қочади.*

Тиллага энди-энди эга бўлганда, фўр кишилар "эртага у қилвораман, бу қилвораман" қабилида ҳой-хаёлларга берилади. Ўйланмаган режасиз, - мақсад ва ҳаволи орзулар, товламачиларнинг баландпарвоз ваъдалари оз фурсатда бой қилиб юборадигандек ўзига магнит каби тортади. Мана шунда бундайин хатарли амалиётларнинг ортида қандай хавф яширинганини биладиган тажрибали тожир савдогарлар маслаҳатига қулоқ осиш фойдадан холи бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаймизки, бугунги энг уста ишбилармонларнинг ҳам камида 30-50 физи товламачилар фалвирига тушган, қўли куйган, тили, пули куйган кишилардир.

Ҳа, сиз ҳам Ниневияга кетаётганда, Номазирни алдаган товламачиларни унутманг, лақма ва тажрибасиз кишилар бундай муттаҳамларнинг тузорига осонгина илинадилар.

Мана шу ерда, мен ўз ҳаётим тарихини тутатман. Бойишнинг қонунларини сизларга сўзлаб берив, ўз муваффакиятларим сирини очдим.

Тўғрисини айтганда, бу ҳеч қанақа сир эмас, ҳар бир инсон билиши шарт бўлган ҳақиқатлардир.

Эртага, биз Вавилонга кириб борамиз. Қаранглар, ибодатхонадан юқорироқда доимо ёниб турувчи машъалани кўряпсизларми? Бу, - тилла шаҳарнинг тимсоли. Эртага ҳар бирингиз, ҳалол меҳнатингиз орқали орттирган тиллаларга эга бўласиз. Хўш, азиз дўстларим! Мұхтарам китобхонларим! Саволимга жавоб беринг:

Тилладан қандай фойдаланганингиз ҳақида ўн йилдан сўнг, қандай ҳисобот берасиз?

Агар, ораларингиздан, Номазирдек иш тутувчи, - яъни, унинг отаси Арқаднинг доно маслаҳатларига амал қилиб, тилласининг бир қисмини, наф келтирувчи тожирликка ишлата олувчи топилса, унда, у ҳам айни Номазирдек бадавлат ва ҳурматли кишига айланади. Оқилона амалиётларимиз ҳаётимиз давомида бизга қувонч ва роҳат бахш этиш учун орқамиздан эргашиб юради. Фўрлик ва лакмалигимиз эса хўрлик ва хорлик келтиради. Бу ҳақда унутмаслик лозим. Ҳаётимиз давомида бизни омадсизликлар таъқиб этавериши, бажаришимиз лозим бўлган қандайдир амалиётларни амалга оширганлигимиз бўлади, - бу бизнинг бой берган имконяларимиздир.

Вавилоннинг бойликлари битмас-туганмасдир, ҳеч ким унинг ҳисобига етган эмас. Йиллар ўтиб кўпайиб бораётган бу бойликлар, бошқа юртларнинг хазиналари каби, оқил савдо-

гарларнинг машаққатли меҳнатига берилган ҳақдир.

Сизларнинг хоҳишиларингиз, ҳатти-ҳаракатларингиз, сеҳрли кучга эга. Күч-қувватингизни бойишнинг бешта қонуни билан уйғунлаштирсангиз, - Вавилоннинг бойликлари сизники бўлади.

## ВАВИЛОНЧА ҲАМКОРЛИК

Элликта тилла танга! Ҳеч қачон Роданнинг, - вавилонлик найза тайёрловчи устанинг - ҳамёнида бунчалик кўп тилла бўлмаганди. Подшоҳ саройидан чикқан уста, асосий кўчадан шаҳдам юриб келаркан, ўта баҳтли эди. Тилла тангаларнинг ҳамёнида ёқимли жаранглаши Роданга ҳаётидага эшигтан энг ёқимли мусиқа бўлиб эшитилди.

Элликта тилланинг ҳаммаси - ўзники! Уста ҳалиям ўз омадига ишонмас эди. Жингир-жингир қилаётган ана шу кичкина металл парчалари, - қанчалик кучга эгая! Уларга, кўнглинг тусаган барча нарсани, - катта ҳовли-жой, ермулк, қўй, туя, от ва арава, умуман барча кўпгина ашёларни сотиб олса бўлади!

Бойлигини қандай сарфласа бўлар экан-а? Ҳозир синглиси яшайдиган ёнбош кўчага бурилар экан, Родан фақат ёнидаги хазина ҳақида ўйларди, холос.

Бир неча кундан сўнг омадли Родан тилла тақинчоқлар ва ноёб матолар билан савдо

қилювчи Матоннинг дўконига кириб келди. Атрофидаги нозик тақинчоқларга назар солмай тўғри дўконнинг одам яшайдиган ичкари қисмига ўтди. У ерда эндигина қалин гиламга жойлашиб олган Матон, қора танли қули келтирган таомни емакка қўл чўзиб турган экан.

– Бошим қотиб қолди, нима қилишни билмаяпман, маслаҳат берсангизчи, биродар, -деди Родан эшикдан кириб.

Матоннинг рангпар, касалманд сариқ юзларига табассум юурди:

– Қандай бебошлиқ қилиб қўйдингки, менга арз билан келибсан? Қиморда ютқазиб қўйдингми? Ёки бирота жанон бошингни айлантириб қўйдими? Мен сени кўп йиллардан буён билман, ҳали бирор марта олдимга ёрдам сўраб келмагансан.

– Менга олтин эмас, сенинг доно маслаҳатинг керак бўлиб қолди.

– Анавини қаранг-а! Ҳеч ким, судхўрнинг олдига маслаҳат сўраб келмайди, ёки қулокларим нотўғри эшитяптими?

– Мен рост айтяпман...

– Наҳотки? Уста Родон,-барчадан ақллироқ экан, чунки Матоннинг олдига тилла учун эмас, маслаҳат олгани келибсан. Аксарият, бу хонага, енгил-елпи ҳаёт кечиришларнинг оқибатлари ва ўз хатоларини тузатиш умидида, олтин олгани келишади, аммо маслаҳат сўраб, илк маротаба ташриф буюришди. Гап шундаки, биродар, бөшига ташвиш тушган кишига, ай-

нан мендай одам керакли йўл-йўриқни кўрсата олади, ана шунаقا. – Сен, мен билан бирга тушлик қилишинг керак, Родан, - гапида давом этди у. – Эй, Андо!- қулинни чақирди Матон. – Дўстим Радонга чиройлм гиламча тўшаб бер, кўпгина ноз- неъматлардан ва катта косада шароб келтир. У, мендан маслаҳат сўраб келибди, бугун Родан, азиз меҳмон бизга... Энди, дўстим, бошингга тушган ташвишдан сўзлачи.

– Ҳамма гап, подшоҳнинг совғасида-да!  
– Подшоҳнинг совғасини ташвиш деб айтаяпсанми? Қанақа совға экан у?

– Ҳукмдоримиз, шахсий соқчилари учун мен ясаб берган найзалардан жуда хурсанд бўлиб кетиб, элликта тилла танга совға қилувди. Энди, уларни қандай сарф қилишни билмай, бошим қотган. Ҳар соатда, таниш-билишлар бойлигимдан озгина қарз бериб туришимни сўрайвериб, жонга тегишмоқда.

– Бу табиий ҳол. Тиласи борлардан кўра, олтинга эга бўлишни хоҳловчилар-анча кўп. Нима, уларга "йўқ"- деб айта олмайсанми? Ироданг бўшми?

– Э, кўтчилигига йўқ дедим, бироқ, баъзан "майли" дейиш осонроқ кечади. Масалан, жондилимдан яхши кўрганим - синглимга йўқ дея олмайман-ку!

– Гапинг тўғри, сингилга сўраганини бериб, хурсанд қилиш керак.

– Тўғрику-я, лекин, у пулни, эри Араман учун

сўраяптида. Эрини давлатманд савдогар сифатида кўрмоқчи. Синглимнинг фикрича, эрининг ҳозирча омади чопмаётган эмиш. Мен тиллаларимни бериб турсам, оёққа туриб олиб, келадиган даромадидан қарзини қайтарармиш...

– Дўстим, – унинг гапини бўлди Матон, – сен жуда жиддий мавзудан сўз очдинг. Кўлингдаги тиллалар сенга улкан масъулият юклайди, дўстбиродарларинг билан муносабатларингни ўзгартириб юборади. Сен бойлигинги йўқотиб қўйишдан ёки товламачилик қурбонига айланышдан қўрқа бошлайсан. Шу билан бир вақтда ғимла, куч-қудрат туйфусига чўмдириб, яхшилик қилишга ҳам ундейди.

Жониворлар тилини тушунадиган ниневиялик дехқон ҳақидаги масални эшитганмисан?! Менинг гапларимга яхшилаб қулоқ солиб, айтганларимга амал қилсанг, қарз бериш тиллани бир қўлдан бошқа қўлга ўтишидан бошқа нарса эмаслигини тушуниб оласан.

Ўша дехқон ҳар оқшом ҳовлисида жониворларнинг сұхбатини тинглаб ўтирас экан. Бир куни ҳўкиз ўзининг аччик тақдиридан эшакка нолиётганини эшитиб қолибди: "Мен аzonдан қаро хуфтонгача оғир омочни тортиб юришга мажбурман. Аёзли қишида ва жазирама ёзда, оёқларим оғриб, бўйним қотиб қолса ҳам барibir ишлашга мажбурман. Сенинг эса вақting чоғ ўтади, устингта бахмал ёпишади ва сен хўжайинни миндириб юрасан, холос. Агар хўжайин ҳеч қаёққа бормаса, кечгача маза

қилиб майсаларни чимдиб ётасан".

Эшак табиатан аҳмоқ бўлсада, ҳўкизга раҳми келибди: - "Дўстим, дебди у - ишинг ниҳоятда оғир, биламан, қўлимдан келганида жон деб ёрдам берардим. Мен сенга дам олиш йўлини ўргатаман. Эрталаб, қул сени бўйнингга омоч илиш учун келганида ерга ётиб олиб бўкиравер, шунда у ҳўкиз касал бўлиб қолганини, бугун ишломмайди деб ўйлайди. Ҳўкиз эшак айтганидек қилибди ва қул соҳибининг олдига келиб, ҳўкиз касал бўлиб қолганини, бугун омочни умуман тортолмаслигини айтибди. Ундей бўлса, - дебди дехқон эшакни далага олиб чиқ, бугун у ишласин".

Дўстига маслаҳати билан ёрдам бермоқчи бўлган эшак, кечгача ўзи ишлашга мажбур бўлибди. Кечкурун бўйнидан оғир омочни ечгандарида ҳориганидан оёқларида аранг турарди.

Дехқон икковининг сухбатини тинглаш учун яна ҳовлига чиқибди.

- Сен ҳақиқий дўстсан,-дебди ҳўкиз, - доно маслаҳатинг туфайли кечгача маза қилиб дам олдим.

- Мен эса,- эътиroz билдирибди эшак,-барча раҳмдиллар бирорларга ёрдам беришни хоҳловчилар сингари, сенинг ўрнингга ишлашга мажбур бўлдим. Энди ишдан бўйин товлама, чунки агар эртага ҳам ер ҳайдай олмасанг, хўжайин сени қушхонага топшириб юборишни қулига тайинлади, ўзим эшитдим. Менимча, тўғри қиласди, чунки сен ялқовсан. Улар бир-бирла-

рига бошқа сўз демадилар ва ўртадаги дўстлик ҳам барҳам топди...

– Энди менга қиссадан ҳисса чиқариб бера оласанми?

– Анча таъсирчан ҳикоя экан, - жавоб берди Родан. - Лекин маъносини мен англамадим.

Э, хулоса оддийгина: агар дўстингга ёрдам бермоқчи бўлсанг, шундоқ қилгинки, уни эза-ётган ташвиш, сенинг бошингга тушмасин.

– Чиндан ҳам оқилона ҳикоя экан. Аслида ҳам синглаймнинг эрининг, омадсизлигини ўзимга олмоқчи эмасман... Менга қара, Матон, сен кўпчиликка қарз берасанми, олган пулларини қайтаришадими?

Матон, кўпни кўрган кишилардек, маъноли жилмайди:

– Тилларинг ўзингга қайтишига кўзинг етмаса, қарз бериб бўларканми? Тиласи қандай мақсадларга ишлайди ва бу ҳамкорликдан фойдаси билан қайтиб келиш-келмаслигини аниқлай олмаган сармоядор,- бу ҳунарини ташлаши керак. Қарз бериш,- пулни кўкка соvuриши ёки даромадли ишми,- шуни кўра билиш ҳам, ақл-заковат белгисидир. Ҳозир мен сенга, қарздорлар, гаровга ташлаб кетган буюмларни сақлайдиган омонат сандифимни кўрсатаман.

Матон хонага, устига қизил балкут ёпиленган ва ён-атрофи бронза тахтачаларидан безалган сандиқни олиб кирди. Уни полга қўйиб, қопқоғини очди:

—Ҳар кимга қарз берәётганимда, эвазига ундан бирор буюмни гаров олиб қолиб, то пулларим ўзимга қайтмагунича, шу сандықда сақлайман. Пулимни олиб келгандарыда, буюмларини қайтараман, акси бўлса, менинг ишончими ни оқламаганлардан эсдалик сифатида ашёлари менда туради. Бой кишиларга қарз беришхавфсизроқ, чунки уларнинг ер-мулки, қиммат баҳо зеб-зийнатлари, туялари бор, қарзини тўлай олмаса, уларни сотиш мумкин. Баъзан, баҳоси олган пулидан бир неча бор катта тақинчокларни гаровга қолдиришади, баъзан, мабодо қарзини ўз вақтида қайтара олмаса, ермулкларини менга ўтказишлари ҳақида тилхат ёзиб қолдиришади. Шу йўл билан мен ўзимни нопок қарздорлардан ҳимоя қиласман.

Қарз оловчиларнинг бошқа тоифаси ҳам бор. У инсонлар, меҳнат қилиб, пул топа оладилар. Улар қаторига, сен ҳам кирасан. Агар улар ҳалол бўлсалар, ёки баҳтсизликка йўлиқмасалар, ўз вақтида олган пулларини фойдаси билан қайтарадилар. Шунақа одамларга қарз берсам, инсонпарварлик қилган бўламан.

Яна шунақа инсонлар ҳам учрайдики, уларда на мол-мулк ва на даромад бор. Ҳаёт ниҳоятда шафқатсиз, ҳамма ҳам ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди. Унақаларга мен шунчаки пул берганимда, аллақачон хонавайрон бўлардим. Лекин шу билан бирга, уларни ўз кулфати билан, ёлиз қолдиролмайман ва агар дўстлари, ошналари ҳалол инсонлигини тасдиқлаб, кафил-

ликка олишса, қарз бераман. Мана қара, - Матон сандықдан бронза зийнат буюмни олди ва қип-қизил матосидан чиқариб оқиста силади: тақинчоқ умрбод менда қолади, боиси, унинг хўжайини оламдан ўтган. Мен бу тақинчоқни, - унинг соҳибини қадрлагандек, жуда қадрлайман, чунки у дўстим эди. Дўстим, шарқдан, соҳибжамол қизни олиб келгунича, менинг савдодаги шеригим эди. Бутун Вавилонда, ундаин гўзални топа олмас эдингиз. Дўстим борйўғини, шу ҳурлиқонинг кўнглини олиш йўлида сарфлаб юборди, ақл-хушини йўқотиб кўйгандек эди гўё. Тиллалари тугагач, олдимга ғамгин ҳолда келди. Мен биродарим билан узок сухбатлашдим ва ҳаммасини қайта бошлиши учун ёрдам беришга вайда қилдим. У эртаю кеч тинимсиз меҳнат қилишни айтиб, ҳамма авлиёларни ўртага қўйиб қасам ичди. Бироқ орзулари амалга ошмади. Икковлари жанжаллашиб қолишганида аёл унинг юрагига пичоқ санчган.

- Қизчи?- сўради Родан
- Мана, шу тақинчоқ, ундан қолган бор-йўқ буюм.

Матон, қизил матони яна меҳр билан силади.

- Қилиб қўйган ишидан кўрқиб кетган қиз, ўзини дарёга ташлаган... Бу икки қарз, энди ҳеч қачон қайтиб келмайди. Ҳис-ҳаяжонга берилган инсонлар, биздақалар учун жуда хавфлидирлар, Родан, шунни билиб қўйсанг, фойдалан холи эмас. Мана бу эса, бутунлай бошка

тариҳдан ҳикоя қиласи. - Матон, ёввойи буқа суюгидан ясалган узукни қўлига олди. - Бу узук, бир дехқонники. Мен унинг хотинидан гилам сотиб оламан. Қурғоқчилик келиб, уларнинг оиласи оч қолди. Мен дехқонга ёрдам бердим ва у, янги ҳосилни йифиб-териб олганидан сўнг қарзини қайтарди. Эртасига дехқон қайтиб келиб, узоқ юртлардан келган савдогарлар, ўша-ёқларда яшовчи гаройиб эчкilar ҳақида гапиришганини айтди. Уларнинг узун ва майин жунидан гўзалликда бекиёс гиламлар тўқиса бўларкан. Дехқоннинг сафарга бориб, бир отар эчкilar келтириш учун пул сўради. Мен унга айтган тилласини бердим. Ҳозир у, эчкilarи билан қайтиб келган. Янаги йил мен вавилон бойларини нодир гиламлар билан лол қолдираман ва улар, бундайин гиламларга эга бўлмоқ учун бор давлатларини аямайдилар. Эртага дехқон қарзини тўлаб, узугини олиб кетади.

- Наҳотки, қарздорлар, қарзини тўлашга шошилса? - ҳайрон қолди Родан.

- Агар улар, олган фойдадан қарзини тўласа, бу менга маъкул. Аммо, инсонлар шахсий бюджетидаги йиртиқни ямаш учун қарз сўраса, мен, пул беришдан олдин юз бора ўйлаб кўраман.

- Манави буюм ҳақида гапириб берчи,-илтимос қиласи Родан, сандикдан оғир, қимматбаҳо тошлиар билан безатилган тилла билакузукни чиқариб.

- Менинг дўстимга аёллар ёқади шекилли, - Матон маъноли тиржайди.

– Мен ҳам қари эмасман, - эътиroz билдириди Родан.

– Менинг бунга шубҳам йўқ, аммо бу сафар севги тарихини эшитаман деб, овора бўлма. Билакузукнинг эгаси, семиз юзларини ажин босган кампир, уни эслашим биланоқ баданимга титроқ киради. Қачонлардир кампиршонинг пули кўп бўлган, лекин, оғир дамлар келиб, оиласи қашшоқлашиб қолади. Аёл яккаю ягона ўғлини савдогар қилмоқчи бўлади ва тилла сўраб менга мурожаат этади. Шундай қилиб, кампирнинг ўғли, - бир шаҳардан мол сотиб олиб, уни бошқа шаҳарда сотадиган савдо карвонининг хўжайинига шерик бўлиб олди.

Савдо карвонининг хўжайини, фирибгар экан: бечора ўсмирни, бегона шаҳарда пулсиз, буюмсиз қолдириб, бор-шудини ўғирлаб қочиб кетган. Йигитча балофатга етса, қачонлардир қарзини қайтарар, аммо ҳозирча, қуруқ ваъдалар оляпман, холос. Барибир мен ютқазмадим, чунки билакузукнинг нархи мен берган пуллардан анча баланд.

– Кампир сендан маслаҳат сўрамабди-да? Қарздан кўра, анчагина фойдали бўлармиди.

– Афсуски, маслаҳат сўрамади. У аёл ўғлини давлатманд, қўлини чўзса ҳар тарафга етадиган қудратли киши сифатида тасаввур қилиб, ҳеч нарсани эшитишни истамади. Таваккал қилаётганимни билардиму, лекин кампир гаровга қўяётган билакузукни кўриб, йўқ дея олмадим.

– Манави эса, - ҳикоясини давом эттирди Матон, учи тугилган қора арқонни сандиқдан чиқариб,- туялар савдоси билан шуғулланадиган Небатуруга тегишли. У, каттароқ уюр-пода сотиб олмокчи бўлсаю пули етмаса, менга мурожаат этади. Небатуру- оқил савдогар. Мен унга ишонаман, шунинг учун, сўраганини бераман. Менинг ишончимни оқлаган, бир сўзли тожирлар Вавилонда анчагина. Уларнинг гаровга қолдирган буюмлари, сандифимда кўп турмайди. Диёнатли савдогарлар-шаҳримизнинг фахри. Вавилонда савдо-сотиқ доимо авжидат бўлиши учун, уларга ёрдам беришдан, мен ҳам манфаатдорман.

Матон, сандиқдан бирюзадан ўйиб ишланган қўнғизчани олиб, нафрат ила полга ирғитди:

– Мисрдан олиб келинган арзимас матоҳ. Берган тиллаларимни қайтариб оламанми - йўқми, бунинг эгаси, - ёш йигитчага барибир. "Қарзингни қачон қайтарасан?- деб сўрасам" - Э, қора қисмат мени таъқиб қилиб ётибдию қандай тўлайман, пулингиз шундоғам кўпку! -" деса бўладими?! Айтчи, мен нима қилишим керак? Буюм, йигитчанинг отасига тегишли эди. Бечора, ўғлининг орзусини амалга ошираман деб, ер-мулкидан, қўйларидан мосуво бўлди. Йигитча олдин муваффакиятли иш олиб бораётган эди, бироқ кейин у, ўзини буюк савдогар деб хис қилдию аммо, билим ва тажрибаси йўқлигидан инқирозга учради.

– Ёшлик - бебошлиқ. Улар, бойишнинг тез ва осон йўлини, бойлик орқасидан келадиган кўнгилахушикларни қидирадилар. Тез фойда олиш учун ёшлар қарзга ботиб, ўйламай иш бошлайдилар. Мақсадсиз қарз олиш, - бу, кейинчалик юқорига ўрмалаб чиқиб кетиш жуда мушкул бўлган ўра мисол эканлигини улар англамайдилар... Умуман олганда, ёшларнинг қарз олишига мен қарши эмасман, аксинча, хурсанд бўламан. Фақат, олдинда оқилона ва аниқ мақсад бўлиши шартлигини тушунтираман. Ўзим ҳам, илк фойдамни, қарзга олган тиллаларимдан топганман.

– Энди мен, нима қилишим керак, ўзинг айтчи? Иши терс кетганидан, йигитча тушкунликка тушиб қолган, ҳамма нарсага беҳафса-ла. У, қарзини тўлаш учун, умуман ҳаракат қилмаяпти. Отасидан ер-мулк ва қўйларини тортиб олиш, менга ҳам оғир...

– Сен менга кўп, қизиқ воқеаларни айтиб бердинг, - дўстининг сўзини бўлди Родан. - Лекин саволимга жавоб олмадим. Синглимнинг эрига, эмликта тилла тангамни қарз бериб тураверайми? Бу пулар менинг учун катта аҳамиятга эга-да!

– Синглинг ажойиб аёл, мен уни жуда ҳурмат қиласман. Агар унинг эри келиб, мендан эллик тилла танга бериб туришимни сўраса, мен ундан пулни қандай мақсадлар учун ишлатасан, деб сўрардим.

Агар у, савдогар бўлмокчи эканини, айни менга ўхшаб қимматбаҳо тошлар ва ноёб ме-

беллар олди - сотиси билан шуғулланмоқчи эканлигини айтса, мен яна: "савдо қилиш касбини биласанми? Молни қаерда арzon нархга сотиб олиш мумкинлигидан хабаринг борми, кейин уни қайси шаҳарда қимматига сотасан? -деб сўрардим. Куёвинг, ҳамма саволларимга "ҳа" деб, жавоб бера оладими?

- Йўқ, жавоб бера олмайди, - тан олди Родан. -У, олдинлари менга қарашарди, кейин, бироз вақт дўконларда ишлади.

- Ундан бўлса, мен унга "сенинг қарорингда оқиллик етишмайди, савдогар ўз ишини яхши билиши лозим" деган бўлардим. Орзу-ҳаваснинг ўзи камлик қиласди. Табиийки, куёвингга қарз бермасдим.

Мабодо, синглингнинг эри, "ҳа, мен савдогарларга кўплаб ёрдам бериб юрганман. Қайси йўлдан Смирнага бориб, у ердан арzon-гаров гиламлардан сотиб олишни удалайман, Вавилонда яшайдиган анча -мунча давлатманд кишиларни танийман ва уларга гиламларни қиммат нархда сотиш қўлимдан келади"- деб жавоб берса, унда мен, "мақсадинг, ҳатти-ҳаракатинг мақтовга сазовор, агар менга пулларими ни қайтара олиш ҳақида кафолат топширсанг, сенга жон деб, эллик тилла қарз бериб тураман" - дердим. Лекин куёвинг, "мен ҳурматга сазовор кишиман, шунинг ўзи кафолат бўлмайдими?" - деса, мен унга " - сандигимдаги ҳар бир тангани жуда қадрлайман. Ахир, Смирнага кетаётганингда, карвонингга қароқчилар ҳужум

қилиши, тиллаларингни ёки молингни тортиб олиши мумкинку, унда, қарзингни қандай түлайсан"- дердим.

– Биласанми, Родан, тилла- бу менинг молу жоним. Уни қарзга бериб юбориш жуда осон, аммо ўйламай иш қилинса, чапак чалиб қола-верасан. Берган тиллаларини, қайтиб келиши-ни таъминлай олсагина у ақилли одам бўла олади.

– Бошига ташвиш тушганларга, такдиру азалдан калтак еганларга ёрдам бериш савоб-ли иш албатта. Ўз ишини энди-энди бошламоқ-чи бўлиб турган ёшларга ҳам ёрдам қўлини чўзиш фойдадан ҳоли эмас. Чунки мен улар ҳаётда муваффақият қозониб, ҳурматли киши-ларга айланишларини истайман. Аммо кўмак-лашиш оқилона бўлмоғи лозим, акс ҳолда, бо-шида ҳикоя қилиб берганимдек, эшакнинг ҳолатига тушиб қолиш мумкин.

– Ҳм, яна саволингга жавоб бермадим-а? Кулок сол, Родан: Элликта тиллани ўзингда қол-дир. Сенинг меҳнатинг эвазига берилган муко-фот фақат сенга тегишли ва улуш сўрашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мабодо, ўзинг ҳоҳласанг ва тиллаларингни қарзга бериб, уч ҳисса кўпай-тириб қайтариб олишга кўзинг етса, унда мар-ҳамат. Тилла ўлик мол бўлиб ётишига мен ҳам қаршиман, аммо, таваккал қилишни ҳам ёқти-майман. Хўш, найза ясовчи уста бўлиб, ишила-ётганингга неча йил тўлди.

– Уч йил.

- Подшоҳимизнинг совасини ҳисобга олмаганда, қанча пул йиғдинг?
- Учта тилла танга.
- Ҳар йили, биттадан тилла йифиш учун анчайин камтарона ҳаёт кечиргандирсан?
- Ҳудди шундоқ.
- Унда айтчи, ҳаёт лаззатларидан воз кечиб, эллик йил оғир меҳнат қилиб, сен элликта тилла йиға оласанми?
- Ҳа, албатта.
- Синглинг, узоқ йиллар қийинчиликда, машиққат чекиб топилган эллик тиллани ўзини буюк савдогар ҳисоблаётган эрининг орзуҳаваслари домига ташлай оладими?
- Агар, сенинг сўзларинг билан гапирадиган бўлсам, менимча, бундай қилмайдиган бўладиёв.
- Унда, синглингнинг уйига боргинда: - Мен уч йил эртадан-кечгача нафсимни тийиб меҳнат қилдим. Ҳар бир оғир кечган йилда, биттадан тилла танга орттиридим. Сен, менинг суюкли синглимсан, эринг, савдогар бўлмоқчи экан, - қаршилигим йўқ. Аммо эринг менга ўз савдо режасини кўрсатсин, агар уни, дўстим Матон, "окилона тузибди" - деб маъқулласа, унда мен ҳеч иккиланмай, пулларимни қарзга бериб турман ва эринг муваффакият қозониб олишини исботлаши керак" - дегин. Агар куёвинг, кўлидан бирор иш келишини исботлай олмаса пулни қайтараман деган сўзлари, - қуруқ гап, холос.

– Савдо-сотикдан жудаям кўп тилла ортиб қолаётгани учун ҳам мен ҳамкорлик билан шуғулланаман. Менинг ортиқча тиллаларим бошқаларнинг пул ишлаб топишида ёрдам беришини истайман, - ўзим ҳам, бундан албатта манфаатдорман. Лекин бу, тиллаларимни дуч келганга осонликча бериб юбораман деганим эмас, ахир мен ҳам уларни оғир меҳнат қилиб топганман-да. Шунинг учун, қайтаришларига кўзим етмаса ва фойда кўришга ишонмасам, ҳеч қачон қарз бермайман.

– Мен сенга Родан, манави ажойиб сандиримнинг кўп сирларини очдим. Бунинг ичидаги буюмларга қараб туриб, сен инсондаги ожизона ўй-ҳаваслару қайтаришнинг сира иложи бўлмасада, барибир, қарз олаверишдек улкан хоҳишни тасаввур қиласан. Кўпинча, катта умид кўзи билан боқилган тадбирлар, меҳнат қилишга лаёқат ва уқув йўқлиги боисидан, пуч хом-хаёлга айланади. Ҳозир сенинг ёнингдаги тиллалар Родан, сенга янада кўпроқ тилла ишлаб бериши мумкин. Агар бойлигинги асраб- авайласанг, тиллаларинг сенга катта даромад келтириб, ҳаётингни қувонч ва шодликларга тўлдиради. Мабодо озгина эҳтиётсизлик қиласанг, тамом, пулларинг қўлдан кетиб, умрингнинг охиригача афсус-надомат қилиб ўтасан...

– Ҳамёningда сақлаётган тиллаларни нима қилмоқчисан?

– Асраб қолмоқчиман.

– Яхши жавоб бердинг, - маъқуллади Матон. Кўряпсанми, -сенинг биринчи хоҳишинг, - бойлигингни асраб қолиш. Нима деб ўйлайсан, тиллаларингни синглингнинг эрига берсанг, қайтариб олишга кўзинг етадими. Энди,?

– Пулларим қўлдан кетадими, деб қўрқаман, чунки у, тиллани айлантириш санъатидан бехабар.

– Демак, бошқалар олдидаги масъулият ҳақида ўзингни қийнаб турли хаёллар билан бошингни қотирма. Агар оилангта ва дўстларингга ёрдам бермоқчи бўлсанг, бойлигинг қўлдан кетмайдиган бошқача усул топ. Эсдан чиқарма: осон бойишдек хом-хатала режаларга бойлигингни тиксанг, тиллангдан мосуво бўласан. ...Агар, тиллаларингни асраб қолсанг, уларни нима қилмоқчисан?

– Менга ишлаб, кўпайишларини истайман.

– Яна оқилоно жавоб бердинг. Тилла, савдо да айланиб, даромад келтириш учун яратилган Оллоҳнинг неъмати. Ақл-заковат билан, ишончли амалиётда айлантирилса, инсоннинг бойлигини ёшлигидаёқ икки баробар кўпайтириши мумкин. Агар таваккалига иш тутсанг, пул олувчини яхшилаб суриштирмасанг ҳам, хавф остида қолади. Сен ишончли, кафолатли, ҳалол одамлар билан ҳамкорлик қил. Бемақсад кўп сўзловчилардан қоч. Шунинг учун, дарҳол улкан фойда олишни орзу қилувчи такасалтангларинг амалга ошмас режаларига ҳеч қачон учма. Улар, одатда савдо -сотик санъатини

билмайдилар. Озроқ даромад олсангда, бироқ, бойлигингни умринг давомида асраб қоласан.. Ҳамкор қидирсанг тажрибали, ишида муваффақиятга эришган ақл-хушли тожирлар орасидан қидир, шунда сенинг тиллаларинг уларнинг раҳбарлиги остида доимо даромад келтираверади. Шунда сен ўз оталарингнинг доно маслаҳатларидан фойдалана олмаган бой хонадоннинг ўғиллари йўлиққан қисматга дучор бўлмайсан.

Родан доно панд-насиҳатлари учун дўстига миннатдорчилик билдирганида, Матон яна гап бошлади:

– Подшоҳнинг совфаси, сенга булоқ донишлик манбаи бўлиб хизмат қилсин. Чиндан ҳам элликта тиллангни асраб қолмоқчи бўлсанг, жуда эҳтиёт бўлишинг керак: йўлингда, сени кўплаб шайтоний ҳислар кутиб турибди. Одамлар сендан "маслаҳати"ни аямайди. Улкан фойда олишни кўзловчи режалар таклиф қилинади. Бироқ менинг сандигимдаги буюмлар тарихи, сени огоҳликка чорлайди: Мабодо, пулинг қайтиб келишига кўзинг етмаса, битта тангани ҳам қарзга бера кўрма... Мабодо, яна менинг маслаҳатимга эҳтиёж туғилса, хоҳлаган пайтингда уйимга келавер. Мана қара, сандигимнинг қопқоғига ўйиб ёзиб қўйган сўзларни ўқи. Менимча, ушбу мақол ҳам қарз кўтарганга, ҳам пул берганга бир хил тааллукли:

**Улкан афсус-надоматдан кўра, эзгина ҳушёрлик афзал.**

## ВАВИЛОН ДЕВОРЛАРИ

Кекса жангчи Банзар, Вавилон деворлари-нинг чўққисига олиб чиқувчи йўлакни қўриқлаб турибди. Юқорида аскарлар девордан ошмоқчи бўлган душман қўшинларига қарши мардонавор жанг қилмоқдалар. Буюк шаҳар ва унда яшовчи юз минглаб аҳолининг ҳаёт-мамоти, ҳозир аскарларнинг жасоратию уддабурронлигига боғлиқ бўлиб қолган.

Теварак-атрофда ҳужумга ўтган ёвнинг ҳайқириқлари, аскарларнинг бақир-чақири, минглаб отларнинг кишинаши ҳукмон. Бронза дарвозага зарб билан урилаётган найзаларнинг тўққимлаши эшитилади.

Кўчада, шундоққина дарвоза рўпарасида камонлар билан қуролманган бўлинма турибди. Унчалик кўп бўлмаган бу қўрқмас ўсмирлар, мабодо душман шаҳарга ёриб кирса, ҳужумни қайтаришга шай турибдилар. Вавилоннинг асосий қўшини ҳозир подшоҳ билан Шарққа юриш қилиб кетган эди. Ҳеч ким душман ҳужумини кутмагани боис, шаҳарни ҳимоя қилишга озроқ аскарлар қолдирилган эди. Кутимагандан, Шимолдан ассирияликларнинг қўшини мўр-малаҳдек ёширилиб келиб қолди. Мана энди шаҳарни ҳимоя қилиш бутунлай Вавилон деворлари-га боғлиқ.

Баизарнинг олдига шаҳар аҳолиси йифила бошлади. Қўрқиб кетган одамлар, жангнинг

бориши ҳақидаги ҳар бир янгиликни жон қулоғи билан тинглар, тинимсиз ичкарига олинаётган ярадорлар ва ҳалок бўлганларнинг оқими ни, чуқур қайғу ва умидсизлик билан, кузатиб қолардилар.

Хужум роса чўққисига етди. Уч кунлик қамалдан сўнг, душман бор кучию қўшинини, шаҳарнинг шу қисмига, айни шу дарвозага ташлади.

Ҳимоя аскарлари, деворнинг энг тепасида, унга тирмашиб чиқаётган ёвни тинимсиз ўқقا тутишар, устларидан қайнаган мой қуйишар, девор устига чиқиб олишга улгурғанларини эса, найза санчиб ўлдиришарди. Бироқ душман ҳам тек ўтиргани йўқ: Вавилон аскарларига қарата, камондан, ёмғирдек ўқ ёғдириб ётибди.

Рўй бераётган даҳшатли ҳодисаю янгиликларнинг қоқ марказида бўлган кекса Банзар дарвозага ҳаммадан яқин турганидан янги хужум нафасини илгарди.

Қари савдогар унга яқинлашиди:

– Айтчи! Ростини айт! - ялинди у. -Душман аскарлари шаҳарга киролмайдими? Менинг ўғилларим, ҳозир шоҳ билан бирга, бечора хотинимни ҳимоя қиласиган киши қолмаган. О, ахир улар, бор-шудимизни ўғирлашадику! Менинг таомларим... Лаънатилар ҳеч нарсани қолдирмайдилар. Биз қариб қолганмиз, бизни ҳатто қулликка ҳам олишмайди... Э воҳ, очликдан ўлиб кетамиз чоғи. Айт, айт ахир, ёв шаҳарга кирадими?

- Тинчланинг, хурматли тожир, - жавоб берди тажрибали жангчи. - Вавилоннинг деворлари мустаҳкам. Бозорга қайтингда, - шаҳар деворлари подшоҳнинг хазинасини қўриқлаганидек, сизларни ҳам бойликларингизни ҳимоя қилишини айтиб, хотинингизни тинчлантиринг. Деворга яқинроқ юринг, бўлмаса учиб кетаётган ўқлар, яralаб қўйиши мумкин.

Қария кетиши билан унинг ўрнини чақалоқ кўтарган жувон эгаллади:

- О, жанобим, девор тепасида нималар бўляпти? Мен, ярадор эримни тинчлантиришим керак, ростини айтинг. Ярадор бўлиб, иситмада ётса-да, қўлига қурол беришларини талаб қилаяпти, мени ва боласини ҳимоя қилмоқчи! Эримнинг айтишича, агар душман шаҳарга кириб олса, ҳаммани аямай қириб ташлармиш.

- Сенга ҳам айтаман, эй аёл, Вавилон деворлари сени ҳам, чақалофингни ҳам ҳимоя қила олади. Ана, ёв қўшинининг устига қайнаган мой қуяётган аскарларимизнинг, қичқирикларини эшитмаяпсанми?

- Эшитяпман, лекин-дарвозага урилаётган қурол зарбларини ҳам эшитяпман-да!

- Эрингнинг ёнига қайт, деворнинг мустаҳкамлигию ҳар қандай ҳужумга чидаш беришини унга айт. Девор тепасига чиқа олган ҳар бир душман шу заҳотиёқ янчиб ташланяпти. Эҳтиёт бўл, девор ёнидан кет".

Банзар ўзини четга олиб, оғир совут кийган жангчиларни ўтказиб юборди. Бронза қалқон-

ларни жангиллатиб, найзаларни маҳкам чангалаған аскарлар югуриб ўтиб кетишгач, Банзарнинг ёнида кичкина қизча пайдо бўлди:

-Жангчи амаки, биз ўлмаймизми? - сўради қизалоқ, кўзлари намланиб. -Аскарларнинг бақиришларини эшитяпман, қонга беланган одамларни кўраяпман. Мен қўрқиб кетяпман. Энди бизнинг оиласиз, - онам, кичкина укам ва бешикда ётган сингилчамга нима бўлади?

Тажрибали жангчининг кўзлари қисилиб, вужуди мағрур тус олди:

- Кўрқма, шириントйим, - болага далда берди у,- Вавилоннинг деворлари сени, онангни, кичкина укачангни ва бешикда ухлаётган сингилчангни ҳам ҳимоя қила олади. Ўз фуқароларини ҳар қандай ёвдан асраш учун ҳам юз йил олдин малика Семирамида шу деворларни қурдирган. Ҳали ҳеч ким шу деворларни бузиб киролган эмас.

Үйингга қайтгинда, Вавилон деворлари, барчани bemalol ҳимоя қила олишини, онанг ва укаларингга айт.

Кунлар ва тунлар алмашса-да, кекса Банзар постини тарк этмади. Ҳар соатда унинг кўзи олдида юзлаб шаҳар ҳимоячилари жангга кирап, кейин уларни ярадор ёки ўлик ҳолатда девордан тушириб олишарди. Атрофида эса, олдингидек, қўрқиб кетган шаҳар аҳолиси гувиллар ва "Девор мустаҳкамми?" - деган савол беришдан чарчамас эди. Уларнинг ҳаммасига, Банзар бир хил: "Вавилоннинг деворлари бар-

чамизни ҳимоя қила олади" - дея, мағур жа-воб берарди.

Душман қайта-қайта уюштираётган ҳужумлари кучайгандан кучайиб, уч ҳафтаю беш кун давом этди. Ёнидан олиб ўтиб кетаётган ярадор жангчиларнинг танасидан оққан қон оёқлари остини қонли балчикқа айлантиргани сайин Банзарнинг лаблари қимтилиб, кўзлари қаҳрли тус оларди. Ёв кун сайин деворга яқинлашар, ҳар тунда ҳалок бўлган аскарларнинг мурдалари девор ёнидан олиб кетилиб, қирадирларда дафн этиларди.

Тўртинчи ҳафтанинг бешинчи туни, ҳужум шиддати сусайди. Тонгги қуёш нурлари чекиниб ортига қайтиб кетаётган душман аскарларидан кўтарилиган чангни аранг ёриб ўтди.

Шаҳар деворлари устини ғалабадан дарак берувчи ҳайқириқлар тутиб кетди. Ғалаба қозонишларига энди ҳеч ким шубҳа қилмасди. Ҳимоячиларнинг бақир-чақири, шаҳар кўчалирю майдонларида акс-садо берганда бутун аҳоли ёпирилиб уйларидан чиқиб, кўчаларни тўлдириб юборди. Салкам бир ойдан бери қўрқув-таҳлика остида яшаган одамлар, энди кувончдан тинмай ҳайқирадилар. Шаҳарнинг энг юқори ибодатхонаси - Ваалнинг минорасидан, ғалаба салюти уча бошлади. Осмонда тез ёйилаётган кўк тутун, янгиликдан ҳаммани боҳабар этмоғи даркор эди.

Вавилоннинг деворлари буюк ҳимоя воситаси эканликларини яна исботлаб, шаҳарнинг

битмас-туганмас бойликларини асраб қолдилар ва аҳолининг тинч, фаровон турмушини таъминладилар.

Вавилоннинг асрлар давомида забт этиб бўлмас тоғ мисол сабот билан турганинг сабаби, - шаҳар ҳар томондан батамом ҳимояланган эди. Бошқача бўлиши ҳам, мумкин эмасда!

Вавилон деворлари ҳали-ҳанузгача, инсониятнинг ҳимояга муҳтожлигига буюк намуна бўлиб келмоқда. Бу эҳтиёж, азалдан инсоннинг табиатида бор. Бугунги кунларда ҳам, одамзод ўзини турли усуларда асрашни ўргангандан бўлсада, ҳимояланишга бўлган эҳтиёж, асло сусаймаган. Мамлакат ва унинг фуқаролари мудофааси ва ҳимояси ҳам аҳолининг, юртнинг тараққиёт даражаси билан боғлиқ!

Ҳимояси кафолатланмаган юртда асло барқарорлик, хотиржамлик, ва ривожланиш бўлмайди.

Ҳар қандай бало - оғатлардан, аввало Худо асрайди, кейин яна бизни, сугурта жамиятларининг, банкдаги ҳисоб-ракамимизнинг ва ишончли режаларга киритилган дастмояларимизнинг мустаҳкам деворлари ҳимоя қила олади.

Ҳимоясиз қолиш - келажакни барбод этади.

## ВАВИЛОНЛИК ТУЯ ФУРУШ

Киши қанчалик оч бўлса, унинг онги ўта аниқ ишлаб, бурни ҳам таом исини янада ўткирроқ ҳис қиласи. Меъдаси мусаффо бўлади. Ошқо-

зони тўлиб кетган кишиларнинг ҳазм аъзолари ёмон ишлайди. Меъдада бадбўйлик кучаяди. Ҳазм бўлмаган овқат қолдиқлари баданда қизиш ва терида турли тошма ҳамда қичиш пайдо бўлишига сабаб бўлади. Оғиздан чидаб бўлмас бадбўйлик анқиб туради. Бундай ҳолат одамни ланж қилиб, мияни ғовлатиб юборади.

Азурнинг ўғли Таркад, худди шундок ўйларди. Икки кун ичида бечора, фақат бегона боғ деворидан осилиб тушган шохдан узиб олгани - икки дона анжир мевасини еди, холос. Учинчисига қўл узатишга улгурмади, чунки боғ соҳибаси қарғаганича у томон югуриб келарди. Бозорда бемақсад санғиб юраркан, аёлнинг шанғиллаши Таркаднинг қулоғи остидан кетмас ва айни ўша манзара уни сотувчи кампирнинг саватидаги иштаҳани қитиқлаётган мевалардан ўғирлашдан тийиб турарди.

Вавилон бозорлари, иси тотли турли-туман емакларга тўла эканлигини у олдин ўйлаб кўрмаган экан. Бозордан чиқиб, Таркад меҳмонхонага яқинлашди ва ошхона олдида уёқдан-бу ёққа юрарди. У бирор таниши учраса бир-икки чақа қарз олишга, пули бўлса, меҳмонхона соҳиби, ўзини хуш кутиб олишига ишонар эди. Пулинг бўлмаса, овқат олиб ейиш рўёга айланади.

Чуқур хаёлларга чўмганидан ўзи учрашишни асло истамаган ориқ, бўйи узун - туялар савдоси билан шугулланувчи Дабазирга тўқнашиб кетай деди. Баъзан-баъзан уч-тўрт чақа, кумуш

танга қарз күтариб турадиган барча ҳақдорлари ичида, у Дабазирдан ҳайиқарди, чунки ундан олган пулларини белгиланган муддатда қайтармай, хотиржам юраверарди-да.

Дабазир уни кўриб, хурсанд бўлиб кетди:

– Ана, Таркад ҳам шу ерда экан! Сени излаб юрган эдим. Бир ой олдин икки чақа пул қарз олгандинг, ундан олдинроқ эса, битта кумуш танга бергандим. Тўғрими? Бугун менга пул керак, қарзингни қайтарсанг девдим, йигитча. Учрашганимиз яхши бўлди-да.

Жойида қотган Таркаднинг юзи бўғрилиб кетди. Ҳозир қорни сурнай чалаётганда, Дабазир билан тортишишга асло тоқати йўқ эди.

– Таассуфдаман, - минфирилади Тарка, - аммо ҳозир ёнимда кумуш танга тутул, бир чақа ҳам йўқ.

– Унда топиб кел, - қистади Дабазир. - Оғир дамларингда сенга ёрдам берганман, осингдами? Яна отангнинг эски дўстиман. Мен га қарзингни қайтариш учун бир-икки тақа топа оларсан-а?

– Ҳеч омадим чопмаяпти, шунинг унун пул тополмаяпман.

– Омадим келмаяптимиш! Худоний қаҳрини келтирма. Қарзини тўлашга ҳаракат қўймай, яна қарз устига қарз оладиганларнинг барини омадсизлик таъқиб этаверади... Мен билан юр, ўғлим, то мен, овқат тановвул қилгунимча, гаплашиб оламиз. Сенга бир воқеани айтиб бераман.

Дабазирнинг гапларига умуман тоқати бўлмаса-да, дастурхонга таклиф қиляпти-ку, деб ўйлаган Таркад, унинг олдига тушди.

Дабазир йигитчани емакхонанинг энг чекка бурчагига бошлаб боргач, икковлари кичкина гиламчаларга чордона қуришиди.

Ошхона хўжайини Коскор жилмайиб уларнинг олдиларига келганида, Дабазир бепарво унга буюрди:

– Десертга ёғлиққина калтакесак, яхшилаб қовуриб, устидан соус қуйилган эчки оёфи, нон ва кўплаб мева-чева келтир, қорним оч, бир маза қиласай. Ҳа, дарвоқе, дўстимни ҳам ёдингдан чиқарма: унга бир коса муздек сув бер, бугун ташқари анча иссиқ.

Таркаднинг кўксини бир нима тимдалагандек бўлди. Наҳотки, манови нусха тотли эчки оёфини пакъос тушираётганида, унинг рўпарасида ўтироволиб, сувнинг ўзини ичишга мажбур бўлсая. Таркад гап тополмай филт этиб ютинди.

Аммо жим ўтириш, Дабазирга ёт эди. У жилмайиб ён-атрофдаги хўрандалар билан сўрашиб чиққач, гапида давом этди:

– Қайсиdir куни, Урфадан қайтган савдогар билан гаплашиб қолувдим. У ерда бир бой яшаркан. Ўша бойнинг сариқ рангли текис тоши бор эканки, эгаси уни деразасига ўрнатиб, уйини ёмғир сувларидан ҳимоя қиларкан. Савдогарнинг айтишича, ўша тошнинг ажойиб хусусияти бўлиб, у орқали ташқари-

га қарасанг, атроф умуман бошқача кўринармиш. Танишим ҳам, рухсат сўраб, тошга қараган экан бутунлай бошқача манзараларни кўрибди... Нима сенингча, олам одамнинг кўзига бошқача кўриниши мумкинми, нима дейсан?

- Бир нарса дея олмайманми, деб, кўрқаман, - деди йигитча, кўзларини Дабазирнинг олдида, катта товокда, ўзидан буғ чиқариб ётган гўшт бўлакларидан узолмай.

- Дунё, умуман бошқача кўринади, мен буни биламан, чунки ўз бошимдан ўтказганман ва ҳозир шу воқеани сўзлаб бераман.

- Ия, Дабазир ҳикоя бошларкан, - шивирлади ёnlарида тушлик қилаётган киши шеригига ва гиламчасини суреб, яқинроқ ўтириб олди.

Емакхонанинг бошқа мижозлари ҳам, Дабазирни тинглаш учун таомларини кўтариб келиб, ярим доира ҳосил қилиб жойлашишди.

Таркад уларнинг ҳаяжонли ғала-ғовурларини эшитар, қўлларида чанглаб олган, тотли гўшт парчаларини кўрар... Фақат унинг олдида таом йўқ. Дабазир унга овқат таклиф қилмади, ҳатто ликопчадан тушиб қолга нонни ҳам раво кўрмади.

-Ҳозир сўзламоқчи бўлган воқеам, - ҳикоясини бошлади Дабазир қўлидаги қовурилган эчки оёғидан тишлиб узиб олиш учун, бир оз тин олволгач, - ёшлигимда бўлиб ўтган. Туялар савдоси билан шуғулдана бошлаганимга ҳам ўша ҳодиса сабабчи... Мен, қачонлардир Сури-

яда қул бўлганимни ораларингда бирор киши биладими?

Бу гапдан, тингловчилар донг қотишиди.

Ҳаммани лол қолдирганидан хурсанд Дабазир гўштдан яна бир тишлиб, давом этди:

- Ёшлигимда, эгар ясовчи уста бўлган отамнинг ҳунарини ўргандим. Отам икковимиз, унинг устахонасида ишлардик, мен ёш хотиним билан яшардим. Ёшлигим ва тажрибасизлигим туфайли ишлаб топганларим ўзимнинг ва чиройли ёш хотинимнинг эҳтиёжларини аранг қондиради. Отамнинг хурматидан, дўконлар менга молларини насияга бера бошлашди.

Ғўригим, бепарволигим сабаб, - ишлаб топган пули миқдоридан кўпроқ сарф қилувчи киши, ўз ҳавас-хоҳишлиари қулига айланишини, шу йўл орқали келажакдаги бало-офатларни чакириб олишини, - ҳали билмасдим. Шунинг учун, орқа-кетига қарамай, хотинимга қимматбаҳо либослар, уйга чиройли буюмлар сотиб олавердим.

Аввалига, ҳаммаси силлиқ кетди. Кейин ишлаб топаётган пумларим яшашга ва қарзларимни тўлашга етмаётгани маълум бўлди. Ҳақдор дўкондорлар, олган молларнинг пулини қайтаришимни талаб қилиб мени таъқиб эта бошлаганларида ҳаётим дўзахга айланди. Мен дўстларимдан қарз олар, лекин уларга ҳам пулларини вақтида қайтара олмасдим. Ишим кундан-кун чаппа кета бошлади. Хотиним отасининг уйига қайтди, мен эса Вавилонни тарк

этиб, бошқа шаҳарда омадимни синаб кўрмоқчи·бўлдим.

Икки йил нотинч ва бесамара дарбадарликда ўтди. Мен савдо карвонларида, савдогарларга хизмат қиласдим. Тезда, ҳимоясиз карвонларни талайдиган қароқчилар тўдасига қўшилиб қолдим. Албатта бу, отам ва ўзимга лаънат келтирадиган машғулот эдию аммо, мен дунёга рангли ойна орқали қарап, қанчалик тубан кетганимни тушунмасдим.

Биринчи талончиликда олтин, шойи ва бошқа қимматбаҳо буюмлар олиб кетаётган бой қарвонга ҳужум қилиб, жуда катта ўлжаларга эга бўлдик. Кейин, тиллаларни Гинир шаҳрида совуриб, тезда еб-ичиб юбордик.

Иккинчи сафар эса, омад кулиб боқмади. Талон-тарождан сўнг, бизга, карвон соҳиблари ёллаган маҳаллий қалъа жангчилари ҳужум қилишиб, ҳаммамизни асир олишди. Икки тўдабошимизни қатл этиб, гуруҳнинг бошқа аъзоларини Дамашққа обориб, қип-яланғоч ечинтириб, қулликка сотиб юоришиди.

Мени икки кумуш тангага суриялик бой сотиб олди. Ёш ва келишган йигит бўлганим учун бошқалардан кескин ажралиб турадим. Янги хўжайиним то мени уйига олиб келиб тўртта ходим ахталанган қул сифатида топширмагунича рўй бераетган воқеа-ҳодисаларни, қизиқарли саргузашт сифатида қабул қиласдим.

Ана ўшандагина даҳшатли вазиятга тушиб қолганимни аংглаб етдим. Қаҳрли ва беражм

саҳройилар олдида, ҳеч қандай ҳуқуқи йўқ, куролсиз ва қочишга ҳам йўл тополмайдиган нотавон бўлиб қолган эдим. Беҳаёларча мени бош-оёқ томоша қилаётган тўрт аёлнинг рўпарасида, кўркувдан титраб турарканман, бирортасининг раҳмини келтиришим мумкинмикин, - деган ўй ўтди миямдан. Ёши улуғроқ, Сира, - бойнинг биринчи хотини, менга тикилиб тураркан, юзи қилт этмади. Умидим узилган ҳолда, нигоҳимни ундан олиб, ўта гўзал, иккинчи аёлга қарадим. Бироқ соҳибжамол ҳам худди ҳайкалга қарагандек менга бефарқ тикилиб турар, қолган икки ёш жувонлар эса, нуқул бир-бирини туртиб ҳиринглашарди.

Аёлларнинг рўпарасида уларнинг ҳукмини кутиб турарканман, назаримда орадан бир неча асрлар ўтиб кетгандек бўлдиёв. Жувонларнинг ҳар бири кундоши қарор қабул қилишини кутиб турарди, чамамда. Ниҳоят Сира: " - Бичилган қулларимиз кўп, аммо тужа ҳайдовчилар етишмайди. Бугун хаста онамни кўриб келмоқчи эдим, аммо туюмни ишонишим мумкин бўлган қул йўқ. Бу қулдан сўрангчи, тужа қарашибни билармикин", - деди совуққина.

Хўжайним менга қаради: " - Туяларни сал бўлса-да тушунасанми? Мен қувончимни аранг яшириб". - Ҳа, тужани тиз чўктира оламан, юк ортиб узок сафарларга бошловчилик қила оламан, керак бўлса, эгар-юганини ҳам таъмирлайман - деб жавоб бердим. "Кулнинг ўзини тутиши, менга маъқул, - деди хўжайним. Сира,

агар ҳоҳласанг, уни ўзингга тую ҳайдовчи қилиб олақол".

Сиранинг ҳукми остига ўтиб, ўша куниёқ уни, тусига миндириб узоқ сафарга - хаста онасининг уйига ҳайдаб кетдим.

Илк имконият туғилиши биланоқ тақдиримга аралашгани учун жувонга миннатдорчилик билдириб, наслим қуллардан эмаслигини, вавилоңлик озод киши, ҳурматга сазовор устанинг ўғли эканлигимни айтдим. Мен Сираға, ўзимнинг ҳаётимни сўзлаб бердим.

Аёлнинг шарҳ-жавоблари мени эсанкиратиб, узоқ ўй-хаёлга чўмишга мажбур қилди. "Ўз ожизлигингнинг орқасидан шунчалик тубаникка кетган бўлсанг, қандай қилиб ўзингни озод кишиман дея оласан? Агар инсонда қулнинг қалби бўлса энг олий насл-насабдан бўлса ҳам, у албатта қул бўлади. Мабодо, инсонда озод кишининг юраги тепаётган бўлса, бошига ҳар қанча хўрлик тушмасин, охир-окибат, у ҳурматга сазовор шахс бўлиб етишади". Бир йилдан ортиқ мен қуллар орасида қул бўлиб ҳизмат қилдиму аммо, уларга ўхшаб қолмадим. Бир куни Сира: "Нега оқшомлари, бошқа қуллар дам олиб, кўнгилхушлик қилганида, уларга қўшилмай чодирингда ёлғиз ўтирасан? - деб сўраб қолди". Мен сизнинг сўзларингиз ҳақида ўйляпман, - жавоб бердим. Мен ўзимга-ўзимга савол беряпман: дилим қулникимикин? - мен уларга ўхшашни ҳоҳламайман шу сабаб, алоҳида ўтираман. - Мен ҳам кундошларимга қўшилмайман, - бирдан тан олди Сира. - Отам-

нинг бойлиги кўп эди, шунинг учун эрим менга уйланган, лекин мени хоҳламайди. Аёл учун энг муҳими, - эрининг суюклиси бўлиш. Ёлғизлигимга яна бир сабаб: мени ёқтиришмайди, болам ҳам йўқ. Агар эркак бўлганимда, бундайин қулликдан ўлимни афзал кўтардиму бироқ бизнинг жамиятда хотинлар ҳам қул қилинадилар.

- Мен ҳақимда фикрингиз ўзгардими? - бирдан сўраб қолдим мен. - Кўксимда қулнинг қалби уряптими ёки озод кишиникими, нима дейсиз?

- Вавилонда сени кутиб ётган қарзларингни тўлашга, хоҳишинг борми?

- Албатта бор, бироқ, имкониятим йўқку!

- Сен, бундан кейин ҳам қўл қовуштириб ўтираверсанг, қарзларни тўлашга уриниб, ҳаракат қилмасанг, унда сенинг кўксингда, қулнинг юраги тепяпти деб, аниқ айтиш мумкин. Қарзларини тўламаган киши, ҳурматли киши деб ҳисобланмайди. Унинг аглаҳ, товламачилардан асло фарқи йўқ.

- Мен - қулнинг қўлидан нима ҳам келиши мумкин, бунинг устига Сурияда бўлсам!?

- Шунчалик кўрқоқ бўлсанг, умрбод Сурияда қолавер!

- Мен қўрқоқ эмасман! - қизишиб эътиroz билдиридим мен.

- Унда буни исботла!

- Қандай қилиб исботлай?

- Сизларнинг подшоҳингиз, душман хужумини қайтариб, жангга киришмайдими? Билиб қўй, сенинг қарзларинг - сенинг душманларин-

гдир. Айни ўшалар, сени Вавилондан ҳайдаб чиқаришган. Сен уларнинг олдида қўрқоқлик қилгансан, кейин улар янада кучайган. Агар сен, душманларингга қарши, ҳақиқий эркакдек мардларча курашганингда, сен уларни енгиб, халқинг орасида ҳурматга сазовор бўлардинг.

Бироқ уларга қарши туришга, сенда матонат, куч етишмаган, шундан сўнг мағрурлигинги ичингга ютиб, қулга айлангансан!

Мен, Сиранинг шафқатсиз айбномалари устида узоқ ўйладим, хаёлан у билан баҳслашдим, лекин, аёлга ўз эътиrozларимни етказа олмадим. Уч кундан сўнг, Сиранинг чўриси, мени соҳибасининг олдига бошлиб борди. "- Онам, яна оғир бетоб бўлиб қолибдилар,- деди Сира. - Эримнинг тяларидан иккита бакувватини танлаб, эгарла, сув ва емак ортилган мешларни орт,-узоқ сафарга чиқамиз. Озиқ-овқатларни ошхонада, чўридан оласан".

Тяларни сафарга тайёрлар эканман, ошхонада менга беришган бениҳоя озиқ-овқатлардан ҳайрон бўлдим, чунки, соҳибам онасининг уйигача бир кунлик йўлда! Чўри, иккинчи тяга ўтирди, мен эса, Сиранинг тусини етаклаб, йўлга тушдик. Манзилга етганимизда, қоронфи тушган эди. Сира, чўрисини қўйиб юбориб мендан сўради: "-Дабазир, сенинг дилинг қулникими ёки озод кишиникими?

- Албатта, озод кишиники!-дедим мен қатъий равища.

– Шуни исботлаш соати келди. Хўжайининг фирт маст, қўриқчилари ҳам ухлаб ётибди. Бу тяяларни олгинда, қоч! Манови қопда, хўжайинингниг либослари бор, кийиб олсанг, ҳеч ким сени танимайди. Мен онамниг ҳолидан хабар олгунимча, сен тяяларни олиб қочиб кетганингни айтаман.

– Сизда қироличанинг қалби бор экан, - дедим мен. Сизни жуда-жуда баҳтли қилгим келяпти.

– Эридан қочиб кетган аёл, баҳтли бўлмайди. Ўз йўлингдан боравер, Хатарли сафарингда, худо сенга ёр бўлсин, - деди олижаноб аёл.

Менга икки марта қайтаришнинг ҳожати йўқ эди. Соҳибамга қайнок миннатдорчилик билдириб, тун қўйнига сингиб кетдим. Бу бегона юртни умуман билмас, Вавилон қайси тарафда эканлиги ҳам ақдимга сифмасди. Худога таваккал қилиб, қумлар аро йўлга тушдим. Биринчи тяяга миниб олиб, икинчисини етаклаб олгандим.

Кўлга тушсам, мени ўлим кутарди. Кўрқувнинг дағдағасида тун тугаб тонг отгунича, кейин яна тун тушгунича саҳрода тўхтамай юрдим.

Иккинчи кун адодида тошлоқ адирга етиб олдим. Ўткир тошлар, содик тяяларимнинг түёқларини яралаганидан, улар оғриқ ва чарчоқдан аранг лўкиллардилар. Сафар давомида, менга бирорта тирик жон учрамади ва бу йўл, қаерда тугашини тасаввуримга ҳам сиғдира олмасдим.

Бунақанги азобли сафарни душманимга ҳам раво күрмайман. Кун ва тун түхтамай юравердим. Сув ва емиш, аллақачон тугаган. Қүёш аямай нур сочмоқда. Түккизинчи куннинг охира, мен аранг түядан тушиб олдим, уни қайта эгарлашга кучим етмаслигини сезиб турардим. Шу ташландик юртда ўлиб кетаман, шекилли, деб ўйладим.

Ерга шундок ағанадиму қотиб ухлаб қолдим. Аzonда қуёшниниг илиқ нурлари уйғотди мени. Тонғги сабо, тоза, хушбүй. Қаддимни ростлаб, атрофга алангладим. Туяларим сал нарироқда, ётишарди, Түрт томонимни - құмлик, ўтқир тошлар, тиконли янтоқлар билан қопланган, сув, таом ва бирор жонзотдан асар ҳам йўқ, - сахро ўраб турарди.

Наҳотки, шу ерларда ўлиб қолиб кетсам? Онгим ниҳоятда аниқ ишлар эди, гүё, танам алоҳида мавжуд бўлиб, мен учун аҳамияти йўқдек. Ёрилиб кетган қонталаш лабларим, шишиб кетган қул-куруқ тилим, очликдан буришиб ётган ошқозоним бари эсдан чиқди.

Ўлик сахрога назар ташлаб турарканман, яна, мен қулманми ёки озод кишиими? - каби савол, миямга қайтди. Шу заҳотиёқ, агар дилим қулники бўлса, шу ерда ўлишимни кутиб ётаверардим, - бу, қулнинг ҳақиқий қисмати бўларди, деган фикрдан титраб кетдим.

Менда, озод кишининг юраги тепаётган бўлса... Унда? Албатта, Вавилонга етиб олишга, менга ишонган одамларга қарзларимни қай-

таришга, суюкли хотиним ва ота-онамга қувонч бахш этиб, лойик эр ва фарзанд бўлишга ўзими ни мажбур қилишим керак.

"Сенинг қарзларинг сенинг душманларинг-дир, айни ўшалар сени Вавилондан қувиб чи-қарган", - деган эди Сира. Ҳа, аёл ҳақ. Нега қийинчиликлардан қочдима? Нега, хотинимни отасининг уйига кетиб қолишига йўл кўйдим?

Тўсатдан, ўша рангли тошни олиб ташлаш-ганидек, кўзларим ярқ этиб очилди, - дунё менга бутунлай бошқа рангларда намоён бўлди

Мен чинакам ҳақиқатни англаб етдим.

Саҳрода мамот топаманми? Йўқ, фактат бу эмас! Дунёга бошқача назар билан боқаркан-ман, нима қилишим кераклигини тушундим, энг аввало Вавилонга қайтиб, менга қарз берган ҳар бир кишининг уйига бораман. Мен уларга, қаттиқ азоб-укубатлар орқали қарзларимни қайтариш учун Ватанга қайтганимни айтаман, - худо ҳоҳласа, тез муддатда пулларини олишади. Кейин хотинимни қайтариб олиб келиб, ота-онамнинг ҳурматига сазовор бўламан.

Қарзларим, - менинг душманларим, лекин менинг ҳақдорларим, - менинг дўстларим, чунки менга ишонишганидан пул беришган.

Қийналиб ўрнимдан турдим. Очлик, чанқоқ нима экан? - Буюк мақсад - Вавилонга етиш олдида арзимас нохушлик, холос. Менда - уйига қайтиб, душманларига қарши курашга бел боғлаган озод кишининг қалби уйғонди.

Кучли ҳаяжондан бутун вужудим қалтиар  
эди.

Хирилдоқ товушимда пайдо бўлган янги  
оҳангларни эшитиб, туяларимнинг хира кўзла-  
рида нур пайдо бўлди. Анча қийинчиликлар  
 билан, узоқ уриниб, охири улар ўрниларидан  
турдилар ва оғриқ, чарчоқни енгиб, Шимолга,  
- кўнглим сезиб турганидек - Вавилон томонга  
мени олиб кетдилар.

Биз сув топдик. Биз ўт-ўлан ва меваларга бой,  
боғ-роғларга етиб олдик. Биз, Вавилонга олиб  
борадиган йўлни топдик, чунки озод кишининг  
қалби ҳар қандай мушкул вазиятдан қутилиш-  
га чора излайди, кулнинг қалби эса, "Кўлимдан  
нима ҳам келарди, бир бечора қул бўлсам?" -  
дея нола қилишдан нарига ўтмайди.

- Хўш, сен нима дейсан, Таркад? Оч қорнинг  
фикрингни тиниклашишига ёрдам бердими?  
Ўз-ўзингни ҳурмат қилишинг мумкин бўлган  
йўлга ўтишга тайёрмисан? Оlam энди сенга бо-  
шқача тусда кўриняптими? Қарзларингдан  
қутилишга ва Вавилонда ҳурматга сазовор  
киши бўлиб улрайишни хоҳлайсанми?

Йигитчанинг кўзлари намланди. У ўрнидан  
туриб Дабазирга таъзим қилди:

- Кўзларимни очдингиз, менда, озод киши-  
нинг қалби уйғонаётганини сезяпман.

- Вавилонга қайтгач, нималар қилдингиз? -  
сўради қизиқиб қолган тингловчилардан бири.

- Агар қатъиятли бўлсанг, олдингга қўйган  
мақсадингга албатта эришасан, - жавоб бер-

ди Дабазир. - Энг аввал, кимдан қарз олган бўлсам, ҳар бирининг уйига бориб, кечирим сўрадим ва илк имконият туғилиши биланоқ пулларини қайташибга қатъий сўз бердим. Аксарият ҳақдорлар, мени яхши кутиб олишди. Тўғри, жаҳл қилганлар ҳам бўлди, аммо кўпчилиги, ҳатто ёрдам таклиф қилишди. Улар орасида эски ҳамкорим Матон ҳам бор эди. Суряда тая ҳайдовчи бўлганимни билиб, Матон мени, таялар олди-сотдиси билан шуғулланувчи қария Небатурунинг олдига жўнатди, - подшоҳимиз, буюк сафар учун, кўплаб зотдор тулардан сотиб олишни Небатуруга буюрган экан. Небатуруга хизмат қилиб, бор билимими ни ишга солдим. Аста-секин, барча қарзларими ни охирги чақасигача қайтардим. Ниҳоят, одамларнинг кўзига тик боқа оладиган ва обрӯэътиборли кишига айландим.

Ҳикоясини тутатган Дабазир, ошхона томон қараб қичқирди:

- Эй Коскор, овқат совиб қолибдику. Менга яна гўшт келтир, қайноқ бўлсин, кейин менинг эски дўстимнинг ўғли Таркадга ҳам овқат тайёрланглар, унинг қорни оч, мен билан тушлик қиласди.

Вавилонлик тая сотувчи Дабазирнинг тарихи, шундай якун топди. У, қадим-қадимдан оқил кишиларга маълум бўлган буюк ҳақиқатни очиб, ўзлигини топди.

Бу ҳақиқат, одамларга ҳар қандай мушкул вазиятлардан чиқиб кетишга ёрдам бериб, му-

ваффақият сари етаклайди ва ҳозиргача унинг сеҳрли кучини тушунганларга, кўмак бермоқда.

**Агар қатъиятди бўласанг, орзунингга, максадингга, албатта эришасан.**

\* \* \*

**Вавилонда топилган лой тахтачалар Нотингем универси тетининг А.В.Суитинномидаги коллежи. Нью-Йорк - он - Трент нотингем.**

**21 октябр, 1934 йил.**

Британия илмий экспедициясининг раҳбари, профессор Франклин Колдуэлла, Хилла, Месопотамия.

**Ҳурматли профессор!**

Сизнинг Вавилон харобалаларида олиб борган қазишмаларингиз чорида топилган бешта лойдан қуйиб қотирилган тахтачалар, сизнинг номангиз билан бирга, битта кемада етиб келди. Мен қалбим қувончга тўлиб, бир неча соатлар давомида ёзувларни таржима қилдим. Сизга дарҳол жавоб бермаганим учун узр сўрайман: ёзувларнинг таржимаси устида анча ушланиб қолдим. (Матн таржимаси хатимга илова қилинган). Сизнинг сеъйи-ҳаракатингиз туфайли тахтачаларни эҳтиёткорона, авайлаб ўрашибдики, худога шукур, уларни бус-бутун қабул қилдик. Сиз ҳам худди бизнинг лабораториямиз ходимлариdek, ушбу қўлёзмага битилган тарихни ўқиб, ҳайратдан донг қотасиз.

Кўпчилигимиз, бу ерда севги ва ботирлик ҳақида, "Минг бир кечада"га ўхшаган афсоналар битилган бўлса керак деб ўйлаган эдик. Бироқ қарзга ботиб қолган қандайдир Дабазирнинг муаммолари ҳақида ўқиркансан, беихтиёр "тавба, беш минг йил давомида, олам деярли ўзгармаган-а", - деган ўй келади миянгга, кишини.

Қизиқ, мени шу қадимги ёзувлар, худди нафсониятимга тегаётгандек... Мен, маълум ва аниқ билимга эгаман, - коллеж профессориман-ку ахир! Бироқ бирдан тупроқ-чанг тўла Вавилон харобаларидан аллақандай қариянинг руҳи пайдо бўлиб, қарзларни қандай тўлаш ва ўз ҳамёнини тўлдириш тўғрисида менга сабоқ берсая!

Нима ҳам дердик, - қадимги панд-насиҳатлар бугун ҳам худди Вавилондагидек долзарбмикин, - солиштириш, жуда қизиқ бўлса керак. Биз, хотиним миссис Шрусбери икковимиз, буни ўз бюджетимизда синаб кўрмоқчимиз, натижя яхши бўлишидан умидвормиз.

Сиз бажараётган савобли ишингизда, улкан муваффакиятлар тилайман. Сизга ёрдам бериш имконияти туғилишини интизорлик илиа кутаман.

Сизнинг чин дўстингиз, Алfred  
Шрусбери, Археология Департаменти.

## 1 -ТАХТАЧА

"Ҳозир кўкда тўлин ой нур сочиб турганида, мен яқинда Сурия қуллигидан қайтган Даба-

зир, - ўзимнинг кўплаб қарзларимни тўлашга ва жонажон она шаҳрим Вавилоннинг ҳурматли фуқаросига айланишга қатъий қарор қилиб, олий мақсадларим ҳаққи, бажарадиган ишларимни, шу ҳали лойи қуримаган тахтачага ёзиб қўйяпман".

Дўстим, оқил ҳамкор Матоннинг маслаҳатига биноан, тили қисиқ қарздордан, обрў-эътиборли кишига айланмокчиман. Ўзим учун тузиб олган режамда, учта мақсад-вазифа қилиб қўйилган. Уларни бажариш, - менинг орзу-умидим.

Биринчидан, мен келажакда оилам яхши яшашини таъминлашим зарур.

Шу мақсадда, ишлаб топган маблағларимнинг ўндан бирини йифа бошлайман. Шу ерда, Матоннинг айтганларини битиб қўйиш зарур деб ҳисоблайман: "Ҳамёнида, келажакка аталган тилла ва кумушлар сақлайдиган киши, - муносиб оила бошлиғи ва ўз шоҳига хизматкордир". "Ҳамёнида факат уч-тўрт чақаси боркиши, оиласи ва ўз шоҳига бепарво бўлади". "Ҳамёни бўш киши эса, оиласига шафқатсиз ва ўз шоҳига хиёнаткор бўлади, чунки, унинг дили қотиб қолган". "Худди шунинг учун ҳам ҳаётда муваффақият қозонишни ҳоҳлаган кишининг ҳамёнидан, ҳеч қачон тилла ва кумуш аrimаслиги керак, ана ўшандада, унинг қалбида, оиласига меҳр ва ўз шоҳига садоқат яшайди".

Иккинчидан, хурсанд бўлиб ўзимга қайтиб келган хотинимни тўла-тўқис таъминлашим

зарур. Матоннинг айтишича, вафодор хотини ҳақида қайғуриш эркакка куч ва ўз мақсадига эришишда қатъиятлик бағишлайди.

Шу мақсадда, ишлаб топғанларимнинг ўндан еттисини, мен уйимизни жиҳозлаш, кийим сотиб олиш, емиш ҳамда озгина кўнгилхушликка сарфлайман, - ўйин-кулгусиз, ҳаётимиз анча зерикарли ва ғамгин бўлиб қоларди. Бироқ биз сарф-харажатларимиз, режада белгиланган миқдордан ошиб кетмаслигини, қаттиқ назорат қиласиз. Режамнинг келажакдаги муваффақиятини шулар белгилайди. Ўзим учун дастур қилиб олган маблағ доирасида яшашим шарт!

## 2 -ТАХТАЧА

Учинчидан, ишлаб топадиган пулларимнинг бир қисмини, қарзларимга тўламоқчиман.

Ҳар ойда бир марта, иш ҳақимнинг ўндан иккисини, менга ишониб қарз берганлар орасида, teng бўлиб, тарқатаман. Шунда, белгиланган муддатда барча қарзларимни тўла-тўқис қайтараман.

Ҳозир мен, ҳамма ҳақдорларимнинг номларини ёзаман:"Фару, тикувчи - 2 та кумуш танга, 6 та чақа пул. Синжар, дурадгор - 1 та кумуш танга. Дўстим Ахмар - 3 та кумуш танга 1 та чақа пул. Дўстим Занкар - 4 та кумуш танга, 7 та чақа пул. Дўстим Аскамир - 1 та кумуш танга, 3 та чақа пул. Харинзир, заргар - 6 та кумуш танга, 2 та чақа пул. Отамнинг дўсти

Диарбекер - 4 та кумуш танга, 1 та чақа пул. Алкахад, уйлар ижарачиси - 14 та кумуш танга. Матон судхўр - 9 та кумуш танга. Бирежик, дехқон - 1 та кумуш танга 7 та чақа пул"...

(Ёзувнинг қолган қисми тушунарсиз, тиклаб бўлмади).

### 3 -ТАХТАЧА

Шу ҳақдорларимга мен, ҳаммаси бўлиб бир юз ўн тўққизта кумуш танга ва бир юз қирқ битта чақа пул беришим керак. Ана шу катта қарзларим ва фўрлигим сабабли, бошқа шаҳарлардан омад излаб, жонажон Вавилонимни тарк этдим. Хотиним эса, отасининг уйига кетишга мажбур бўлди. Аммо узоқ юртларда кулфатдан бошқа нарса топмадим. Саргузаштларим эса қуллик билан тугади.

Энди Матон, менга қарзлардан кутулиш услини ўргатганида, душманларимдан қочиб кетиб, аҳмоқлик қилганимни англадим.

Ҳақиқатни тушунгач, мен ҳақдорларимнинг олдига бориб, ҳозир пулларини қайтара олмаслигимни, аммо, ўзим тузган режа бўйича, иш ҳақимнинг бир қисмини босқичма-босқич келтириб беришга сўз бердим, вақти келганида барча қарзларимни қайтаришимни айтиб, озгина сабр қилиб туришларини сўрадим.

Дўстларим ичидаги энг яхшиси деб ҳисоблаганим Ахмар, устимдан бераҳмларча кулди ва мен унинг уйидан разабга тўлиб қайтдим.. Бирежик, дехқон умуман камбағаллашиб қол-

ганини, пулни энг аввал унга қайтаришимни илтимос қылди. Алкахад, уйлар ижарачи-си қовоғини уйиб, агар тезда кумуш тангалирини қайтармасам, хафа қилишини айтиб, дүк урди.

Қолганлари, режамни маъқуллаб, мени қўллаб қувватлашди. Ҳозир, тўғри йўлга тушиб олганимда, қарзлардан қочиш ўрнига, уларни эгаларига қайтариш осон ва қалбга енгилилк беришни, чуқур англайман.

#### 4 -ТАХТАЧА

Яна ой тўлган кун. Мен тинимсиз оғир меҳнат қилган бўлсамда, руҳим тетик. Меҳрибон хотиним, ҳамма ишларимда менга суюнчиқ бўляпти. Қатъиятлилигим ва тиришқоқлигим натижасида, охирги ойда туялар олди-соттисида, ўн тўққизта кумуш танга ишлаб топдим.

Бу пулни мен режамга мувофиқ бўлдим: ўндан бирини олиб қўйдим, ўндан еттисини хотиним икковимиз уйимизга сарфладик. Ўндан иккисини ҳақдорларим ўртасида teng бўлиб бердим.

Ахмарни тополмадим, аммо пулни хотинига қолдирдим. Бирежик хурсанд бўлиб кетганидан қўлимни ўпиб олди. Фақат кекса Алкахад қарзларни тезроқ қайтаришим лозимлигини айтиб, тўнғиллади. Унга жавобан мен, - кўнглим хотиржам ва қорним тўқ бўлса, кўпроқ ишлаб, кўп пул топишимни айтдим. Қолган ҳақдорларим раҳмат айтиб, тиришқоқлигимни мақташди.

Ой охирида, қарзларим тўрт кумуш тангага қисқарди, икки тангани эса, олиб қўйганман уларда ҳеч кимнинг ҳакқи йўқ. Юрагим, шодликдан шопирилиб кетяпти.

Яна ой тўлган тун. Дам олмасдан астойдил ишлаган бўлсамда, омадим унча чопмади, - мен бир нечта туялар сотиб олдим, холос. Даромадим эса, ўн бир кумуш тангадан ошмади. Шунга қарамай, хотиним икковимиз, режадан қайтмаймиз. Уйга ҳамда емакка сарфлаётган пулларимизни камайтиришга келишиб олдик. Мен пулларни яна режамга асоссан, тенг бўлиб бердим. Озроқ қисм олсада, Ахмарнинг жаҳли чиқмагани, мени дол қолдирди. Бижерик ҳам индамади. Алкаҳад аввалига ғазаб отига миндию мен "бўлмаса бу чақалардан воз кеч, янаги сафар кўпроқ оласан" - дея таклиф қилганимда, ўзини босиб олди. Қолганлари, одатдагидек, кичкина миқдорга ҳам рози бўлишиди.

Яна ой тўлган тун. Қувончдан энтикиб кетяпман. Мен, зотдор туяларнинг бир тўдасини сотиб олдим, даромадим ҳам шунга яраша, - қирқ икки кумуш танга. Бу ойда хотиним икковимиз, уйга анча керакли буюмларни сотиб олдик ва яхши еб-ичдик. Саккиз тангадан ортиқроғини қарзларимга улашдим, ҳатто Алкаҳад ҳам миқ этмади.

Қанчалик оқилона режа тузганман: ҳам қарзларимдан қутуляпман, ҳам ўзим учун пул йиғяпман.

Кечмишларимни ёзиб бора бошлаганимдан буён, фалакда ой, уч марта тўлди. Мен топган пулларимнинг ўндан бирини йифиб кўявердим. Уй-рўзгорга, хотиним билан ўндан етти қисмини сарфладик, баъзида, пул етмай қолганида ҳам чидадик. Кейин режамга мувофиқ ўндан икки қисмини ҳақдорларим ўртасида бўлиб беравердим.

Ҳамёнимда ҳозир йигирма битта кумуш танга бор ва бу бойлик, фақат менга тегишли. Жонажон шаҳрим кўчаларида хотиржам юриб, одамлар юзига тик боқа олишимнинг боиси шунда.

Хотиним рўзгорни яхши улдалаяпти. Биз баҳтлимиз.

Режам-бебаҳо. Ахир, қулни ҳурматли кишига айланишига, айни ўзим тузган режа сабабкор бўлди-да!

## 5-ТАХТАЧА

Осмонда яна тўлин ой нур сочаётганида, мен анчадан буён ёзмай қўйганимни эсладим. Шу вақт ичида оймомо ўн икки марта тўлиб жилва қилди, аммо бугунги ёзувимни ҳеч қачон унутмасам керак чунки, ҳозиргина охирги қарзимни тўлаб келдим. Бугун, бу ҳодисани хотиним икковимиз катта байрам қиласиз, биз мақсадга эришдик.

Ҳақдорларимнинг уйларига охирги марта борганимни анчагача эслаб юраман. Ахмар, қўполлик қилгани учун узр сўради ва "Энг яхши дўстим, ўзингсан" - деди.

Алкахад ҳам унчалик жаҳлдор қария эмас экан.

"Олдинлари лойга ўхшаган юмшоқ, ожиз эдинг, энди эса, ҳар қандай босимни кўтарадиган бронзага айланибсан, мабодо қачонлардир, яна пул керак бўлса, торгинмай олдимга келавер", - деди у.

Алкахаддан ташқари, бошқа таниш-билишлар, кўпгина шаҳарликлар ҳам менга яхши муомала қилишяпти. Суюкли рафиқам меҳр тўла кўзлари билан бокқанида, у мендан фахрланаттанини сезаман.

"Ҳаммаси, - муваффақият қозонишимга ёрдам берган, ўзим тузган режам туфайли. Айни шу режа қарзларимдан қутилиб, шахсий бойлик ортиришга имкон берди. Ҳаётда юксак чўққиларни кўзлаган барча инсонларга шу режани тавсия қиласман. Ожиз қулни - қарзларини тўлаб, озод кишига айланишига сабабкор бўлган режам, инсоннинг тўла мустақилликка эришишига ҳам ёрдам беради. Ҳаёт давом этмоқда. Шунга тўла-тўкис аминманки, режам мени ҳам давлатманд кишига айлантиради".

**НОТТИНГЕМ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ  
АВ. СУИТИН КОЛЛЕЖИ  
Ньюорк-он-Трент Ноттингем  
7 ноябр, 1936 йил**

Британия илмий экспедициясиининг  
раҳбари, Профессор Франклин Колдуэлга.  
Хилла, Месопотамия

## **Ҳурматли профессор!**

Мабодо, Вавилон ҳаробаларида олиб бораётган кейинги қазишмаларингиз чофида, сизга вавилонлик түя савдогари, қария Дабазирнинг арвоҳи учраб қолса, марҳамат қилинг: унинг, лойдан ясаб қотирилган тахтачаларида битиб қолдирган ёзувлари, ҳозирги замонавий Англияда яшаётган профессорлар оиласининг улкан олқишига сазовор бўлганини, унга айтинг.

Эсингизда бўлса, бир йил аввал биз, миссис Шруслери билан қарзларимиздан қутилиш ва бойлик тўплаб олиш учун, Дабазирнинг режасини амалиётда синаб кўрмоқчи эканлигимизни ёзган эдим. Молиявий танг аҳволга тушиб қолганимизни, эҳтимол сиз сезгандирсиз, аммо биз муаммоимизни ҳатто энг яқин дўстларимиздан ҳам яширган эдик.

Эски қарзларимиз бизни йиллар давомида тилемизни қисиб келарди ва яна ҳақдорлардан бирортаси жанжал кўтариб, газеталарда бизни шарманда қилишидан қўрқиб, доимий таҳлика остида яшардик. Қарзларни тўлашга уринардик албатта, ҳар бир шиллинги тежаб-тергардигу, бироқ, вазият ҳеч яхши томонга ўзгарамас эди. Кейин факат насияга савдо қилувчи дўконлардангина бирор нарса харид қилишга бориб етдик.

Буларнинг бари узиб бўлмас ҳалқага ўхшарди. Уринишларимиз зое кетаверди, ҳатто арzonроқ хонадонга кўчиб ўта олмас эдик, чун-

ки, эски уйимизнинг пули ҳам тўла-тўкис тўлаб бўлинмаган эди. Умримиз охиригача мушкул аҳволдан чиқа олишимизга кўзимиз етмай қолувди.

Ана ўшанда биз, вавилонлик кекса савдогар билан сиртдан танишиш, унинг режасини ўқиб чиқиш баҳтига мұяссар бўлдик. Тахтачалардаги битиклар, бизни ҳаракат қилишга ундаи ва миссис Шрусбери икковимиз дарҳол ҳамма қарзларимиз рўйхатини тузиб чиқдик. Кейин шахсан ўзим ҳар бир ҳақдоримнинг олдига ташриф буюриб, барчаларини амалга ошироқчи бўлган режам билан таништириб чиқдим.

Молиявий имкониятим йигирма фоизни қарзга тўлаб боришимни уларга айтдим. Ҳисобкитобимга қараганда, икки йил ичида барча қарзларимдан форир бўлар эканман.

Тан олиш керак, ҳақдорларим ўзларини жуда муносиб тутишди. Баққолимиз- доно қария, қарз қайтаришнинг мана бунақа йўлини ўргатди: олаётган озиқ-овқатимизнинг пулини бериб, қарзимизни оз-оз қисмидан тўлаб бораверамиз, бу, олдингидек насияга савдо қилиб, қарзга ботиб боришдан яхшироқ.

Демак, ҳамма ҳақдорларга пулларни режага мувофиқ тўлаб боришимизни эълон қилгач, хотиним икковимиз маошнинг қолган етмиш фоизига қандай яшашни ўйлай бошлидик. Гап шундаки, ўн фоизини биз йифишга қатъий қарор қилгандик. Жамғармамиз, вакти-соати келиб бизларни бой кишиларга ай-

лантиришини ўйлашнинг ўзиёқ ҳаяжонга соларди.

Ҳаётимизнинг ўзгариши гаройиб саргузаштлардек туюлди. Биз керакли ашёларга сарф-ҳаражатлар рўйхатини тузиб чиқдик. Уйнинг ижарасидан бошладик ва униadolатли камайтиришларига эришдик. Кейин ўзимиз севиб ичадиган чойнинг сортини таҳдил қилдик-да, арzon нархга ҳам аъло сифатли чой сотиб олиш мумкин, деган қарорга келдик. Хатда ҳаммасини бирма-бир ёзиш узоқ ва зерикарли. Шуни айтмоқчиманки, янги турмуш тарзимиз ноxуш кечмади. Энди қарзимизнинг муддати ўтиб кетаётганини ўйламас эдик, шунданми, кайфиятимиз чоғ эди.

Биз ҳар ойда йиға бошлаган ўн фоизнинг тақдири ҳақида гапирмасдан туролмайман. Кулишингиз мумкину лекин бу машғулот, жуда қизиқарли ўйинга ўхшайди. Қаранг, пул йиғиш ҳам худди пул сарфлашдек қувонч бахш этаркан.

Оз-моз пул йиғиб, маблағимизни бирор фойда берувчи тадбиркорлик амалиётига киритишга ҳаракат қилдик ва излаганимизни топдик. Тужжорий амалиёт, биздан ҳар ой, айни, биз йиғиб бораётган ўша ўн фоиз пулни, дастмоя қилиб киритиб туришимизни, талаб қиласи. Энди бу менинг маошимдан тўланадиган келажагимиз мевасидир.

Бойлигнинг аста-секин кўпайиб бораётганини билди дилингга ором беради. Нафақага чиқадиган фурсатгача, енинг ҳисоб-рақамимда

йиғиладиган маблағ қариганимда оиласни боқишига бемалол етади.

Менинг маошимнинг ўзидан, ушбу тадбирни амалга ошириш мумкин экан. Ишониш қийину, лекин гапим рост. Қарзларимиз аста-секин камаймоқда, даромадимиз эса, ўсиб бора-япти.

Янаги йил охирида барча қарзларимиз тутагач, ўзимиз қатнашаётган тадбиркорлик амалиётига киритаётган дастмоямизни кўпайтирамиз ва бир қисм маблағни, саёҳатга сарфлаймиз. Хотиним икковимиз кёлажакда ҳам, сарфҳаражатларда ўзимиз белгилаб олган етмиш фоизлик чегарадан чиқмоқчи эмасмиз.

Нега вавилонлик қарияга шахсан миннатдорчилик билдиримоқчи бўлганимизни энди тушунгандирсиз? Дабазир, бизни том маънода инқи-роздан қутқарди.

Дўзах азобини бошидан кечирган бу савдогар, нималар ёзаётганини яхши тушунарди. Шунинг учун бошқалар унинг аччик қисматини қайтаришларини истамай, анчагина қимматбаҳо вактини тахтачаларга доно маслаҳатлар битишга бағишилаган.

Ҳамма келажак авлодларга, Дабазир бебаҳо нома қолдирган. Тупроққа кўмилганидан сўнг, орадан бешминг йил ўтиб, яна Вавилон харобаларида пайдо бўлган ўгитлар, ҳозирги замонда ҳам, аввалгидек долзарблиги ажабланарли.

**Сизнинг Алфред Шрусберингиз,  
Археология департаменти.**

## ВАВИЛОНЛИК БАХТЛИ ОДАМ

Вавилонлик савдогар Шарру-Нада, қаддини тик тутганича, ўз карвонига бошчилик қилиб борарди. У чиройли кийимларни севар ва ҳозир эгнида қымматбаҳо ва ноёб либос, у чиройли отларни севар ва ҳозир остида гижинглаган арабий от. Унга қараб туриб, ёши бир жойга бориб қолганини пайқамайсиз ҳам. Юрагини ит тирнаётганини эса умуман сезмайсиз.

Дамашқдан Вавилонга олиб борувчи йўл узок, сахро хавф-хатарларга тўла бўлсада, у парво қилмасди. Сахрода яшовчи тажовузкор араб қабилалари, кўпинча бой карвонларни талассада, Шарру-Нада кўрқмайди, чунки атрофи содик қўриқчилар билан уралган.

Дилидаги ғашлик, ёнида кетаётган ўсмирга боғлиқ. Бу, - Хадан Гула, - унинг тадбиркорликдаги ҳамкори, ўзининг ҳозирги мавқега етишишига сабабкор, Арад Гуланинг набираси эди. Шарру-Нада, шу йигитга яхшилик қилишни жуда истар, бироқ бу ҳакда бош қотиргани сайин, вазифа бажариб бўлмасдек туюлар, чунки унинг ўзи ҳам кўп нарсаларни билмасди ҳали.

Шеригининг узути ва қулоғида ялтираётган сирғасига бир қараб олган Шарру-Нада " йигитча, ялтир-юлтир эркак кишига ярашади деб ўйлади чоғи, юзи бобосиникидек қатъиятли бўлсада, аммо Арад Гула, зеб-зийнат ва кийимларни ёқтирмасди. Отаси, меросни осонгина

совуриб юборадия! Оёққа турволишидан үмид қилиб, мен йигитчани ўзим билан олвоздимку!" - каби ўйларни хобидан ўтказди.

Хадан Гула унинг фикрларини бўлди: - " Нега карвонингизни узок юртларга бошлаб борасиз? Нега тинимсиз ишлайверасиз? Ахир маза қилиб, роҳатда яшашга деярли вактингиз қолмаяптику?!"

Шарру-Нада жилмайди: - Роҳатда яшаш? Менинг ўрнимда бўлганингда, сен қандай яшардинг?

- Сиз каби бадавлат бўлганимда, шаҳзодалардек яшардим, жазирама сахроларда дайдиб юрмасдим. Пуллар ҳамёнимга қанчалик тез оқиб тушса, ўша тезликда сарфлайверардим. Яна, энг чиройли либосларни кийиб, зеб-зийнатларга бурканардим... Ана шунақа хаёт менга ёқади!

Икковлари ҳоҳолаб кулиб юборишиди.

- Сенинг бобонг, ҳеч қачон тақинчоқ тақмаган, - ўйламай гапириб юборди Шарру-Нада ва шу заҳотиёқ ҳазиломуз қўшиб қўйди:- Ишлашга вакт топармидинг?

Нарри-Наду лабини тишлаб, индамай қўя қолди. Тор этагига етгунча жим кетишиди. Довондан ўтганларида, рўпараларида кўм-кўк водий ястаниб ётарди.

- Водийга қара! Узокдан ҳам Вавилон деворларини илғаса бўлади, унинг энг юксак минораси - Ваал Ибодатхонасиdir. Агар кўзинг ўткир бўлса, Ибодатхона чўққисидаги мангу оловни кўра оласан.

– Шуми Вавилон? Мен доимо дунёдаги энг бой шаҳарни кўришни, орзу қиласар эдим. Менинг бобом, Вавилонда бойишни бошлаган. Эй, ҳозир бобом тирик бўлганларида, биз бунчалик қийинчиликда қолмасдик...

– Нималар деяпсиз?! Бизда иқтидор йўқ. Отам ва мен, бойиш сирларини билмаймиз.

Шарру-Нада индамай, отини тезлатди. Уларнинг орқаларидан, осмон қадар чанг кўтарилиб катта карвон эргашди. Тезда, шоҳ қурдирган катта йўлга чиқиб, кенг далалар ястаниб ётган, Жануб томон бурилишиди.

Ер ҳайдаётган уч дехқон, Шарру-Наданинг дикқатини тортди. Бирдан, улар жудаям танишдек туолди. Қизиқ! Шу дала ёнидан, қирқ йилдан сўнг қайта ўтаётганда, инсон, айни ўшанда ҳам, ер дехқонларни, яна кўриши мумкин эмас. Бироқ, қандайдир ички туйғу, булар худди ўша инсонлар эканлигини айтиб турарди. Дехқонларнинг бири ожиз қўлларида омоч ушлаб олган, қолган иккитаси буқанинг биқинларига таёқда уриб, тезроқ юришга мажбурлар эди.

Ана шу инсонларга қирқ йил аввал қанчалик ҳавас қиласан эдия! Жон-жон деб улар билан ўрин алмашган бўларди. Ўтган йиллар давомида қанча нарсалар ўзгардию! У, мағурланиб орқасига қаради: Дамашқдан йўлга чиққан қимматбаҳо юклар ортилган зотдор туюлар ва бақувват эшаклардан иборат савдо карвони бир текис юриб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўзиники!

У дәхқонларга имо қилди: булар қирқ йил аввалгидек ўз далаларини ҳайдаб ётишибди.

– Айни ўша дәхқонлар эканини, қаердан биласиз?

– Мен уларни күрганман.

Миясида бир-бирини алмаштириб хотиралар ўта бошлади. Нега у ўтмишни унугиб, ҳозирги кун билан яшай олмасыкин?... Тұсатдан, күз олдига Арад Гуланинг кулиб турған чөхраси пайдо бўлдию ўзи ва такаббур йигитча ўртасидаги тўсик гўё эриб кетди назарида.

Аммо чиройли ҳаётни севувчи манови ўсмирга қандай ёрдам бериш мумкин? Ўзини ишдан юқори ҳисоблаган одамга меҳнат қилиш шартлигини қандай сингдиради? Барibir марҳум дўсти Арад Гуланинг хотираси ҳаққи, астойдил нимадир қилиши керак. Улар Арад икковлари бирор тадбирга қўл уришса, охирига етказмай қўйишмас эди, табиатлари шунаقا эди-да.

Режа бирдан ўз-ўзидан туғилдию шу заҳотиёқ эътиroz ҳам пайдо бўлди: Ахир ҳаммасини қайта бошдан кечиришга тўғри келди, бу оғир, аниқ шафқатсизлик-ку. Лекин тез қарор қабул қилувчилар сирасига кирганидан дарров шубҳа-иккиланишни четга йиғишириб, бошлади:

– Сенинг ҳурматли бобонг ва мен қандай қилиб ҳамкор бўлганимизни, қай тарзда бойликка эришганимизни билишни истайсанми? – сўради у.

– Э, олтиналарни топиш усулини айтинг, тамом вассалом, менга фақат шу керак, холос, - түнғиллади Хадан Гула.

Шарру-Нада, йигитчанинг жавобини эшитмагандек, давом этди:

– Биз, анови дәхқонлар билан бирга бошлиғанмиз. Мен ўшанда, сенинг ёшингда эдим. Бизнинг сафимиз дала ёнидан ўтаётганида, мендан кейин занжирланган Мегиддонинг кулгуси эшитилди:

– Анови ишёқмасларга қара,-деди у. - Омочни ушлаган дәхқон, уни ерга чукурроқ ботирмаяпти, буқаларни ҳайдаётган иккитаси эса, умуман жониворга қарамаяпти. Ери бунақа чала ҳайдашса, улар кузда яхши ҳосил олмайдиларку.

– Мегиддо, мендан кейин занжирланганиди, дедингизми?.-ҳайрон қолди Хадан Гула.

– Ҳа, барчамизнинг бўйнимизда бронза тахтacha, бир- биримизга узун занжирда бириктирилган эдик. Мегиддодан кейин, қўй ўғирлаб қўлга тушган Забадо боғланганиди. Мен уни олдинроқ Харунда кўрган эдим. Занжирнинг охирига чандилган кишини, ўз исмини айтмагани боис, биз Қароқчи деб чақирадик, кўкрагига икки илон тасвири туширилгани учун, денгизчи бўлса керак деб, тахмин қилганмиз. Кетмакет тизилиб бораётган қуллар, тўрттадан қилиб сафланган эди, - тушунтирди- Шарру Нада.

– Қул бўлганман денг?- Ходан Гула қулоқларига ишонмасди.

– Бобонг, менинг қул бўлганимни айтмаганми?

– У киши, сиз ҳақингизда кўп гапирадилар, аммо, сизни қул бўлганингиз ҳақида ҳеч қачон...

– Ҳа, Арад Гула, сир саклашни биларди. Сенга ҳам ишонсам бўладими? - Шарру Нада, ўсмирнинг кўзларига тик бокди.

– Тилимни тийиб юраман, ишонаверинг, аммо, нега қул бўлганингиз, жуда қизиқтиряпти?

Шарру Нада елкаларини қисди:

– Бундай савдо, ҳар бир инсоннинг бошига тушиши мумкин. Қиморхона ва шароб, менинг баҳтсизлигимга сабаб бўлди. Мен умуман, акамнинг касрига қолганман. У, баҳслашиб қолиб, ўз дўстини ўлдириб қўйган. Отам мени бевага гаровга бериб, ўзи акамни қутқаришга жон-жажди билан тириша бошлади. Бироқ, озодликка чиқариш учун етарли пул тополмаганида, беванинг fazabi қайнаб, мени қулликка сотиб юборди.

– Қандай шармандалик! Қандай шармандалик! Қандай адолатсизлик! - жаҳли чиқди Хадан Гуланинг.- Айтингчи, қандай озод бўлдингиз?

– Аввал ҳикоямни давом эттиришга имкон бер, ҳали ўша ерига ҳам келамиз. Демак, дала ёнидан ўтаётганимизда, дехқонлар устимиздан аччиқ кулишди. Улардан бири, титилиб кетган шляпасини қўлига олди ва "-Хуш келибсиз, шоҳимизнинг меҳмонлари. У сизларга девор тепа-

сида фишт ва лой тайёрлаб қўйган!" - дея қичқириб таъзим қилди. Кейин, учкови ҳоҳолаб кула бошлаганида, Қароқчининг ғазаби қўзиб, уларни айниб - алжиг сўкди.

"- Шоҳимизнинг меҳмонлари"- деганда, нимани назарда тутди? - сўрадим ундан.

- Сени девор қурилишида фишт ташишга мажбур қилишади. Белинг сингунича ишлайсан, ёки олдинроқ уриб ўлдириб юборишади, - жавоб берди Қароқчи. - Лекин менга бунақаси кетмайди, мен уларни ўлдираман.

Шунда Мегиддо гап бошлади: "- Меҳнаткаш қулларни уриб ўлдиришмаса керак. Ишлайдиган қулларини уриб ўлдиришмаса керак. Ишлайдиган қулларига хўжайинлари яхши қарашади, ҳурмат қилишади". Орага, Забадо қўшилди: "- Кимнинг эзилиб ишлашга тоқати бор? Анови дехқонлар нима қилаётганини билишади, кўряпсанларми - номигагина ишляяпти. Мегиддо яна эътиroz билдириди: "- Астойдил тер тўқмасанг, кўнгилдагидек натижага эриша олмайсан. Бир кунда бир гектар ерни ҳайдаб қўйсанг, хўжайининг сендан миннатдор бўлади, номигагина ишлашнинг нима кераги бор? Мана мен, - меҳнат қилишни яхши кўраман, - меҳнат энг яқин дўстим. Фермам, сигирларим, мўл-кўл ҳосил, - ҳаммаси, қаттиқ меҳнат эвазига келганди.

"Ҳей, қани ўша бойликлар? - ижирғанди Забадо. - Менимча, ҳамма нарсага осонгина етишиш учун, киши айёрроқ бўлса бас. Мана кўра-

санлар, енгил иш топиб, сизларга сув ташиб юрганимда, ҳаммангни фишт ташиб абжафинг чиқаётган бўлади", - ҳиринглади у. Шу тун мени ваҳима босди, кўзимга уйқу келмади. Барча донг қотиб ётганида, бизни биринчи кеча пойлаётган қўриқчининг эътиборини ўзимга тортдим. У, Годосо исмли араб бўлиб, мободо ҳамёнигизни ўғирлаш имкони туғилса, аввало бошингизни танангиздан жудо қилиб қўя қоларди.

– Годосо, айтчи, Вавилонга борганимизда, бизни девор қурилишига юборишадими? – сўрадим-мен.

– Нега буни билмоқчисан? – ҳўмрайди у.

– Тушингин сен, – ялина бошладим, – мен ёшман, яшашни истайман. Девор қурилишида, калтак зарбидан ўлиб кетишни хоҳламайман ахир! Меҳрибонроқ хўжайинга тушиш имкони борми?

– Менга даҳмаза бўлмаганинг учун, майли айтаман, – Годосо шивирлашга ўтди. – Энг биринчи, сизларни қул бозорига олиб борамиз. Гапларимни дикқат билан эшит: Харидор келганида, унга сен, яхши ишчи эканлигингни, хўжайинингни бойитиш учун, астойдил меҳнат қила олишингни айт. Сени сотиб олишга кўндири. Агар буни уddaрай олмасанг, эртасига сени фишт ташишга юборишади. Бу, жуда оғир меҳнат.

Қўриқчи нари кетгач, мен илиқ қумга ётиб, юлдузларга тикилганимча, иш ҳақида ўйлаб

кетдим. Бирдан, Мегиддонинг " - Мехнат энг яқин дўстим" - деган сўзлари эсимга тушиб, ўзимга-ўзим савол бердим: меҳнат, мен учун ҳам энг яқин дўст бўлиши мумкинми? Агар, ўзим тушиб қолган мушкул вазиятдан қутилишинга ёрдам берса, меҳнат билан албатта дўст тугинаман.

Мегиддо уйғонганида, кўриқчидан эшитганимни унга сўзлаб бердим. Энди ягона умидимиз, ўзимизни кўрсатишда эди. Кечга яқин, биз шаҳар дарвозасига яқинлашганимизда, девор чўккисига фишт ташиётган қулларни кўрдик. Юк кўтариб тепага чиқаётганлар, яна фишт келтириш учун пастга тушаётганларнинг сони бир неча минг кишидан ортиқ эди. Кимдир лой қорир, кимдир фишт урас, лекин қулларнинг асосий қисми фишт ташишга андармон эдилар.

Назоратчилар қулларни ҳақоратлар, таёқ билан тушириб қолардилар. Бечоралар елкала-ридаги улкан саватлар оғирлигидан оёқларини аранг қимирлатиб босар, баъзилари калтак зарбидан ерга қулаб қайта турмасдилар. Иш бермай қўйган қулларни уриб ўлдиришар, кейин мурдаларини девор остидаги чуқурга ташлаб, кўмиб юборишарди. Агар эртага, қуллар бозорида омадим чопмаса, мени ҳам шундай тақдир кутаётганини сезиб, баданимга титроқ кирди.

Годосо тўғри айтган экан. Бизни дарвозадан олиб кириб, қуллар зинданига қамашди ва аzonда қуллар бозорига ҳайдаб боришиди. Асиrlар

қаттиқ күркіб қолишган экан. Харидорлар сотиб олмоқчи бўлган молини яхшироқ кўриши учун қўриқчилар бақириб-чақириб, қамчида савалаб, қулларни у ёқ-бу ёққа юрдирадилар. Биз Мегиддо икковимиз, харидор бизга гапириши билан жилмайиб, саволларига жавоб бердик.

Бош қўриқчи, гап қайтарган Қароқчини ўласи қилиб дўппослади. Бечорани майдондан судраб олиб кетишаётганида унга ичим ачиdi.

Тезда ажралишимизни Мегиддо сезган экан. Ёнимизда харидор йўқлигига у менга панд-насиҳат қила бошлади: " Баъзилар ишлашни ўзига душман ҳисоблаб, уни ёқтиришмайди. Мехнатни дўст тутиш ва уни севиш керак. Сен, оғир меҳнатдан чўчима, ахир уй қураётганингда, оғир фиштларни ташиб келганингни ўйламайсанку, сув келтирганингда қудуқнинг узоқлиги, хаёлингга келмайди. Агар сени сотиб олишса, янги хўжайинингга сидқидилдан хизмат қиласман деб, менга ваъда бер, мабодо хўжайининг, бирор нимадан норози бўлса ҳам кўнглингни чўқтирма. Чин дилдан бажарилган иш инсоннинг фойдасига хизмат қиласди, ҳақиқий эркакка айлантиради... Ёнимизга серсокол деҳқон яқинлашганида, у жилмайиб қолди.

Мегиддо, ундан хўжалиги, ҳосилининг чўфи ҳақида сурештириб, ўзидан яхши ишчи тополмаслигига деҳқонни ишонтириди. Қулдор соҳибимиз билан узоқ савдолашганидан сўнг, деҳқон кийимининг ичидан қаппайган ҳамёнини

олди ва тезда Мегиддо янги хўжайини билан бозорни тарк этишди.

Ўша тонг яна бир неча қуллар сотилди. Тушликда Годосо олдимга келиб: " Соҳибинглар чарчабди, - деди. - Яна бир кун, Вавилонда тунашни истамаяпти. Оқшомда қолган қулларни подшоҳнинг одамига сотиб юборар экан", - деди. Ваҳима босиб, умидсизликка тушаётгандим, тўсатдан майдончамизга нуроний чеҳрали киши кириб келиб, орамизда новвойлар борйўқлигини сўради.

Мен унинг олдига яқинлашиб, лабим-лабимга тегмай гапира кетдим: – Бегим, сиздек кўли гул новвойга, укуви йўқ бошқа новвойнинг нима кераги бор? Ундан кўра, шу ҳунарга қизиқкан инсонга санъатингизни ўргатсангиз яхшимасми? Мана мен ёшман, кучлиман ва ишлашни яхши кўраман. Менга имкон берсангиз, сизга кўплаб тилла ва кумушлар ишлаб топиш учун бор кучимни аямайман!"

Менинг сўзларим, файратим, ёқди шекилли у, то шу пайтгача мени сезмаган, энди эса катта қизиқиши билан қараётган қулдор-соҳибим билан савдолаша бошлади. Мен ўзимни, худди қассобга топширилаётган семиз буқадек ҳис этардим. Охири, новвой мени сотиб олганида, қувониб кетдим. Янги хўжайинимга эргашиб кетарканман, менданда баҳтли инсон йўқ эди оламда.

Янги ётоқхонам ўзимга ёқди. Хўжайиним Нина-наид, ҳовлига жойлашган тош тегирмон-

да дон майдалаш, тандирга ўт қалаш ва асалли обинонлар учун кунжутли ун тайёрлашни ўргатди. Түшагим, дон сақланадиган омборда туради. Қари чўри Свасти менга ширин таомлар пишириб берар, оғир уй-рўзгор юмушларида қарашсам, жуда хурсанд бўларди.

Хуллас, хўжайиним учун қимматли ишчи бўлишга ва шу йўл орқали озодликка чиқишга имкон туғилганидан баҳтли эдим. Нана-наиддан бўлка пишириш учун хамир қоришни ўргатишни сўрадим. Менинг тиришқоқлигимдан хурсанд бўлган хўжайиним, жон деб ўргатди. Кейин өбинон ёпишни ўргандим. Тезда новвойхонадаги барча ишлар менинг зиммамга ўтди. Хўжайинимга, бекор юриш ёқиб қолди. Бироқ Свасти: "Меҳнат қилмаган инсон гумроҳ бўлиб бораверади," - деди бош чайқаб.

Пул ишлаб топиш ва ҳақини тўлаб ўзимни озод қилиш вақти келганини англадим. Новвойхонадаги барча ишлар тушликдаёқ тугарди. Куннинг қолган қисмида мен қўшимча иш топсам, даромадимдан, хўжайиним билан бўлишсам, у қаршилик қилмаса керак, деб ўйладим. Шунда миямда: Агар мен, яна қўшимча ишлаб, сизга пул топсам, маблағнинг озроқ қисмини ўзимга олиб қолиб, эҳтиёжимга сарфласам адолатдан бўладими? - деб сўрадим.

- Албатта, адолатли бўларди, албатта,- тан олди Нана-наид.

Режамни тушунтирганимда у хурсанд бўлиб кетди. - " Мана бундай қиласиз, - деди у. - Сен

асалли нонларни, донасини икки тангага сотасан, пулнинг ярми меники, чунки унга, асалга, ўтинга ҳақ тўлашим керак. Қолган даромаднинг ярми менга, ярми сенга".

Хўжайиним сахийлигидан, ўпкам тўлди: Демак, нон сотиб топган пулимнинг тўртдан бир қисми, меники бўларканда! Қувониб, туни билан ухламай, кўпгина нонлар сифадиган патнис ясадим. Кўринишим муносиб бўлишини истаган Нана-наид, менга ўзининг эски кийимларининг барини ҳадя этди. Свасти эса, либосни ўзимга мослаб берди.

Эртасига жуда кўп нон ёпдим. Уларнинг иси, иштаҳани қитиклар, қип-қизариб пишган эдилар.

Нонларни патнисга жойлаб, кўчама-кўча юриб, баланд овозда харидор чақира бошладим. Аввалига, бироннинг мен билан иши бўлмаганида руҳим тўшиб кетди. Сабр қилиб, оқшом тушишини кутдим. Оқшомда, қорни очган шаҳарликлар, битта кўймай ҳамма нарсаларимни сотиб олишди ва мен уйга бўш патнисни кўтариб қайтдим.

Муваффақиятимдан кўнгли тўлган Нана-наид менга шу зоҳотиёқ улушимни санаб берди. Ўзимга сифмай, тангаларни чанглаб турарканман, Мегиддонинг: "- Марҳаматли хўжайн мөҳнаткаш ишчисини эъзозлайди" - деган гапларини эсладим. Шу тун кучли ҳаяжондан ухломай бир йилда қанча пул топаману, озодлигимни сотиб олиш учун неча йил

ишлишим зарурлигини қайта-қайта ҳисоблаб күравердим.

Тұхтосиз, ҳар куни нон сотишга чиқаверғанимдан, менда доимий мижозлар пайдо бўлди. Улар орасида сенинг бобонг, - Арад Гула ҳам бор эди. У, мол юкланган эшаги, ҳамда қора танли қули билан, шаҳарнинг бир чеккасидан нариги чеккасига бориб, айланниб юриб гилам сотарди. Бобонг, ўзи учун иккита ва қули унун иккита нон сотиб олар, уларни тановвул қилаёттиб, мени суҳбатга тортарди. Бир куни бобонг: "Нонинг менга ёқади йигитча, аммо ундан ҳам кўра, нонларни сотиш усулинг кўпроқ ёқади. Бундай шижаат ва файрат билан, сен узокқа борасан" - деди. Шу сўзларини, мен умрбод эслаб қолдим. Улкан шаҳарда ўзи якка, шармандали асирикдан кутилишга бор кучи билан уринаётган мендек ёш қул учун, бу мақтov сўзлари қандай аҳамиятга эга бўлганини, тушина олармикинсан, Хадан Гула?

Ойма-ой, тангаларни ҳамёнимга солиб, йифавердим, унинг орирлашиб бораётганидан дилим қувонарди. Мегиддо айтганидек, меҳнат менинг энг яқин дўстимга айланган эди. Мен баҳтиёр эдиму, бироқ Свасти: "Хўжайнинг қиморхонадан чиқмай қўйдия!" - дея, хавотирга тушиб қолганди.

Бир куни, кўчада дўстим Мегиддони кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. У, учта эшакка сабзавотларни ортиб, бозорга кетаётган экан. - Ҳамма ишлар жойида, - деди Мегиддо. - Хўжай-

иним, ҳалол меҳнатимни қадрига етди, - ҳозир, бошқа қулларга бошлиқман. Кўрятсанку, бозордаги савдо-сотиқни ҳам ишониб топшириб қўйган, ҳатто, оиласми олиб келишимга рухсат этди. Барча мушкулотлардан кутилишга, меҳнат ёрдам берди. Бир кун келиб, мен меҳнатим орқасидан озодликка чиқаман ва ўзимнинг уйим, хўжалигим бўлади. Вакт ўтиб борар ва Нана-наид, кўчаларда нон сотиб уйга қайтишимни, сабрсизлик билан кутар, кейин, очкўзлик билан пулни тақсимлар экан, яна, янги савдо нуқталарини топишим зарурлигини, уқтиргани-уқтирган эди.

Девор қураётган қулларнинг назоратчилари га нон сотиш мақсадида, тез-тез дарвозадан чиқа бошладим. Қулларнинг, қийналаётганини кўриш, менга оғир бўлсада, назоратчилар - менинг фаол харидорларимга айланишган эди. Бир куни, саватига ғишт солишларини кутиб, навбатда турган Забадони учратдим. Унинг қадди букилиб, жуда озиб кетган, кураклари калтак зарбларидан, ёрилиб кетган эди. Раҳмим келиб, унга битта нон ҳадя қилдим. Забадо, уни йиртқич ҳайвондек бир пасда еб ташлади. Оч кўзлари, нонларимга тикилиб қолганини кўриб, патнисимни тортиб олишдан кўрқиб қочиб кетдим.

"Нега бунча кўп ишлайсан?" - сўраб қолди Арад Гула бир куни. Эсингдами? Сен ҳам бугун, шу саволни берган эдинг? Мен бобонгга, - Меҳнат менинг энг яқин дўстим" - дея, Мегид-

денинг сўзлари билан жавоб бердим, унга магурланиб, тангаларга тўла ҳамёнимни кўрсатдим ва озодликка чиқиш учун пул йиғаётганимни айтдим.

– Озод бўлгач, нима иш қилимокчисан? - сўради у.

– Савдогар бўлмоқчиман, - дедим мен.

– Биласанми, мен ҳам кулман. Биз, хўжайиним икковимиз ҳамкормиз...

– Тўхтанг! - унинг сўзларини бўлди Хадан Гула. - Мен, бобомнинг номус-орига балчиқ чаплайдиган ёлғон уйдирмаларни эшитмайман. Бобом, қул бўлган эмас! - йигитчанинг кўзлари ғазабдан ёнарди.

Шарру-Нада, пинагини бузмади.

– Сенинг бобонгни, у ўз баҳтсиз оламидан чиқа олиб, меҳнатлари эвазига, Дамашқнинг энг эъзозли фуқаросига айлана олгани учун, ҳурмат қиласман. Сен унинг набираси, ўша лойдан қорилмаганмисан? Ҳақиқатга тик қарашга журъатинг етмайдими? Зоҳирий дунёда яшашни маъқул кўрасанми?

Хадан Гула, қаддини ғоз тутиб, эгарга магурур ўтириб олди. Гапираётганида, товушидан унинг чуқур хаяжонда эканлиги билиниб қолди:

– Менинг бобомни ҳамма яхши кўрарди, - деди у, овози тўлқинланиб. - Бобом қилган яхшиликларнинг саноғи йўқ. Ахир, Дамашқда очлик бошланганида, айни менинг бобом ўз тиллаларига Мисрдан дон сотиб олиб, ҳамма очликдан қийналаётгандарга тарқатган эмасми!

Энди сиз, уни вавилонлик чорасиз қул эди, деб турибсиз.

– Агар бобонг, Вавилонда қуллигича қолиб кетганида, ундан нафратлансанг арзирди. Лекин Арад Гула, қулликдан энг юқори мартаба кишиси даражасига күтарила олди. Худо ёрлакаб, Дамашқда эъзозли фуқарога айланди, - дея жавоб берди Шарру-Нада.

Арад Гула менга ўз аҳволидан дарак бериб, ҳикоясини давом эттирди Шарру-Нада, - озодлигини сотиб олиш мақсадида, жуда катта меҳнат қилганини айтди. Мана энди, етарлича пул тўплаб орзуси амалга ошиш арафасида турганида, келажакда қандай юмуш билан шугуланиши билмай, ҳаяжонда эди, хўжайиннинг мададидан мосуво бўлиш, уни кўрқитарди.

Мен бобонгга, "- Хўжайиннингизга боғланиб қолманг, ўзингизнинг озодлигинизни ҳис қилинг ва озод кишидек иш қилинг. Энг аввало, қандай касб қилмоқчилигинизни белгилаб олинг, кейин, астойдил меҳнат қилсангиз, мақсадингизга эришасиз"- дея танбеҳ бердим. Бобонг, уни қўрқоқлиги учун изза қилганимга раҳмат айтиб, қайтиб кетди.

Бир куни мен яна дарвозадан шаҳар ташқарисига чиқдиму катта оломонни кўриб ҳайрон бўлдим. Нима гаплигини бир йўловчидан сўрасам, у:

– Ия, ҳали эшитмадингми? Шоҳ қўриқчисини ўлдириб қочган қулни суд ўлимга ҳукм қилган эди. Қатл маросимига, шоҳимизнинг ўзи ке-

ларкан, - деди.

Одамлар тўдаси ўта зичлигидан, қўлимдаги патнис билан яқинлашгани кўрқиб, чала битган девор устига чиқиб олдим-да, томоша қила бошладим. Мен, секин юриб келаётган олтин извошга ястаниб олган шоҳни кўриш бахтига муяссар бўлдим. Ёш ҳаётим даврида ҳали ҳеч қачон, тилла ва баркутга бурканган бунчалик маҳобат ва дабдабани учратмаган эдим.

Қатлнинг ўзини кўрмасамда, аммо, бечора кулнинг дод-фарёдлари эшитилиб турди. Адолатли ва хушсурат шоҳимиз, бундайин жирканч томошага қандай чидаётгани, менга тушунарсиз эди, бироқ, шоҳнинг ўз яқинлари билан ҳазиллашиб, кулиб ўтирганини кўриб, унинг ёвуз одам эканини, девор қураётган қулларга нисбатан чиқарилаётган шафқатсиз буйруқлар кимга тегишли эканлигини англашим.

## ҚАДИМГИ ВАВИЛОНДА ҚУЛЛАРГА ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН ОДОБ МЕЪЁРИ

Қонун орқали тартибга солинади. Масалан агар хўжайини қарши бўлмаса, қулнинг ўз молмулки ва ҳатто бошқа қулларга эгалик қилиши мумкин эди. Қулларга, озод аёлларга уйланиш рухсат берилган эди. Бундай никоҳдан туғилган фарзандлар, озод фуқаролар ҳисобланарди. Шаҳар савдогарларининг кўтчилиги қуллардан иборат бўлган. Аксарият қуллар, ўз хўжайнларининг ҳамкорига айланиб, даромаддан ўз улушларини олиб туришган.

Қатлдан сўнг, қулнинг мурдасини, оёғидан осиб қўйишиди. Уни яхшилаб кўриб олган оломон анча сийраклашгач, мен яқинроқ бордим. Жунли кўкрагида, бир-бирига чирмашган илонларнинг тасвирига назарим тушди. Бу - Қароқчи эди.

Арад Гулани кейинги сафар учратганимда, қаршимда бутунлай бошқа одамни кўрдим. У хурсанд бўлиб мени қучоқлаб олди: "- Қара, - деди бобонг қувочга тўлиб тошиб. - Сен билган қул, - энди озод киши. Сенинг сўзларингдан улкан доноликни англадим. Савдо- сотифим ва даромадим, кундан-кун ошиб боряпти. Омадим чопганидан хотиним ҳам хурсанд.

Аёлим, хўжайнимнинг жияни, озод қиз эди. У, менинг қул бўлганимни ҳеч ким билмайдиган бошқа шаҳарга кўчиб кетишимизни истаб, шо-

шилтирияпти. Ўшанда, фарзандларимиз отаси-нинг бахтсиз ўтмишидан бехабар, тиллари қисилмай ўсишади. Айни тинимсиз меҳнат, менинг ўзимга ишончни ва эсимдан чиқаёзган савдосотик илмини қайта бошлишимга ёрдам берди".

Арад Гула қачонлардир менга маънавий далда бергани учун, оддий сўзлар билан бўлса-да, унга миннатдорчилик билдирганимдан қувонганини кўриб, икки ҳисса хурсанд бўлдим.

Бир куни Свасти ўта ғамгин ҳолатда олдимга келиб: "Хўжайнингни бошига кулфат тушди,- деди. - у анчагина пулни қиморда ютқазиб кўйган, ўзини бир нима қилиб кўйишидан кўркяпман. Донга ҳам, асалга ҳам тўлашга шули йўқ. Ҳақини ололмаган судхўр ва ҳақдорлари, разаб отига минишган, унга таҳдид қилишяпти". Мен бепарво эдим:

– Хўжайнинг аҳмоқлигига, бизнинг бошимиз оғримайди-ку! Биз унинг ҳомийси эмасмиз.

– Тентаккинам, ҳеч нарсани тушунмадингми? Хўжайнинг, сени судхўрга гаровга бериб юборди. Қонунга биноан, у сени олиб кетиб, сотиб юбориши мумкин. Нима қилишни билмай бошим қотиб қолди. Ахир Нана-наид раҳмдил яхши инсон эдику? Нега, айнан сенинг хўжайнингни бошига кулфат тушди-а?

Свасти бекорга қўрқмаган экан. Эртаси тонгда нон ёпаётганимда, ховлига судхўр ва Саси деган киши кириб келишди. Саси менга бошоёқ назар ташлаб, маъқуллаб бош ирғиди.

Судхўр, Нана-наид қарзини қайтаришини кутиб ўтирмай, мени дарҳол сотиб юборишини, Свастига айтди. Елкамга илинган ягона кичик халта ва белимга боғлаб олган ҳамёним билан мени новвойхонадан олиб чиқиб кетишиди. Мени худди орзу-умидларим унаётган туроқдан юлиб олинган дараҳтдек кўпириб ётган денгизга улоқтиришиди. Яна қимор ва бода, баҳтсизлигим сабабчиси бўлди.

Саси, ўта қўпол ва беодоб экан. Шаҳарда кетаётганимизда мен унга Нана-наид учун бажарган ишларим ҳақида сўзладим, унга ҳам ишлаб пул топиб беришим мумкинлигини айтдим.

– Э, менга бунақа ишлар керакмас,- қичқирди у, умидимни сўндириб. Бу хўжайнингма ҳам ёқмайди. Подшоҳнинг амрига кўра, хўжайнин мени Буюк канал қурилишига юборди. Энди мен, оғир меҳнатга чидами кўпгина қуллардан сотиб олишим, қурилишни тезроқ, тугатишмиз керак. Аммо, катта қурилишга кўп вақт кетади-да".

Энди бирортаям дараҳт ўсмайдиган, қуёшнинг жазирама нурларидан мешингдаги сув қайнаб кетиб, ичишга яроқсиз бўлиб қоладиган сахрони тасаввур қил. Аzonдан то қоронфи тушгунича, белигача чуқурга тушиб, идишга балчиқ олиб чиқаётган эркаклар сафини кўз олдингга келтир. Катта, ифлос тогораларда худди чўчқа боқаётгандек овқат беришарди. Бoshшимиз узра на бир том, остимизда на бир похол бор эди.

Мен худди ана шу вазиятга тушиб қолдим.  
Яхши кунларда кавлаб оларман деган умидда,  
ҳамёнимни кўмиб кўйдим.

Олдинига, астайдил ишласамда, лекин орадан бир неча ой ўтиб, дабдалам чиқаётганини сездим. Ана ўшандা, мени безгак касали йикитди. Иштаҳам йўқолиб, деярли овқат емай кўйдим. Тунлари, уйқусизликдан қийналардим.

Ўзимга раҳмим келиб ётарканман, "Забадо тўғри айтган шекилли,- деб ўйладим.- Зўр бериб ишлайвериш, фойдалими?". Аммо, унинг дол қаддию бечораҳол афти эсимга тушиб, Забадонинг тушунчаси, менга тўғри келмаслигини англадим.

Қароқчи эсимга тушди. Балки ҳаммага қарши туриш, муштлашиш маъқулдир? Лекин унинг қонли мурдаси кўз олдимга келиб, бу ҳам номақбул йўл эканлигини тушундим.

Кейин, Мегиддо билан охирги учрашувимиз хотирамда жонланди. Унинг қўллари оғир меҳнатдан қадоқларга тўла бўлсада, руҳи тетик, ўзи баҳтиёр эди. Ҳа, энг мақбули, Мегиддо тутган йўл.

Бироқ мен Мегиддодан ҳам кўпроқ ишладимку? Унда, нега оғир меҳнатларим менга баҳт ва омад олиб келмади? Наҳотки тоъле нималигини билмай, умрим меҳнат - машаққатда ўтиб кетса? Мегиддонинг баҳти нимада? Шу саволлар миямда ғужрон ўйнар, лекин, бирортасига ҳам жавоб топа олмасдим.

Орадан бир неча кун ўтиб, ҳануз саволларимга қониқарли жавоб излаб, энди тамом бўлдим

деб турганимда, Саси менга одам юборди. Хўжайнимдан, мени Вавилонга қайтаришларини сўраб, нома келибди. Мен, ҳамёнимни яширган жойимдан кавлаб олиб, қачонлардир кийим вазифасини ўтаган латта-путталарни эгнимга илиб, йўлга тушдим.

Жонсарак миямда қайнаётган саволлар, мени йўлда ҳам тинч қўймай қийнаганидан, ўзими- бўрон номаълум томонга учириб кетаётган кўм заррасидек ҳис қиласдим.

Ўзим билмаган гуноҳларим учун мени янги жазо кутиб турибдими? Бу сафар бошимга қандай бало-офатлар ёғиларкин?

Хўжайнининг ҳовлисига кириб, мени кутиб ўтирган Арад Гулани кўрганимда, қай аҳволга тушганимни тасаввур қиласвер. У менга отдан тушиб олишимга ёрдам бериб, узоқ айрилиқдан сўнг учрашган акадек қучоқлашиб кўришди.

Мен хўдди қул хўжайнинг эргашганидек, унинг орқасидан юрмоқчи эдим, бобонг мени тўхтатиб елкамга қўлини қўйди:

– Сени ҳамма жойда излаб юрибман. Энди умидимни узмоқчи бўб турганидим, Свасти сени сотиб олган судхўр ҳақида гапириб берди. Судхўр мени хўжайнингни олдига юборди. Биз у билан, узоқ савдолашдик, хўжайнинг жуда катта нарх сўради, лекин сен шунга арзийсан. Сенинг фалсафанг ва лаёқатинг, ҳаётда муваффакият қозонишимга менда ишонч туғдирди.

– Бу, Мегиддонинг фалсафаси, менини эмас,- унинг гапини бўлдим.

– Мегиддо ва сеники. Икковингизнинг шу фалсафнгиз туфайли, биз Дамашққа кўчиб кетамиз, сен менга ҳамкор бўласан. Кўрдингми, бир онда сен озод кишига айландинг!-дея хитоб қилди Арад Гула ва қўйнидан менинг қуллигим битилган ҳужжат-тахтачани чиқарди. Кейин уни боши узра баланд кўтариб уч-тўрт бўлакчаларга бўлди-да, тошга ташлаб, то улар тупроққа айланиб кетмагунларича, этигининг пошналарида узоқ эзив-янчди. Кўзларимдан миннатдорчилик ёшлари тинмай оқарди. Тушундимки, - Вавилондаги энг баҳтили инсон-ўзимман...

Кўрдингми, ҳаётимнинг мушкул дамларида, меҳнат-менинг содик дўстимга айланди. Ишлаш иштиёқи, девор қурилишига юборилган баҳти қароларнинг қисматидан асраб қолди. Бобонг ҳам, меҳнатсевар-тиришқоқлигимдан таъсирланниб, мени ўзига ҳамкор қилиб танлади.

– Бобомнинг бойиш сири,-меҳнатдами?-сўради Хадан Гула.

-Биз танишганимизда, меҳнат қилиш у биладиган ягона сир эди,-жавоб берди Шарру Нада.- Сенинг бобонг, ишлашни севгани учун ҳам, худо уни ёрлақади.

– Ҳа, мана энди тушуняпман,-деди Хадан Гула ўйланиб.-Бобом айни меҳнати орқасидан, кўплаб дўстлар ортирган. Унга кўрсатилган эъзозу, чексиз ҳурмат-эҳтиромларга, у меҳнат қилиб эришган эканда, мен бемалол фойдаланган барча бойликларини ҳам. Мен эса, ишлаш,-

қулларнинг тақдирига битилган деб ҳисоблар-канман.

- Ҳаёт лаззатларга тўла,-деди Шарру-Нада. - Лекин, ҳар бир ҳузур-ҳаловатнинг ўз ўрни бор. Мехнат қилиш факат қулларнинг вазифаси эмас-лигидан хурсандман, акс ҳолда, мен дунёниг энг буюк завқидан бебахра қолардим. Мен кўп нарсалардан мазза қиласман, аммо меҳнат қилишдек лаззатта ҳеч нарса тенглаша олмайди.

Шарру-Нада ва Хадан Гула, Вавилоннинг маҳобатли бронза дарвозаси олдига етиб бордилар. Кўриқчилар яқинлашиб келаётган ҳурматли фуқарога таъвозе билан салом беришди. Шарру-Нада, отда мағур үтирганича, узундан-узун карвонини дарвозадан ичкарига киритиб, асосий кўчадан шаҳар марказига йўналтириди.

Мен ҳар доим, бобомга ўхшашни орзу қиласдим, - дилини очди Хадан Гула. - Бироқ у қанақа одам бўлганини ўйлаб кўрмаган эканман. Сиз кўзларимни очдингиз. Энди мен, бобомни янада кўпроқ севаяпман, унга ўхшаш истаги янада кучайди. Омадим калитини қўлимга тутқаздингиз, бу яхшилигингизга муносиб жавоб қайтара олмайманми деб қўрқаман. Мен ҳам худди бобомдек йўл тутиб, бойлик ортира бошлиман. Зеб-зийнат эмас, меҳнат ҳаётим мазмунига айланади!

Шу гапларни айтиб, Хадан Гула бармокларидан узукларни, қулоғидан сирғани ечиб олди ва отини тўхтатиб, олдинга карvon ҳўжайинини ўтказиб юборди.

## ВАВИЛОН ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Инсониятнинг бутун тарихи давомида, Вавилончалик ўта машҳур шаҳар бўлган эмас. Шу номнинг ўзиёқ, кишида бойлик ва омад ҳақидаги тасаввурни туғдиради. Шаҳарнинг хазиналари битмас-туганмас эди. Вавилон дейилганда, қадимги Вавилония, Бобулия, Бобил номларида замонамиз кишисининг кўзлари олдида беихтиёр, серҳосил боғу - роларга бурканган, тилла конлари сероб афсонавий шаҳар намоён бўлади. Аслида эса, ундай эмас. Вавилон Евфрат дарёсини қашшоқ ва бефайз ҳавзасида жойлашган эди. У ерда на ўрмон, на бирор фойдали қазилмали кон бўлган. Ҳатто, қуришга ярайдиган тош топилмади. Атрофида ҳам, савдо йўллари мавжуд бўлмаган. Жуда кам ёғадиган ёмғирлар, тупроқни қониктириб суроролмас, шунданми, мўлҳосил ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Вавилон - юксак мақсадга эришишга қаратилган инсон иродасининг, тиришқоқлигининг ва астойдил меҳнатининг буюк намунасиdir. Вавилондаги барча ноз-неъматларни, инсон яратган. Унинг чексиз бойликлари ҳам, - инсоннинг юксак ақл-заковати ва толмас меҳнаткаш кўллари самарасидир.

Вавилонда факат иккита табиий бойлик, - сенрунум тупроқ ва дарё суви бор эди, холос.

Вавилонлик мұхандислар: дарә ҳавзасига күтартмалар бостириб, ирригация иншоотларини қуриб, дарә сувини, күпинча каналлар орқали оқиза олишдек жуда мураккаб вазифани бажарғанлар. Каналлар узок-узокларга чўзилган бўлиб, серунум ерларга бебаҳо сувни етказиб берарди. Буни инсоният тарихида биринчи мұхандислик даҳосининг ғалабаси деса бўлади. Ўшандан кейин, вавилонликлар ола бошланган мўл-кўл ҳосиллар, уларнинг оғир меҳнати эвазига берилган мукофот эди.

Халқ бахтига, ҳамма давларда ҳам, Вавилонни оқил шоҳлар бошқарган. Ўзга давлатларга қарши уруш олиб бориш, бегона ҳудудларни босиб олиш васвасаси уларга ёт эди. Вавилон, тез тутайдиган майда жангларда, асосан шаҳарнинг бойликлариға кўз тиккан душманга қарши ҳимоя урушларини олиб борган, холос. Адолатли, доно ва ишбилармон бўлганликлари учун Вавилоннинг кўплаб буюк ҳукмдорлари, ҳозиргача инсониятнинг хотирасида яшаб келмоқдалар.

Халқни эзиди факат улуш ундириш ва дунёга подшоҳ бўлишни орзу қилган якка ҳокимлар Вавилонда ҳеч қачон бўлган эмас.

Бутунги кунда, Вавилон шаҳри йўқ бўлиб кетган. Минг йиллар давомида уни қуриб, ободонлаштирганларнинг охиргилари кетишигач, факат ҳаробалар қолган. Вавилон Осиёда, Сувайш каналидан таҳминан, тўққиз юз километр шарқрокда, Форс кўрфазидан шимолрокда,

экватордан 30 градус юқори кенглика жойлашган эди. Юма (АҚШ. Аризона штаты) шаҳри ҳам шу кенглик чизигида.

Иккала шаҳарнинг иқлими ҳам бир хил, чукур ва иссик.

Авваллари серунум бўлган бу жойлар, Евфрат дарёсининг ҳавза майдонлари, бизнинг кунларда, яна шамол изғийдиган, ербағр янтоқлару, қумли бўронлардан иборат саҳро. Серҳосил далалар, бой-бадавлат шаҳарлар ва қимматбаҳо юклар ортилган савдо карвонлари, энди йўқ. Ҳозир, ўша ҳудудда, кичкина-кичкина подаларни боқиб юрувчи кўчманчи араб қабилалари хўжайин. Бундайин манзара, эрамиз бошларидан буён кузатилмокда.

Улкан текисликларда катта-кичик дўнг ерлар сочилиб ётиби. Асрлар давомида саёҳатчилар уларга бепарво бўлган. Ниҳоят жала сувлари тепаликларни ювиб, қадимги идиш парчалари, ва фиштдан бунёд этилган девор четлари очилиб қолганида, бу ҳудуд археологлар дикқатини ўзига тортди. Европа ва Америка. Музейлари томонидан молиялаштирилган экспедициялар етиб келиб, қазиш ишларини бошлаб юборишларига, дўнг ерлар - қадимги шаҳарларнинг харобалари эканлиги аниқланди.

Вавилон, ана шу шаҳарлардан бири эди. Икки минг йил давомида шамоллар учиреб келтираверган қум уюмлари, шаҳарнинг бегона кўзлардан пана қилиб қўйганди. Фишт девор-

лар, эндиликда тупроқ ичида. Бугунги Вавилоннинг ҳолати шундай. Агар олимлар, вижданан қазиши машиналарни олиб боришмаганида ва ўз даврида ҳангома бўлган, ҳозирда эса, вайронага айланган саройлару ибодатхоналар устидан, йигирма асрлик тупроқ қатламини олиб ташлашмаганида эди, ҳеч ким шундай шаҳар мавжуд бўлганини эсламас эди ҳам.

Аксарият олимларнинг фикрича, Вавилон ва шу водийда жойлашган бошқа шаҳарларнинг ривожланган тараққиёти - қўлёзмалари бизгача етиб келган барча тараққиётлар ичида, - энг қадимгиси. Ҳисобланишича, гап саккиз минг йил олдинги давр ҳақида бориши мумкин. Ушбу сана қандай аниқланганини билиш қизиқ. Вавилон вайроналарида, қуёш тутилиши тасвирланган ёзувлар топилган. Кейин замонамиз астрономлари, Вавилондан кўринган қуёш тутилиши вақтини компьютерда ҳисоблаб чиқишиди. Шу тариқа, қадимги ва замонавий календарлар ўртасидаги алоқани аниқлашди.

Демак, саккиз минг йил аввал вавилонликлар, атрофлари деворларда тўсилган шаҳарларда яшашгани исботланди. Бу шаҳарлар неча асрлар давомида фаолият юритганини факат тахмин қилиш мумкин. Вавилонликлар, қолоқ-ёввойи бўлмаганлар, аксинча, таълим-тарбияли, маърифатпарвар кишилар бўлишган. Биринчи муҳандислар, астрономлар, математиклар орасидан етишиб чиққан ва ёзиш санъатини ҳам, улар биринчи бўлиб ўрганишган.

Қақраган саҳрони ҳосилдор далаларга айлантирган, ирригация иншоотлари ҳақида гапириб ўтилди. Кумга тўлиб ётган бўлсада, қадимги каналлар йўлини қайта тикласа бўлади. Баъзи каналлар шунчалик каттаки, ичига, ёнма-ён терилган ўнта от bemalol сиғиши мумкин. Кенглиги жиҳатидан улар, Колорадо ва Юта штатларида-ги (АҚШ) каналлари билан беллаша олади.

Вавилонлик муҳандислар, яна бир улуг режани амалга оширганлар: Евфрат ва Тигр дарёларининг ёнида сув босган улкан майдонни, зовур қазиб қуритиб, у ерларни ҳам экин майдонларига айлантиришган.

Юнон тарихчиси ва сиёсатчisi Геродот, гуллаб яшнаган даврида Вавилонга ташриф буюрган.

Геродот, Вавилоннинг тасвирини графика усулида чизиб, шаҳарликларнинг қизиқарли анъаналари ҳақидаги хотираларини қолдирған. Қўлёзмасида у, тупроқнинг ўта серҳосиллигини, вавилонликлар йифиб оладиган буғдой ва улкан ҳосили ҳақида ёзади. Шу асар, Вавилоннинг шахсан ўзи кўрган шоҳид сифатида қолдирған ва бизгача келган ягона қўлёзмадир

Вавилоннинг шон-шуҳрати асрлар қаърида ўчиб кетган бўлсада, уларнинг ақл-заковати биз учун сақланиб қолган. Бунинг учун, биз Вавилон алифбосидан миннатдор бўлишимиз керак. Ўша узоқ даврларда, қоғоз ҳали кашф қилинмаган эди. Шу боис, вавилонликлар ўз ҳарфларини лойдан тайёрлаган тахтачаларга чиройли

қилиб ёзишарди. Тахтачаларнинг ўлчами: бўйи 20 см, эни 15 см, қалинлиги 2,5 см бўлган.

Ўша печда қуритилган қўлёзмалар, замонавий ёзишма усулига жуда ўхшайди. Уларга, афсоналар, шеърлар, тарихий воеа-ҳодисалар, чиқарган қарорлар, қонунлар, қарз олди-бердиси ҳақидаги тилхатлар, шахсий мол-мулк ҳақидаги ҳужжатлар ва бошқаларни ёзиб боришиган. Худди ана ўша печда қотирилган тахтачалар орқали, вавилонликларнинг яшаш тарзини билиб олдик, уларнинг ички дунёсига мўраладик. Масалан, тахтачалардан бири, қандайдир савдогар олиб борган ҳисоб-китоб журналини эслатади. Унга: белгиланган куни, харидор сигирини олиб келиб, уни етти қоп буғдойга алмаштиргани, уч қопини дарҳол харидорнинг уйига обориб беришгани, қолган тўрт қоп буғдой эса, харидорнинг кейинги талабигача олиб қўйилгани ёзиб қўйилган.

Археологлар вайроналардан ана ўшанақа печда қотирилган тахтачаларнинг юз мингдан ортигини - бутун бир кутубхона- топишиди.

Вавилоннинг ҳайратланарли мўъжизаларидан бири, шаҳарни ўраб олган унинг деворларидир. Қадимгилар, деворларни Миср эҳромларига teng билиб, "дунёнинг етти мўъжизаси"-дан бири деб ҳисоблашган.

Вавилон мавжуд бўлаётган замонлар, ўзининг ҳукмдорлик даврида, шоҳ-аёл Семирамида, биринчи деворларни курдириб шуҳрат қозонган эди. Бироқ замонавий қазилмалар илк девор-

лар изини тополмади, уларнинг қанча баланд бўлгани ҳам номаълум. Қадимий қўлёзмалардан, деворлар ўн беш - ўн саккиз метр баландликда бўлгани тахмин қилинади. Ташқарисидан деворлар пишиқ фиштларда урилиб, қўшимчасига, сув тўла хандақ билан ўралган.

Кейинги даврда қурилган девор, эрамиздан аввалги олти юзинчи йилда, подшоҳ Набопала-сар фармонига биноан тиклана бошлаган. Шоҳ, шунчалик улкан қурилишни режалаштирган эдики, ҳали девор битмасиданоқ, оламдан ўтади. Унинг ишини, номи Инжилда келтирилган ўғли Небухаднэzzар давом эттиради.

Кейинги қурилган деворнинг баландлиги ва узунлигидан киши ақли шошади. Ишончли манбалардан маълумки, деворнинг баландлиги қирқ саккизметр, узунлиги ўн олти км, бўлган. Девор қалинлиги ҳам ажабтовур: Устида, олтита от қўшилган арава bemalol ҳаракатланган. Ҳозир фақат, ўша маҳобатли деворнинг пойдевор қисмларию, ҳандаклари қолган.

Фиштларини араблар қурилиш ишларига ташиб кетган, девордан асар ҳам қолдиришмаган.

Тарихга маълум кўпгина истилочилар Вавилон таҳтига кўз олайтириб, шаҳарга тинимсиз ҳужумлар уюштиришган бўлишсада, уларнинг барча уринишлари зое кетарди. Ўша даврнинг қўшинларини кам сонли деб бўлмасди. Тарихчилар қўйидаги рақамларни келтиришади: 10000 та чавандозлар, 25000та жангавор араб-

лар, ҳар бирида 1000та жангчиси бор 1200 пиёдалар полки...

Одатда, урушга тайёргарлик, икки-уч йил вақтни олади.

Вавилонда хўжалик ишларини юритиш, замонавий тизилмани жудаям эслатади: шаҳарда кенг кўчалар ва дўконлар бўлган. Савдогарлар, ўз молларини маҳаллама-маҳалла юриб сотишган. Дин пешволари ҳашаматли ибодатхоналарда аҳолига хизмат кўрсатардилар. Шаҳар ичкарисида, шоҳ саройлари учун маҳсус ҳудудни ўраб олган деворлар, шаҳар деворидан юқори бўларди.

Санъат Вавилонда гуллаб-яшнаган. Аҳоли ҳайкалтарошлиқ, мусаввирилик, заргарлик, курол-яроғ ва қишлоқ хўжалиги иш қуролларини ясай олиш илмидан хабардор эди. Вавилонлик заргарларнинг буюмлари, бутун дунёга донг таратган эди. Қазилмалар пайти, бой фуқаролар уйларидан топилган кўплаб зеб-зийнатлар, ҳозирда, жаҳоннинг машҳур музейлари кўргазмаларида намойиш қилинмоқда.

Таракқиётнинг ибтидосида, инсониятнинг қолган қисми тош болта ишлатиб, уни тошдан ясалган найзаларда ов қилиб юрганида, Вавилондà темир болта ва уни темирдан ишланган найза ва ўқлар қўлланилади.

Вавилонликлар ақл-заковатли молиячи ва уста савдогарлар эдилар. Бизга маълум бўлишича, мол айирбошлаш воситаси сифатида пулни ихтиро қилганлар ҳам, қарз ҳақида тил-

хат, ҳамда мол-мулкнинг эгасини аниқлаб берувчи ҳужжатларни ўйлаб топганлар ҳам вавилонликлар эди.

Душман қўшинлари, илк бора Вавилонни, эрамиздан аввалги беш юз қирқинчи йили ишғол этади. Аммо ўшанда ҳам шаҳар деворлари орқали эмас. Вавилоннинг қулаш тарихи ниҳоятда ғайриоддий. Ўша замоннинг буюк истилочиларидан бири Кир Вавилонга ҳужум уюштириб, енгилмас деворлардан ошиб ўтиб шаҳарни олишга умид қилиб турганида, Вавилон шоҳи Набониднинг маслаҳатчилари, ҳали шаҳар қамал қилинмасдан один, қўшинни ташқарига чиқариб, Кирга қарши жанг қилишга, хукмдорни кўндиридилар. Вавилон аскарлари тормор этилиб, шаҳардан ташқарига улоқтириб ташланади ва Кир, очиқ дарвозадан кириб, Вавилонни ҳеч қандай ҳужумсиз эгаллайди.

Ўшандан кейин, буюк шаҳарнинг обрўси ва қудрати аста-секин сўна бориб, бир неча юз йилдан сўнг аҳоли шаҳарни тарқ этади. Кейин, қумли шамоллар, Вавилонни ташландик, қакраган саҳрога айлантиришди. Қайта турмас бўлиб Вавилон йиқилгани билан аммо инсоният Вавилондан бир умр қарздордир.

Асрлар давомида унинг маҳобатли ибодатхоналари чанг-тўзонлар аро кўмилиб кетган бўлсада, бироқ, Вавилон донишмандлиги бизнинг кунларимизгача мозийнинг улуг мероси ўлароқ етиб келган.

## ТАМОМ

## **МУАЛЛИФ ВА УНИНГ КИТОБИ ҲАҚИДА**

Жорж Самуэл Клейсон Миссури штати Луизиана шаҳрида, 1874 йилнинг 7 ноябр санасида туғилган. Небраски университетини битирган. Америка - испан уруши пайтида АҚШ қўшинлари сифатида хизмат қилган. Ўзининг ноширлик фаолиятининг бошларида у, Колорадо штати, Денвер шаҳрида, жуғрофий хариталар тузувчи "Клейсон МЭП" компаниясини тузади ва АҚШ ва Канада йўлларининг биринчи атласини чоп этади. 1926 йили, у Қадимги Вавилон тарихида рўй берган воқеа-ҳодисалардан фойдаланиб, молиявий омадга эришиш усулларни ўргатувчи машҳур памфлетлари сериясидаги биринчи китобни чиқарди. Памфлетлар банклар ва сұғурта компаниялари орасида жуда тез тарқалиб, миллионлаб ўқувчиларнинг олқишига сазовор бўлдилар. Уларнинг ичидаги энг машҳури, - "Вавилонлик бой" китобидир. "Вавилон эртаклари", замонавий классиканинг на мунасига айланган.

Сизга яхши таниш бўлган машҳур руҳшунос Дейл Карнеги Жорж Клейсонни тадбиркорлар устози даражасида чуқур хурмат қилиб, эътироф этган.

## **МУНДАРИЖА**

МУАЛЛИФ СҮЗБОШИСИ .....	3
БОЙЛИККА ИНТИЛГАН ОДАМ .....	6
ВАВИЛОННИНГ ЭНГ САРВАТДОР ОДАМИ .....	15
БОЙИШНИНГ БЕШТА ҚОNUНИ .....	33
ВАВИЛОНЧА ҲАМКОРЛИК .....	50
ВАВИЛОН ДЕВОРЛАРИ .....	68
ВАВИЛОНИК ТУЯ ФУРУШ .....	73
ВАВИЛОНИК БАХТЛИ ОДАМ .....	102
ҚАДИМГИ ВАВИЛОНДА ҚУЛЛАРГА ҚЎЛЛАНИ- ЛАДИГАН ОДОБ МЕЪЁРИ .....	120
ВАВИЛОН ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР .....	127

*Хориж бестселлери*

**ЖОРЖ САМЮЭЛ КЛЕЙСОН**  
**ВАВИЛОНЛИК ЭНГ  
БОЙ ОДАМ**

Бош мухаррир:  
**Амир Худойбердиев**  
Бадий мухаррир:  
**Зухра Ҳамдамова**  
Техник мухаррир:  
**Аббос Турсунов**  
Нашрга тайёрловчи:  
**Акмал Нажмиддинов**

## **ХОРИЖ БЕСТСЕЛЛЕРИ**

**Биринчи миллионернинг бўлажак  
миллионерга тавсиялари**

**Нашриёт лицензияси № АI 139**

Терилди: 12.03.2010. Босишга рухсат этилди: 11.04.2010.  
8.65 б/т. Бичими: 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет корозида босилди.  
Адади: 3000. Баҳоси келишилган нархда. №-26

*Нашриёт манзили:*  
«Насаф» нашриёти, 130018, Қарши шахри,  
Мустақиллик шох кўчаси, 22-уй.

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖда чоп этилди.  
Тошкент ш., Бобур кўчаси, 4-уй.



Жорж  
Санюэл Клейсон

# Вавилонлик

## ЭНГ

## бой

## одам

Бұ китобни

хар бир миллионер үкіган



Ёзувчи ва таржимон Хайрулла Қосим Элтурк (Хайрулла Қосимов) машхур руҳшунос олим Дейл Карнеги асарларини ўзбек ўкувчисига етказишда самарали ижод қилмоқда.

Айни вақтда у ҳар бир инсоннинг фаровон турмуш тарзини шакллантириш, ижодкорлик, бунёдкорлик, сабр-қаноатли бўлиш фазилатларини эгаллаш каби одамий омиллар хақидаги асарларни рус тилидан таржима қилмоқда.

Жим Рон, Жорж Клейсон, Сидни Шелдон асарлари шулар жумласидандир.

Бу муаллифларнинг китоблари ўтган асрдаёқ дунёning жуда кўп тилларига таржима қилинган машхур ва бебаҳо рисолалардир.

ISBN 978-9943-18-049-9

9 789943 180499